

MUNDARIJA



48



50



22

JARAYON

3 Mitti yulduzlarning
jimir-jimiri...

MULOHAZA

7 Husan Maqsud.
Adabiyot darsliklari
pishiq va puxta bo'lsa...

TADQIQOT

13 Ortiqboy Abdullayev.
“Moviy yuksaklarga
men ham bir chiqay”

NAZM

17 Oygul Ubaydulla qizi.
Muhabbat fasli
44 Olimjon Suyarov.
Ayt, bahor, shodliging
yangimi?
60 Jamoliddin Badalov.
Shotutlar qon bo'ldi,
uzumlar mayiz...



62



20

48



ZAMONAMIZ QAHRAMONI

20 Anvar Obidjon.
Temirchining o'g'li
Bektemir

NASR

24 Normurod Norqobilov.
Ena bo'ri

QO'LYOZMA

32 Usmon Qo'chqor.
Moviy dunyolardan bir
nasim kelur

NIGOH

33 Abdulla Oripov.
She'riyatga
baxshida umr

XAZINA

46 Abdusattor Jumanazar.
Qo'sh buloq

HAMNAFAS

48 Munavvara Usmonova.
To'ylar solgan ko'ylar...

MAKTUBOT

51 Nodirabegim
Ibrohimova.
Yo'qlab yonimga bir
kelmaysiz, do'stim...

HIKOYA

54 Dilmurod Sodiq.
Yurtkezar

TAASSUROT

58 "Yurtkezar"ni o'qib...

TAVSIYA

62 Abay Qo'nonboyev:
"O'zingga o'zing hisob
ber!"

SURATDAGI SABOQ

64 Rembrant.
Adashgan o'g'ilning
qaytishi

03.2018
(322)

YOSHLIK

Muassislar:

**O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi,
O'zbekiston yoshlar ittifoqi**

1982-yildan chiqa boshlagan.

Tahrir hay'ati:

**Muhammad ALI
Iqbol MIRZO
Sirojiddin SAYYID
Jiyanboy IZBOSKANOV
Farrux JABBOROV**

Jamoatchilik kengashi:

**Qahramon QURONBOYEV
Abdurasul ABDULLAYEV
Azamat UMAROV
Ahmad OTABOYEV
Shuhrat SIROJIDDINOV
Serobiddin ISMOILOV**

Bosh muharrir:

Nodir JONUZOQ

Bosh muharrir o'rinbosari:

Nurilla CHORI

Mas'ul kotib:

Bobur ELMUROD

Adabiy muharrir:

Husan MAQSUD

Mas'ul muharrir:

G'iyosiddin O'NAROV

Badiiy muharrirlar:

**Akbarali MAMASOLIYEV
Rahmatjon YUNUSOV**

Manzilimiz:

Toshkent shahri, Alisher Navoiy
nomidagi Milliy bog', Adiblar xiyoboni,
Yozuvchilar uyushmasi binosi.

E-mail: yoshlik-jurnali@umail.uz

Web sayt: www.yoshlikjurnali.uz

Tel.: (0371) 231-20-58, 231-20-59

Navbatchi muharrir: N. Choriyev

Bosishga 30.03.2018-yilda ruxsat berildi.

Qog'oz formati: 30x42 1/4

Nashriyot hisob tobog'i: 8,7

Indeks – 822.

ISSN 0207-9137. Jurnal 2007-yil

4-mayda O'zbekiston Matbuot va

axborot agentligi tomonidan № 0253

raqami bilan ro'yxatga olingan.

Jurnaldan ko'chirib bosilganda

"Yoshlik" dan olindi" deb izohlanishi shart.

"SILVER STAR PRINT" MChJ

bosmaxonasida chop etildi.

Buyurtma № 31. Adadi: 4285

Toshkent shahri, Uchtepa tumani,

22-mavze, 17-uy.



Mitti yulduzlarning jimir-jimiri...

Қаламга талпиниб...

“Менда шеър дастлаб фикр тарзида, баъзан мажоз тарзида намоён бўлади. Кейин у шеър бўлиб шаклланади... Қаттиқ меҳнат натижасида, албатта. Лекин меҳнатда завқ бўлиши керак. Илоҳий завқ, Зеро, қаттиқ меҳнатни юк ташувги жонивор ҳам қилади. Бу илоҳий завқ сизга уйқу бермасин. Бу илоҳий завқ бўзгингизга қадар келсин, игингиздан тошиб турсин. Кўзингиз юмилиб кетаётган эса-да, қўлингиз қаламга талпинсин. Хуллас, меҳнат, яна меҳнат... Чўнтагида иккита шеър қораламаси юрмаган шоирни мен шоир санамайман: кези келганда тузатиш киритиш угун “аммо”нинг ўрнига “лекин”ни қўйиш керак бўлар, масалан. Ёшлигимда мен ухламасликдан қўрқмасдим, эндиликда ухламаган тушим эртасига дарҳол ўз таъсирини билдиради”.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг суҳбатлардан бирида айтган сўзларини айнан келтирдик. Шеърятимизда янги иқлим яратган, қийин ва мураккаб ижод йўлини босиб ўтган Устознинг ҳаётини хулосаси! Бу йўлнинг шарафийю машаққатини ёш қаламкашларга уқтириш асносида уларни меҳнатга чоғлашнинг беназир хитоби, десак ҳам янглиш бўлмайди. Чунки бугун шеър ёзаман деганнинг кўпи қалам тутишга қўли келмасдан аввал “ош”га “тош”, “баҳор”га “наҳор”ни қофиялай бошлаганди. Ўзини шеърга “ураётган” ўғил-қизлар сафи кун сайин кенгайиб бораётир. Хўш, бу яхшими? Бола, сўз

қўллашга ўрганса, қачон қаерда қандай сўзламоққа одатланса... хуллас, болакай ўзи учун ижоддан адабга, адабдан адабиётга йўл очса, ёт ғояни ёнига йўлатмаса, ҳар шеър ёзганда ва ижодга ҳар тўкилганда кўнгилчаси КўНГИЛга айлана борса... бунинг нимаси ёмон? Куртак ёзаётган илҳомни авайлаш керак, холос. Йўл-йўриқ даркор. Боланинг бутун бошли шеърда атиги битта сўз ярқ этиб кўринса агар, уни чўғ деб қабул қилиб “пуф-пуфлаш”, учқунни оловлантириш – олий саодат. Бу борада юртимизда амалга оширилаётган хайрли ишлар қаторига яқинда яна бир ташаббус қўшилди. Олти вилоятда Ижод мактаби ташкил этилди. Наманганда Ибрат, Нукусда Ибройим Юсупов, Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Фарғонада Эркин Воҳидов, Қашқадарёда Абдулла Орипов, Андижонда Муҳаммад Юсуф номидаги Ижод мактаблари очилди. Мазкур илм даргоҳларида она тили ва адабиёт фанлари чуқурлаштирилган тарзда олиб борилди.

Абдулла Орипов номидаги ижод мактаби

- Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 24 майдаги қарори асосида ташкил этилган.
- Қарши шаҳрида жойлашган.
- 142 нафар ўқувчи таҳсил олмақда.
- 25 нафар ўқитувчи таълим бермоқда.
- Мактаб энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан таъминланган.
- Кимё, биология, физика фанлари учун ўқув-лаборатория хоналари мавжуд.
- Замонавий спорт зали ва сузиш ҳавзасига эга.
- Фаоллар зали 210 ўринга мўлжалланган.
- 50 ўринли ётоқхона, 75 ўринли ошхона ўқувчилар ихтиёрида.
- “Ифодали ўқиш”, “Нутқ маданияти”, “Нотиқлик санъати” бўйича қўшимча дарслар йўлга қўйилган.



– Исми тилга келиши билан чеҳраси кўз ўнгимизда чарақлаб кетадиган сиймолар бор, – дейди мактаб-интернати директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ёқутхон Жамолова. – Абдулла Орипов ўзбекнинг ана шундай танти, шеъри ва шуури тоза устоз ижодкорларидан. Шоир ижодидан бахраманд бўлиб улғайганмиз, гўзал ташбех, топилма ва беназир сўз ифодаларидан тўлқинланиб юрган пайтларимиз кўп бўлган. Бугун Абдулла Орипов номи билан аталаётган ушбу масканда дарс бераётганимиз – бахтимиз. Шунинг ўзиёқ ўқувчилар руҳиятида ижодга меҳр уйғотади.

Энди кўринг, республикамызда ўн мингдан ортиқ... ўқув муассасаси бор. Уларда юз минглаб ўғил-қиз таълим олмақда: бирлари мусиқа ва санъат йўналишида, бирлари спортда, хунарнинг

этагидан тутгани қанча. Хуллас, ўқиш бобида ҳар ким ўзига маъқулини танлаётир. Ижод мактабларининг ўз олдига белгилаб қўйган мақсад-муддаоси бор, албатта. Йўқса, уларнинг умумтаълим мактабларидан фарқи нимада деб ўйлайсиз? Ҳар иккаласида ҳам барча фанлардан дарс ўтилса. Ўқитувчилар, ўша-ўша синфхоналар, ўша-ўша доска, парта... Замонавий технологиялар билан таъминланганликни айтмаганда, аслида, булар оддий мактаб учун ҳам янгилик бўлмай қолди, ҳисоби. Ҳамма гап ўқитиш тизимида!

Мактаб-интернатида тил-адабиёт дарслари алоҳида-алоҳида гуруҳга ажратилган ҳолда ўтилади. Битта синф ўн-ўн икки ўқувчидан иборат. Демак, дарсда ўқувчининг ҳар бири билан индивидуал шугулланиш имкони ошади. Дарс савияси, саводхонлик ҳам шунга

яраша кўтарилади. Имло қоидаларини ижод нуқтаи назаридан тушунтириладиган ўринлар бор. Баъзан битта вергул ё нуқтанинг тушириб қолдирилиши шеър, матн тизгинини тамоман бошқа томонга буриб юбориши мумкин. Ана шу жиҳатдан болалар салоҳиятли, саводхон кадрлар сифатида ўз келажиги сари муҳим қадам ташлайди.

Мактабда музей фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, унда шоир ҳаёти ва ижоди тилга киради. Болага соатлаб дарс ўтиш, мавзунини бирма-бир ўргатиш мумкин. Бироқ унинг қабул қилиш имкониятини ҳам ҳисобга олиш шарт. Мияси толиққан болага ўтилган дарс ҳавога гапирган билан тенг. Шундай дамда “Ҳеч бир айтилган сўз айтилмай қолган сўзчалик фойда келтирган эмас” нақли қўл келади. Музей “гапиради”. Унинг бир бурчида турган бешик, сандал, дутор... ана улар биздан кўра кўпроқ дарс ўтади. Бу бешик бир пайтлар шундай улғу шоирни тебратгани ҳақида ўйлаши билан ўқувчилар кўнглига ижод оралайди. Болани қаламга талпинтирувчи бундан ортиқ мактаб йўқ, наздимизда.



Рустам МУСУРМОН,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир:

– Абдулла Орипов номидаги иқтидорли болалар мактаб-интернати. Мактабга кираверишда устознинг шеър хаёлига толган сиймоси тасвирланган муҳташам ҳайкалга рўборў келишдан бошланади. Бошида дўппи, эгнида тўн, нигоҳлари ўйчан. Зарҳал ҳарфлар билан устознинг шоҳ сатрлари битилган. Мактаб музейига кирганимда у ердаги суратлар, қўлёзмалар ва буюмларни томоша қиларканман, устоз билан бирга ишлаган йиллар, воқеалар хаёлимда қайта жонланди. Ёш ижодкорларнинг Зомин, Эллиққалъа

туманларида ўтган республика семинарларидаги суҳбатлар, устознинг бебаҳо сўзлари қулоқларим остида жаранглагандай бўлди. Устознинг барҳаёт руҳи кезиб юрганини ҳис этдим. Мактаб ўқувчилари билан бўлган учрашувда устоз Абдулла Ориповнинг ҳаёт ва ижод сабоқлари ҳақидаги айрим хотираларимни сўзлаб бердим. Беихтиёр бир воқеа ёдимга тушди. 2013 йил 25 март. Ўшанда “Устоз Миртемир сабоқлари” сарлавҳали янги шеърининг қўлёзмасини менга эсдаликка берган эди. Мана ўша шеър:

*Устоз Миртемирни эслайман ҳануз,
Раҳмдил, бағрикенг, аёвли, танти.
Юз бор қаламида қайраларди сўз,
Юз бор ўзгарарди шеърнинг ҳар банди.*

*Мулоқим боқарди Устоз доимо,
Теграсида бизлар – узоқ-яқинлар.
Қаршидан, Қўқондан, Сирдарёдан то
Хоразмдан келган ўсмир оқинлар.*

*Ишланг, – дерди устоз, – шеър бўлсин раван,
Меҳнатдан қогмасин ижодкор халқи.
Лекин камситмасди бизни ҳет қагон,
Устоз шунинг угун Устоздир, балки.*

Бугун мана шу шеърни ўқиб, ҳайратланаман. Устоз Абдулла Ориповнинг ўзида ҳам “Устоз Миртемир сабоқлари”



шеърида ифодаланган фазилатларнинг барчаси мужассам эди.

Абдулла Орипов ижод мактаби ўқувчиларига Президенти-мизнинг меҳри тушиб турибди. Бу мактабдан эл-юртимиз ҳавас қиладиган ижодкорлар етишиб чиқишига ишонаман.

Вилоят нашри – “Навқирон” газетасида “Абдулла Орипов издошлари” рукни ташкил этилган. Унда ўқувчиларнинг ижодий ишлари ёритиб келинмоқда. Шеърини машқлар орасидан сараланиб, тўплам чиқарилди. Тўпламни варақлай туриб, Устознинг болалик давларидан ҳикоя қилувчи сўзлари эсга келди: “...бу жойларда жануб кечалари, юлдузли осмон ниҳоятда гўзал бўлар эди. Тим қора осмонда қўл чўзсанг етгудек улкан-улкан новвотранг юлдузлар чарақлаб турарди. Ҳаётимда бундай гўзал манзараларни кейин учрата олмадим”.

Акмал МУРОД



Бахт

Орзулар жўши уриб қоққанда қанот,
Руҳият ташимаси боққанда кўкка.
Қўлда қалам билан қошингда, ҳаёт,
Ўзимни йўқотдим тушганга гўкка.

Юракда сўз бўлиб угди оққушлар,
Осмон бўлди тексиз, нурли баёзим.
Заминдошим, мени бугун олқишланг,
Мен оппоқ булутлар игра шеър ёзим.

Севинг ОМОНОВА,
8-синф ўқувчиси

Тонг

Тонг... Қирлар гайиб олади юзин,
Нур ташимаси кўзи огилиб.
Бахт қўшигин ўргатмоқ угун
Тонг куйлари кетар согилиб.

Фарангиз МУҲАММАДИЕВА,
6-синф ўқувчиси

Абдулла ОРИПОВ хотирасига

Нега йиғлатади мени бу шеърлар,
Нега ўқиб кўзга ёш келар ногоҳ?
Нега юрагимни минг бора тирнар,
Азгиқ ҳақиқатдан қилади огоҳ.

У ёзди ўзбекнинг орзу, эркини,
Худбин кимсаларнинг устидан кулди.
Боболарим руҳи қўллади уни,
Ғазабдан шеърлари муштдай тугилди.

У ёзди меҳнаткаш элнинг дардини,
Замоннинг қўлига тутқазди кўзгу.
Юксакка кўтарди инсон қадрини,
Миллатим деди у, Ватан, деди у.

Мухтасар сўз битдим сизга, эй бобом,
Юракдан тикқанин ёзди қизингиз.
Авлодлар унутмас сизни ҳег қатон,
Шеърят йўлидан ўгмас изингиз.

Паринамо АМИРҚУЛОВА,
8-синф ўқувчиси





Adabiyot darsliklari

pishiq va puxta bo'lsa...



Хусан МАҚСУД

1991 йили туғилган.
Низомий номидаги
Тошкент давлат
педагогика
университетининг
ўзбек тили
ва адабиёти
факультетида таҳсил
олган.

XX асрнинг бошларида юртимизда янгича ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ҳаракат – жадидчилик вужудга келди. Ушбу ҳаракатнинг иштирокчилари – шоир, ёзувчи, мударрис ёхуд тарихчи бўлиб, улар халқни маърифатли қилишга, ўтмишдан хулоса чиқариб, келажакка ўзгача назар билан қарашга ундашган. Бунинг учун эса биринчи галда тафаккур ва дунёқарашни ўзгартириш керак эди. Шу боис жадидлар, аввало, зиё масканлари – мактаб ва театрлар очишган, бир неча газета ва журналларни таъсис қилишган, махсус дарслик ва ўқув қўлланмалари тузишган.

Миллатпарварларнинг йирик вакилларидан бири Абдулла Авлоний ҳақида ўқир экансиз, унинг дастур ва дарсликлари гуманистик ва эркин тарбия асосига қурилгани, энг аввало, дунёвий ва илғор илм-фанни болаларга ўргатиш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий қобилиятини шакллантириш каби улкан мақсадлар қўйилганига гувоҳ бўласиз.

Бугун-чи? Бугун ҳам миллат зиёлилари таълим ва тарбия йўлида бир дам тўхтагани йўқ. Инновацион оқимлар инсон онгу шуурини забт этишга улгурган бир паллада ҳеч бир кишига осон тутиб бўлмайди. Аммо гап ўқув китоблари, хусусан, адабиёт дарсликлари ҳақида борар экан, арзимас кўринган заррадай камчиликлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Хўш, бугунги кундаги адабиёт дарсликлари қай аҳволда? Улар давр талабига жавоб бера оладими?

Дарсликлар яратиш масъулиятли ва мураккаб ишлигини ҳисобга олсак, узлуксиз таълим тизими учун тайёрланган дарсликлар бир-бирини такрорламаслиги, аксинча мазмунан тўлдириши, ўқувчи билимини босқичма-босқич юксалтиришга хизмат қилиши лозим. Ҳозирги давр мактаб дарсликлари катта фундаментал иш сифатида эътирофга лойиқ. Лекин дарсликлардаги айрим ўринлар хусусида мулоҳазалар борки, уларни айтиб ўтишни лозим топдик.

Амалдаги 5-9-синф адабиёт дарсликлариди ўқувчилар 67 нафар ўзбек ҳамда жаҳон адабиёти намоёндаларининг ҳаёти ва ижоди, шунингдек, турли адабий жанрлар, бадиий тасвир воситалари ҳақидаги маълумотларга эга бўлишади. Ҳар бир мавзу охирида келтирилган савол ва топшириқлар ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундайди.

Аввало, адабиёт дарсликлари ўқувчиларнинг ёш хусусиятлари ва руҳий дунёсига мос бўлмоғи керак. Шунини инобатга оладиган бўлсак, 5-6-синф ўқувчилари ҳали турли ўйинларга қизиқадиган, ҳар хил саргузаштларга бой эртак ва ривоятларни эшитишни хуш кўрадиган, мультфильмларни томоша қилиб чарчамайдиган ёшда бўлади. Мақолани ёзиш жараёнида чет эл адабиёт дарсликлари ни ўрганиб чиқдик. Масалан, 5-6-синф рус боласи *А.Дюма, Ж.Верн, М.Твен, Э.Сетон-Томпсон, А.Гофман, Л.Толстой, А.Пушкин* каби адибларнинг болаларбон саргузашт асарларини ўқийди. Ўзимиздаги адабиёт дарсликларига ҳам ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиб, эртак ва афсоналар, болалар ёзувчилари томонидан яратилган саргузашт асарлар киритилиши мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Тўғри, 5-6-синф дарсликлариди шундай асарлар бор. Аммо уларнинг сафини кенгайтириш лозим. Шу мақсадда, ушбу синфларда ўзбек ёзувчиларидан Носир Фозилов, Эркин Малик, Анвар Обиджон, Қамбар Ота ҳамда жаҳон адабиётидан *Л.Толстой, А.Пушкин, И.Крилов, Ж.Верн, Лафонтен*, ака-ука Грим каби ижодкорларнинг болаларга аталган асарларидан намуналар бериш айна муддао бўларди. Юқорида номлари зикр этилган ижодкорлар ҳақида ўқувчилар эшитган бўлиши мумкин, аммо улар бу адибларнинг ижоди билан таниш эмаслар.

Тўғри, бу ижодкорларнинг китоблари нашр этилмоқда, балки мактаб кутубхоналарига ҳам етиб борган. Аммо ўқувчилар уларнинг асарлари ҳақидаги маълумотларни энг аввало мактаб дарслиги орқали билиб олишлари керак эмасми?

Адабиёт дарсликлариди берилган ижодкорларнинг таржимаи ҳоли ҳақидаги маълумотлар хусусида тўхталиб ўтсак. Айрим шоир-ёзувчиларнинг ҳаёт йўли баёнида фақат маълумотбоз-

лик бўй кўрсатади. Ижодкор ҳаёти ва ижодига оид матнларда саналар, жой ҳамда асарлар номи кўплигидан, нафақат ўқувчи, ҳатто ўқитувчи ҳам шошиб қолади. Масалан, 5-синфда Мақсуд Шайхзода, 6-синфда Туроб Тўла, 7-синфда Мирмуҳсин ва Ўлмас Умарбеков, 8-синфда Фитрат, 9-синфда Фурқат каби ижодкорлар ҳаёти ҳақидаги маълумотлар шу қадар кўп ва қуруқ ҳолатда берилганки, бу ўқувчини толиқтириши, чалғитиши табиий.

Қуйидаги иқтибосга эътибор беринг: **“...ёшлар газетасида адабий ходим, Ўзбекистон Давлат радиоэшиттириш қўмитасида муҳаррир ва суҳандон, Ўзбекистон Давлат нашриёти (Ўздавнашр) муҳаррири, “Ўзбекфильм” киностудиясида сценарий бўлими мудри, Республика Киночилар уюшмасида котиб, Маданият вазирлиги санъат ишлари бошқармаси бошлиғи, Ҳамза номидаги театр директори, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузуридаги Адабиётни тарғиб этиш маркази раҳбари”** (6-синф, 1-қисм, 27-бет). Бу – шоир Туроб Тўланинг таржимаи ҳолидан парча. Ўқувчига ижодкорнинг қайси мансабда ишлагани эмас, қандай асар ёзгани, унинг мазмун-моҳияти аҳамиятли (аслида, бу ёшдаги бола бу лавозимларнинг фарқига бормади ҳам).

Айрим ижодкорлар ҳақидаги мавзулар синфдан синфга ўтаркан, ҳеч ўзгаришсиз, қўшимча ва тўлдиришларсиз кўчирилади. Масалан, 6-синфда келтирилган Муқимий ҳаёти ҳақидаги маълумотни олайлик. Шоирнинг вафотидан кейин, унинг 4-5 та



тўплами нашр қилингани ҳақида айтмасак, 5-синф дарслигида берилган маълумотлар шундайлигича такрорланган. Шунингдек, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Ўткир Ҳошимов каби ижодкорларнинг ҳам таржимаи ҳоллари ўзгаришсиз, янги маълумотсиз дарслиқдан-дарслиқка кўчиб ўтаверган.

Ҳазрат Алишер Навоий – маънавиятимиз кўёши, улуғ мутафаккир. Ул зоти шарифнинг ибратларга тўла ҳаёт ва ижод йўли мактабгача таълим муассасалари ҳамда бошланғич таълим жараёнидан ёш авлодга ўргатилиб келинаётгани таҳсинга лойиқ.

Аммо дарслиқларда Навоий ижоди ҳақидаги мавзулар, бизнингча, тизимли равишда берилмаган. Масалан, 5-синфда улуғ шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида икки саҳифа, 6-синфда эса бир саҳифагина маълумот берилган бўлиб, барчаси умумий гаплардан иборат бўлиб қолган. Ваҳоланки, 6-синфда ўқувчилар Алишер Навоий ҳақида аввалги синфда берилмаган маълумотларни ўқишлари, ул зотнинг ҳаёти ва ижодига тааллуқли янги билимларга эга бўлишлари керак эди.

Айни шу 6-синфдаги Алишер Навоий мавзусидан кейин берилган савол ва топшириқлар қисмида “Алишер Навоий сиймоси акс этган қандай бадиий китоб ва бошқа санъат асарларини биласиз?” деган савол бор. Тўғри, 5-синфда адиб Миркарим Осим қаламига мансуб “Зулмат ичра нур” қиссасидан парча берилган. Ўқувчилар, агар яхши ўқиган бўлишса, шуни айтишлари мумкин. Аммо 6-синфнинг ўзида шоир таржимаи ҳолида бу ҳақда бирор гап айтилмаган. Ўқувчи бу саволга қандай жавоб бериши мумкин?! Дарслиқнинг кейинги нашрларида Алишер Навоий сиймоси акс этган бадиий китоб ва бошқа санъат асарлари ҳақидаги маълумотлар ҳам киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Шунингдек, 6-синф дарслигида худди қуйи синфдагидек Навоий ҳақида ёзилган бирор асарни бериш фойдадан холи бўлмайди. Масалан, Ойбекнинг “Алишернинг болалиги” асаридан парчалар берилса, буюк бобокалонимизни қуруқ фактлар билан эмас, бадиий тасвир орқали яхшироқ танитган ва ўқувчиларда ул зотга нисбатан меҳрни янада оширган бўлардик.

Ҳозирги ўқувчилардан ҳазрат Навоийнинг қайси ғазалларини биласан, деб сўрасангиз, “Кеча келгумдир дебон...”, “Кўргали ҳуснунгни зору...” каби ғазаллари, “Гурбатда ғариб...”, “Зоҳид санга ҳуру...” сингари рубоийларинигина айтишади, холос. Афсуски, бунинг асосий сабаби бир неча йилдан бери ўзгармасдан, шунда ҳам фақат 8-синф дарслигидагина бериб келинаётган “де-журний” шеърлар. Аслида, дарслиқларда Алишер Навоий ижодидан намуналарнинг берилиш тизи-



ми ҳам мунозарали. Эътибор беринг: 5- ва 6-синфларда ҳазратнинг “Ҳайрат ул-аброр” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари, 7-синфда “Сабъаи сайёр” достонидан парчалар, 8-синфда бир туркум ғазал ҳамда қитъалари, 9-синфда эса “Фарҳод ва Ширин” достонидан парчалар берилган. Наҳотки, бутун бир ёш авлод фақат 8-синфда акаси, опа-си, амакиси, холаси ёдлаган ғазалларни ёдлаши керак!? Ахир, ҳазрат Навоийнинг ўзбек тилида ёзилган 2600 дан ошиқ ғазали бор-ку!

Шу мақсадда ҳар бир синф дарслигига шоир ғазалларию рубоийларидан, қитъалари ва туюқларидан намуналар ҳамда уларнинг таҳлилларини киритиш лозим.

7-синфда “Сабъаи сайёр” достонидан парча берилган. Бизнингча, биринчи галда асар нима учун “Етти кезувчи” деб номлангани, унинг асосий сюжети ва мазмун-моҳияти ҳақида ўқувчига тушунча берилиши керак эди. Аммо бу асарнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари, тузилиши ҳақида бир жумла бўлса-да, маълумот берилмаган. Шоир ҳаёти тугароқ, “Бешинчи иқлим йўлидан келган мусофирнинг дoston оролиғи”, деб Меҳр ва Суҳайл ҳақида воқеалар бошланиб кетган. Аслида бу асар шоҳ Баҳром ҳамда унинг ҳусн ва тафаккурда тенгсиз бўлган ёри Дилором ҳақида бўлиб, Баҳромнинг шоҳқалоқлиги ва калтабинлиги оқибатида Дилоромдан айрилгани, Баҳромни чалғитиш учун турли рангдаги еттита қаср қурилиб, етти кеча унга турли ривоят афсоналар айтилгани, Меҳр ва Суҳайл ҳақидаги ривоят бешинчи кеча – чоршанба кун мовий қасрда бир жаҳонгашта сайёҳ томонидан айтилганини ўқувчилар билмай улғайишмоқда. Шундай экан, “Сабъаи сайёр” қандай асар, деб сўраганингизда, Меҳр ва Суҳайл ҳақида дейишса, ҳеч ажабланманг...

Дарслик яратиш мушкул иш. Бунинг учун катта билим ва салоҳият, меҳнат қилиш керак. Шу боис китоблар бир нечта муаллифдан таркиб топган жамоа томонидан ёзилган. Амалдаги дарсликларнинг муаллифлари ҳам таниқли, чуқур билимга эга бўлган адабиётшунос олимлар. Дарсликлар 4-5 йилда янгиланади (охирги ўн йилликдаги янгилашишлар унчалик фарқ қиларли даражада эмас). Аммо муаллифлар ўзгармайди. Бизнингча, мактаб дарсликларини тузадиган муаллифлар таркибини қайта шакллантириш, тўлдириш керакдай. Бу билан ҳозирги дарсликларнинг муаллифи бўлган ҳурматли олимларимизни қатордан четлатиш керак, демоқчи эмасмиз. Фақат китобларнинг савиясини ва мавзу мундарижасини яна юксалтириш учун муаллифлар сафини кенгайтириш тарафдоримиз, холос. Дунёни теран англайдиган, уйғоқ фикрли китобхонларни тарбиялаб вояга етказиш адабиёт таълимининг кечиктириб бўлмас бирламчи вазифаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари, адабиётшуносликнинг янги сўзи асосида замонамизнинг юксак суръати ва шиддатли тафаккури даражасига муносиб бўлган, мукамал дарсликлар яратиш лозим. Бу ишга миллат болаларини севган, уларнинг келажаги ва маънавий дунёси учун ўзини жавобгар деб биладиган ҳар бир эзгу ниятли киши дахлдор бўлиши керак.

Шу мақсадда, дарслик-мажмуаларда адабиётнинг турли соҳалари – наср, назм ва драматургия йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот олиб бораётган, турли олий ўқув юртларида адабиёт илми бўйича сабоқ бераётган, адабиёт ўқитиш методикаси билан мунтазам шуғилланаётган юксак салоҳиятга эга фан докторлари ва профессорларни ҳам жалб қилиш лозим. Бундай дейишга ҳам сабаб бор. 9-синф адабиёт дарслигида мумтоз адабиёт вакиллари билан Навоий, Бобур, Машраб, Отаҳий, Фурқат каби улуғ шоирлар бор. Аммо дарслик муаллифлари сафида на навоийшунос, на бобуршунос, на отаҳийшунос, умуман олганда, мумтоз адабиёт олимлари бор. Агар ушбу дарслик муаллифлари навоийшунос олимларни ижодий ҳамкорликка чорлаб, бирга ишлаганларида эди, “Фарҳод ва Ширин” достонидаги “Машаққатдин йигитни эл қори дер/ Ки, қозилмиш ики-уч юз қори ер” байти “Мамлакатдин йигитни эл қори дер/ Ки, қозилмиш ики-уч юз қори ер” деб тушунарсиз ҳолда дарсликка киритилмасди. Ёки бўлмаса, 5-синфда Заҳриддин Муҳаммад Бобур ҳақидаги мавзуда шоирнинг “Ҳажрингда бу тун кўнгилда қайғу эрди / Васлингга етишмадим, жиҳат бу эрди / Оҳим тутуни бирла кўзимнинг ёшидин / Йўл балчиқ эди, кеча қоронғу эрди” рубоийсининг охириги икки мисраси шундай изоҳлана-

ди: “Кейинги икки сатрда шоир ҳазил-мутойибага ўтади. Фожиа ҳазил билан берилади...” Бизнингча, бу ердаги ҳолатни фожиа дейиш ва шоирнинг изоҳини мутойибага йўйиш тўғри эмас. Оҳ тутун каби атрофни туман каби зим-зиё қилиши, кўзидан оққан тинимсиз ёш сабаб ҳаммаёқ лой-балчиқ бўлиши – бу муболага, бўрттириш санъатидир.

Шунингдек, дарсликларда берилган халқ оғзаки ижодига доир намуналар – турли халқ кўшиқлари, мақол ва топишмоқлар, дostonларнинг таҳлилида ҳам фольклоршунос олимларнинг кўмагидан фойдаланиш мумкин эди...

Адабиёт дарсликларида бир қанча илмий-услубий, имловий хатолар ҳам мавжудки, уларни тузатиш мақсадга мувофиқдир. Қуйидагиларга эътибор беринг:

1. 5-синф дарслигида Имом ал-Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби тўғрисида фикр юритилиб (31-бет), ушбу китобга 600 минг ҳадисдан 7397 та ҳадис киритилгани айтилган. 7-синф “Ўзбекистон тарихи” дарслигининг 102-бетида “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ”га киритилган ҳадислар сони 7275 та деб кўрсатилган. Бир неча йил бўлдики, бу тафовут ҳеч кимнинг эътиборини тортмадими, шундайлигича қолиб кетаётир. Фараз қилинг, олий ўқув юртига кириш имтиҳонидаги абитуриентга она тили ва адабиёт, тарих ҳамда чет тилидан иборат тестлар тўплами келди. Икки фандан тузилган тестларда ҳам бир хил – Имом Бухорийнинг “Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китобига қанча ҳадис киритилган, деган савол берилди дейлик. Ўз-ўзидан маълумки, абитуриент иккала фан китобида қандай ёзилган бўлса, ўшани белгилайди.

Хўш, ўқувчиларни чалғитаётган маълумотнинг аслида қайси бири ҳақиқатга яқинроқ? Бу саволга тўғри жавобни 2017 йили “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти томонидан нашр қилинган “Ислом” энциклопедиясидан топамиз: “Ундан (“Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” – Ҳ. М.) Имом Бухорий томонидан тўпланган 600 мингга яқин ҳадис орасидан ишончли ҳадислар сифатида танлаб олинган 7275 ҳадис (такрорланадиганлари билан бирга) жой олган. Тўпламда такрорланмайдиган ҳадислар сони 4000 дан иборат” (415-бет). Ушбу энциклопедия бир неча тарихчи олимлар, исломшунослар, диний уламолар томонидан тайёрланган. Демак, ҳадисларнинг 7275 талиги ҳақиқат. Шундай экан, 5-синф адабиёт дарслигининг кейинги нашрида бу маълумот тўғриланади, деган умиддамиз.

– 5-синф адабиёт дарслигининг 2-қисмида Алишер Навоий 90 ёшли Лутфий билан кўришга-

нида 12 ёшда экани айтилади. Ҳазрат Навоийнинг туғилган йилидан келиб чиқсак, бу воқеа 1453 йилда юз берган. 8-синф адабиёт дарслигида Лутфийнинг туғилган санасини 1366 йил деб кўрсатилган. 1366 га 90 ни қўшсак, 1456 ҳосил бўлади. Демак, бу маълумотда ҳам тафовут бор.

– 5-синфда турли афсона ва ривоятлардан иборат ҳинд эпоси сифатида “Панчатантра” ва “Калила ва Димна” алоҳида асарлар сифатида санаб ўтилган. 8-синфда эса у битта асар сифатида изоҳланган: “...санскрит тилида машҳур “Панчатантра”, яъни кейиналик “Калила ва Димна” номи билан машҳур бўлиб кетган буюк дидактик асар дунёга келади” (72-бет).

8-синфдаги маълумотга таянилса, иккала асар битта эканлиги ойдинлашади. Кўриниб турибдики, маълумотлар бир-бирини инкор қилади.

– 6-синфнинг 1-қисмида Туроб Тўланинг “Етти зоғора қиссаси” асаридан олинган “Дўнан” номли ҳикоянинг ҳажми тўрт саҳифа. Аммо ҳикоя ҳақидаги таҳлил ундан катта – олти саҳифани эгаллаган. Бизнингча, таҳлилнинг ҳаддан зиёд кўплиги ўқувчининг фикрлаши учун имкон қолдирмайди.

– 6-синфда Фафур Фуломнинг “Шум бола” қиссаси берилган бўлиб, мавзу охирида шундай савол келтирилган: **“Адабий асар асосида яратиладиган кинофильм ёки спектакллар ўша асар билан бир хил бўлиши керак, деб ҳисоблайсизми? Кинофильм ва қиссанинг ўзига хос ҳикоя йўсинини солиштиришга ҳаракат қилинг”**. 12 ёшли болага бундай савол билан мурожаат қилиш тўғримикиан?!

– 9-синфда берилган “Фарҳод ва Ширин” достонида ҳам мазмунга путур етказадиган бир қанча имловий хатолар бор. Масалан: “Бу фарни ҳодийи бахт етгач иршод, Равон шаҳзода отин қўйди “Фарҳод” (аслида “Бу фарни ҳодийи бахт этгач иршод, Равон шаҳзода отин қўйди “Фарҳод”); “Бу жалвалким, чекибдурлар арода, Ариқ қозмоқ қилибдурлар ирода” (аслида “Бу

Ҳозирги ўқувчилардан ҳазрат Навоийнинг қайси ғазалларини биласан, деб сўрасангиз, “Кеча келгумдир дебон...”, “Кўргали ҳуснунгни зору...” каби ғазаллари, “Ғурбатда ғариб...”, “Зоҳид санга ҳуру...” рубоийларинигина айтишади, холос.



жалвалким, чекибдурлар арода, Ариқ қозмоқ қилибдурлар ирода”); “Не имконим қарор ўлғай кўнгулга, Тасалли ошкор ўлғай кўнгулга” (аслида “Не имконким қарор ўлғай кўнгулга, Тасалли ошкор ўлғай кўнгулга”).

– Яна шу синфда мустақиллик даври ўзбек адабиёти ҳақидаги мавзуда “Шоирнинг тўйи”, “Чапа-

клар ва чалпаклар мамлакатида” номли асарлар муаллифи сифатида “А.Аъзам” деган исм-шариф кўрсатилган. Замонавий ўзбек адабиётидан бохабар бўлган киши бу асарлар Аҳмад Аъзамга эмас, Эркин Аъзам қаламига мансублигини билади.

– 5-синфда Саъдий Шерозий ҳаёти ва ижодидан кейин берилган топшириқларда шундай савол билан мурожаат қилинади: “Таъби айб-жўйлик бўлса агар бас, Товус оёғидан бошқасин кўрмас” сатрлари маъносини тушунтириб беринг”. Хўш, 12-13 ёшли бола шу саволга жавоб топа оладими? Аслида, Шайх Саъдийнинг асарларидан олинган шеърий парчаларни биринчи галда таҳлил қилиш, ўқувчиларга соддароқ тилда тушунтириш лозим эди. Аммо муаллифлар бундан чекиниб, юқоридаги каби саволлар билан ўқувчини ўйлантириб қўйишмоқда.

Шу ўринда муҳим бир масалага тўхталсак. Тил ва адабиёт соҳасининг ҳам илмий, ҳам амалий жабҳаси бўлган муассасалар – Ўзбекистон Фанлар Академияси тасарруфидаги Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, шунингдек, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети нега дарслик яратиш жараёнига жалб қилинмайди? Келажак эгаларининг тафаккурини ривожлантириш ва уларнинг кўнглига эзгулик ҳамда тўғрилиқ уруғларини қадашда, наҳотки, саноқли мутахассисларнинг мақолаларию тақризлари етарли бўлса?! Бизнингча, бу ишда кўпчилик бўлиб, баҳамжиҳат ишлаган маъқул. Шу боисдан ҳам, юқорида санаб ўтилган ташкилотларни дарслик яратиш жараёнида бевосита иштирок этишлари, ўз фикр-мулоҳазалари билан дарсликларнинг янада мукамалроқ бўлишига ҳисса қўшишлари керак.

... Яқинда олий ўқув юртига кириш учун репетиторга қатнайдиган бир йигит билан суҳбатлашиб қолдим. Адабиёт соҳасига яқинлигимни билиб, “Ҳозир ҳам тирик шоирлар борми?” деб

қолди. Дафъатан кулиб юбордим. Кулганимдан хижолат бўлдим, “Тўғри-да, дарслиқдаги ҳамма шоирлар вафот этган. Ҳозир ҳам яшаб ижод қилаётганлари киритилмаган, демоқчиман”, деди. Бу гапдан кейин эса кулолмасдим, аксинча, ич-ичимдан хўрсиндим. Негаки, бу йигит дарслиққа қараб, бугунги кунда адабий асарлар яратилмаяпти, бошқа шоир-ёзувчи йўқ экан, деган хаёлга бораётир.

Афсуски, бундай ёшлар (абитуриентлар) кўплаб топилади. “Буларнинг ҳозирги адабий жараёндан узоқлигига ўзлари айбдор, газета-журнал ўқишмайди, телевидениедаги бадий-маърифий кўрсатувларни кўришмайди”, дейдиганлар ҳам топилса керак. Балким.

Яхшиямки, олий ўқув юртларидаги кириш имтиҳонларида она тили ва адабиёт фани қўйилган эканки, кўпчилик ёшлар тест учун бўлса-да, шоир-ёзувчиларимизнинг ҳаёти ва ижодини ўқиб, ёдлашмоқда.

Шу маънода, адабиёт дарслиқлари бугунги адабий жараён даракчиси бўлиши ҳам керак. Омон Матжон, Муҳаммад Али, Ҳалима Худойбердиева, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Хайридин Султонов, Йўлдош Эшбек, Усмон Азим, Хуршид Даврон, Азим Суюн, Мирза Кенжабек, Хуршид Дўстмуҳаммад, Эшқобил Шукур, Сирожиддин Саййид, Назар Эшонқул, Иқбол Мирзо, Шойим Бўтаев, Луқмон Бўрихон, Исажон Султон, шунингдек, марҳум ижодкорлардан Муҳаммад Раҳмон, Матназар Абдулҳақим, Аъзам Ўқтам, Равшан Файз каби шоир-ёзувчиларнинг борлиги, уларнинг ажойиб асарлари ўзбек адабиётининг энг яхши намуналари эканлигидан беҳабар авлоднинг кўплигига ҳам айти шу ҳол – мактаб дарслигида замонавий ўзбек адабиёти вакилларининг, “тирик” ижодкорларнинг йўқлиги сабаб бўлаётир. Бундан ташқари, Шукур Холмирозав, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон каби ижодкорларнинг юрт ва миллатни севишга ундайдиган, эрк ва озодлик каби муқаддас туйғуларни ўз асарларида бош ғоя сифатида акс эттирган асарлари негадир дарслиқдан тушиб қолди... Уларнинг ўр-

Илм-фаннинг энг сўнгги ютуқлари, адабиётшуносликнинг янги сўзи асосида замонамизнинг юксак суръати ва шиддатли тафаккури даражасига муносиб бўлган, мукаммал дарслиқлар яратиш лозим.



нига киритилган Саида Зуннунова, Хайридин Салоҳ, Туроб Тўла, Мирмуҳсин каби ижодкорларга эҳтиром кўрсатган ҳолда исмлари аввалроқ келтирилган шоир-ёзувчилар ҳақида ҳам ўқувчилар билиши, асарларини ўқиб ўрганишлари лозим, деб ҳисоблаймиз.

Тўғри, 9-синф дарслигининг охириги мавзусида мустақиллик даври ўзбек адабиёти ҳақида мухтасар

маълумот берилган. Аммо ушбу мавзу май ойининг охирига тўғри келишини инобатга олсак, бу мавзунинг ўтилиши гумон (ушбу мавзу матни мустақиллик давридаги ўзбек адабиётининг аҳволи ҳақида хориж журналида эълон қилиш учун ёзилган тақризга ўхшайди: муаллиф ва асар номлари кўп, умумий гаплардан иборат). Қолаверса, ўқув йили охирида дарслар таътил кайфиятида ўтилиши сир эмас. Айниқса, 9-синф ўқувчилари битирув имтиҳонларига тайёргарлик кўриб, нафақат адабиёт, балки бошқа фанларни ҳам диққат билан ўқиб, ўзлаштиришмайди. Шунинг учун ҳеч бўлмаганда 7-, 8-, 9-синфларда юқорида номлари санаб ўтилган ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодини ёритиш айти муддао бўлар эди.

Шу ўринда яна бир нарсани эслаб ўтиш керак. Академик лицейларнинг 3-босқич адабиёт дарслигининг охириги бўлимида мустақил ўқиш учун ҳозирги адабий жараён вакиллари асарлари берилган. Аммо булар ҳам ўқувчилар томонидан катта қизиқиш билан ўқилмайди. Сабаби бўлимининг номидан билиниб турибди: мустақил ўқиш учун! Шунинг учун ҳам ҳозирги давр ижодкорларини мактаб дарслиқларига киритиш зарурий ҳолга айланди.

Юқоридаги барча фикрлар оддий бир китобхоннинг мулоҳазалари деб қаралишини истардик. Биз дарслиқлар муаллифларини танқид қилиш ёки уларга ақл ўргатиш иддаосидан йироқмиз. Истагимиз, ушбу фикрлар таклиф сифатида қабул қилиниб, агар маъқул бўлса, кейинги нашрларда эътиборга олинса...

“Moviy yuksaklarga men ham bir chiqay”



Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ,
филология фанлари
номзоди.

1943 йили туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Шеърининг тиниқ осмони”, “Ижоднинг кўш қаноти” (ҳаммуаллифликда), “Қалбга очилган йўл”, “Туркистоннинг ўткан кунлари”, “Она Ватан фидойилари”, “Хиванинг истило қилиниши” китоблари нашр этилган.

Таниқли адабиётшунос олим Адҳамбек Алимбековнинг бир неча илмий-адабий мақолаларини, рисоаларини, услубий қўлланмаларини ўқиганмиз. “Юлдузнинг беш қирраси” - унинг салмоқли китобларидан биридир.

Китоб шоир, ёзувчи, таржимон ҳамда жамоат арбоби Муҳаммад Али асарлари таҳлиliga бағишланган. Унда адибнинг шеърлари, достонлари, романлари, таржималари, очерклари, бадиалари, адабий-танқидий мақолалари кенг кўламда таҳлил этилган.

Муҳаммад Али адабиётимизга дастлаб шоир сифатида кириб келгани, шеър ва достонлари билан танилгани маълум. Буни яхши билган мунаққид тўғри йўлдан боради. Энг аввало, адибнинг шоир сифатидаги маҳоратини ёритишга ҳаракат қилади.

Китобда Муҳаммад Алининг ижодий камолотга эришиши йўлидаги изланишлари тадрижий равишда ёритилган. Тадқиқотчи “шоирнинг шеърятдаги ўзига хос олами чуқур ўрганилмагани”ни тўғри таъ-

кидлайди. “Кўп изланишлардан кейин шоир жаҳон шеърятини йўлини танлашга қарор қилди, – деб ёзади у. – Классик шеърят йўли, айниқса Ж.Байрон, И.Гёте, Ф.Шиллер, А.Пушкин, М.Лермонтовларнинг ижод йўли уни ўзига мафтун қилди. Улуғ устозлар йўлида ижод қилишга интилди”. Дарҳақиқат, шоирнинг дастлабки китоблари “Фазодаги ҳислар”, “Шафақ”, “Оталар юрти”, “Алвон чечаклар”ни кузатсак, шоир юқоридаги мумтоз ижодкорлар анъаналарини самарали давом эттирганини кўрамиз.

Шоир адабиёт чаманзорига кириб келган йилларда ҳукмрон шўро тазйиқлари бир қадар сусайиб, социалистик реализм ва вульгар социологик қарашлар дарз кетган, илиқ шабадалар эса бошлаган эди. Машъум қатагон зуғумларига чидаб ижод этган Ойбек, Ҳамид Олимжон, Фафур Ғулом, Уйғун, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Зулфиялардан кейин адабиёт майдонига кириб келган, 50-йиллардаги янги қатагонларга ҳам гувоҳ бўлган ижод аҳли жуда эҳтиёткорлик билан қалам тебратгани маълум. Улар билан изма-из ижод гулшанига қадам қўйган навқирон авлодларнинг насрида ҳам, шеърятда ҳам сохта мадҳиябозлик, сунъийлик йўқола борди. Адабиёт майдонига тоза ҳаво кириб келди.

Шоирнинг дастлабки китоблари “Фазодаги ҳислар”, “Шафақ”, “Оталар юрти”, “Алвон чечаклар”ни кузатсак, шоир юқоридаги мумтоз ижодкорлар анъаналарини самарали давом эттирганини кўрамиз.

Янги насл, янги тамойиллар руҳида ёзишдан ташқари аввалги йўл қўйилган мудҳиш хатоларни тузатишни, Фитрат, Абдулла Қодирӣ, Чўлпон, Элбек ва бошқа қатагон қурбонлари ижодини асл ҳолида ўқувчилар ҳукмига етказишни ҳам талаб қила бошлади. Бу осонликча амалга ошадиган иш эмас эди. Янги тамойилларни Абдулла Қаҳҳор, Иззат Султон каби оқсоқоллар, буюк санъаткорлар ёқлади. Саид Аҳмад, Шуҳрат, Асқад Мухтор, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Озод Шарафиддиновлар майдонга дадил тушдилар. Ана шу қайноқ адабий жараёндан куч олган Ўлмас Умарбеков, Эркин Воҳидов, Ҳусниддин Шарипов, Учқун Назаров, Шукур Холмирзаев, Ўткир Ҳошимов, Абдулла Ориповлар ижоди юлдуздек чарақлаб ёнди. Муҳаммад Али, Рауф Парфи, Омон Матжон, Гулчехра шоиралар, Ойдину Ҳалималар ана шу қудратли тўлқин садоларига жўровоз бўлдилар. Ҳозир баланд пардаларда эмин-эркин ижод қилаётган бугунги катта истеъдод эгалари ана шу заҳматкашлар очган мусаффо булоқлар сувидан баҳраманд бўлиб вояга етганини унутиш мумкин эмас.

Москвада беш йил ўқиб, Олий адабиёт таълимини олиб қайтган Муҳаммад Али ўз овози, ўз сози билан юқоридаги қудратли тўлқинга мусаффо жилға бўлиб қўшилди. У илғор ижодий анъаналарга суяниб ижод қилиш йўлидан борди. Бунини илк шеърий тўпламларидан тортиб бугунги шеърларини ўқиб ҳам яхши ҳис этиш мумкин. Мен бир китобхон сифатида шоирнинг “Қадимги қўшиқлар” туркумини севиб ўқийман. Айниқса, Ватанимизнинг буюк фарзанди Спитамен жасорати ва фожиасига бағишланган мисралар мени ҳар доим чуқур ўйларга толдиради.

Тадқиқотчи Муҳаммад Али ижодида йиллар давомида пафос даражасига кўтарилган асосий, муҳим нуқтага – ўтмишимиздаги дардлар ҳақида сўзлаш орқали бугунги ҳаёт муаммоларига ишора қилиш, уларни турли рамзлар орқали кўрсатишга дадил қўл урганини тўғри белгилайди. Таҳлил тўғри йўналишда давом этади. Ана шу жиҳатдан китобда “Баҳор келганда” шеърдан келтирилган қуйидаги парча ибратлидир: “Ёшлик” журнаlining 2011 йил 7-сонида эълон қилинган мулоқотда шоирнинг ўзи шундай ёзган экан: “Шеърда осмонни таърифлаган шундай сатрлар бор:

*Мен баҳор келганда
Осмонга боқаман.
Осмоннинг кўксига
Юлдузлар тақаман.
Гарги кенг, гарги соф
Ул осмон, ул фалак,
Лекин ул остида
Ер ётар жонҳалак.
Майсалар ўсади,
Суюмли майсалар,
Барларин, бўйларин
Оламга ёйсалар...
Майсалар нияти
Улуғдир, эй Осмон!
Сен улар тупрогин
Ҳибс этдинг бегумон!
Майсалар ўсади
Сени-да йиқай деб!
Мовий юксакларга
Мен ҳам бир зиқай, деб!*

Тагига чизилган сўзларни ўқиб мулоҳаза қилинса, шундай манзара намоён бўлади (шоир назарида): Собик шўро исканжасида Ер (Ўзбекистон) ўзини жонҳалак ҳис этади. Бунда майсалар (ёш ўғлонлар) ўсаётир. Уларнинг нияти улуг: сен улар тупроғи (Ватани)ни ҳибс этдинг, босиб олдинг. Улар сени йиқаман деб вояга етмоқда, юксакларга чиқсам, мен ҳам озодлик ҳавосидан нафас олсам, демоқда...” Мана шу руҳ, муқаддас орзу шоир ижодида устувор мавқе эгаллайди.

Юқорида Муҳаммад Али илк қадамларидаёқ жаҳон адабиёти йўлини танлагани айtilди. У ана шу йўлдан юрар экан, бот-бот халқимиз ўтмишига мурожаат қилади, буюк қаҳрамонларимиз жасоратини шоирона жонлантириб, уларнинг эзгу ишлари ҳеч қачон ўлмаслигини, орзу-армонлари бир куни рўёбга чиқишини, мардона курашлари давом этажagini бадиият тили билан суратлантиради. Мана, ниҳоят бу эзгу армонлар амалга ошди – юртимиз мустақил бўлди. Бу эзгу, буюк ҳодисага ўтли асарлари билан халқимизни руҳлантирган, маънан тайёрлаган ижодкорлар қаторида Муҳаммад Али ҳам муносиб ҳисса қўшганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Тадқиқотда шоирнинг “Гумбаздаги нур”, “Машраб” дostonлари, “Боқий дунё” шеърий романидаги бадиий топилмалар етарли даражада таҳлил этилганини таъкидлаш керак. Айниқса, “Гумбаздаги нур” дostonида бола тилидан айtilган ва адиб кейин яратган деярли барча шеърий ҳамда насрий асарларнинг асосий ғоявий мазмунига айланиб кетган мана бу тўртлик ибратлидир:

*Яна келдим, эй Тарих бобо,
Яна сенга даъво қилурман.
Ўз ҳаққимни қилмоқни даъво
Ҳақиқатнинг йўли билурман!*

Тўғри, бу парчада такрорий сўзлар бор (даъво қилурман, қилмоқни даъво), лекин гап унда эмас. Гап бу ердаги чуқур мазмунда. Ҳаммамиз яхши биламизки, она юртимиз – Туркистон минг-минг йиллар давомида такрор-такрор ёвлар

томонидан забт этилди, асоратга солинди, ўтмиши зўравонлик билан сохталаштирилди. Беруний бобомиз айтганидек, қадимий тарихимиз “ҳақиқатни билиб бўлмайдиган даражага” келтириб қўйилди. Истибдод остида қолган не-не даҳо аждодларимиз ана шу Она тарихни тиклаш йўлида машаққат чекиб, гулдек умрини хазон қилдилар, хор-зорликда, забунликда умр ўтказдилар. Аммо улар ҳақиқатдан воз кечмадилар, чекинмадилар. Юқоридаги шеърий парчада таъкидлангани каби ўз ҳаққини даъво қилмоқни ҳақиқатнинг йўли деб билдилар.

Муҳаммад Али ҳам деярли ўттиз йил давомида яратган барча асарларида – эҳтирос билан ёзилган адабий-публицистик мақолалари, икки қисмли “Сарбадорлар” романи, тўрт жилдлик “Улуғ салтанат” роман-эпопеясида тарих ҳақиқатига содиқ қолиб келмоқда. Мантиқан бир-бирининг давоми бўлган бу романлар адибнинг улкан ютуғидир. Улар ҳақли равишда Давлат мукофоти билан тақдирланганини мамнуният билан таъкидлаймиз. Адибнинг “Сарбадорлар” романи, “Улуғ салтанат” эпопеяси Комил Яшин, Пиримқул Қодиров сингари катта адиблар, академик Матёқуб Қўшжонов, академик Бахтиёр Назаров ҳамда жуда кўп таниқли олимлар, адабиётшунослар томонидан етарли даражада таҳлил қилинди. Биз уларни тўла ёқлаганимиз учун мазкур асарларга тўхталмасликни маъқул кўрдик.

Шу ўринда адиб ижодида катта ўрин тутадиган адабий-илмий мақолалар ва бадиалар – эсселарга ҳам тўхталсак. Зеро, уларнинг барча қирралари ҳали етарли даражада ёритилган эмас (Бу фикрлар тадқиқотчи Адҳамбек Алимбековнинг китобига ҳам тааллуқлидир).

Юқорида айтганимиздек, она тарихимиз ҳақида дўппини олиб қўйиб, астойдил, бафуржа гаплашадиган баҳсли ўринлар, зиддиятли қарашлар ҳали кўп. Улар, айниқса, мустақиллик шарофати билан ўз ечимини топиб бораётгани бизни қувонтиради. Биргина мисол. Амир Темур давлати ёки Чор босқини, бахтиқаро жадидлар ва миллий озодлик курашчилари – улар ёппасига “босмачи” номи билан қораланди – ёки машъум қатагон қурбонлари ҳақида ҳозиргидек ёза олармидик?

*Ватанимизнинг буюк фарзанди
Спитамен жасорати ва фожиасига
бағишланган мисралар мени ҳар доим
чуқур ўйларга толдиради.*

Тўғри, бу борада интилишлар, турли йўсинда уринишлар бўлди, аммо улар куртаклигидаёқ йўқ қилинди. Замона зайлини қарангки, баъзи чаласавод олимлар мана шу заминда шакланган тубжой аҳоли – ўзбек халқи XVI асрда – шабонийлар даврида пайдо бўлди деб очиқ-ошқора китоб ёзиш даражасигача бориб етдилар (Хайриятки, бу сохта фикр ўз пайтида инкор этилди). Мана шу қалтис

паллада бир гуруҳ ўзбек зиёлилари, шоир ва ёзувчи-адиблари катта қийинчиликлар билан бўлса-да, халқимиз тарихини, қадимий тилимизни ҳимоя қила олдилар. Булар орасида дастлаб шоир сифатида танилган адиб Муҳаммад Али ҳам бор эди. У жанговар публицистик мақолаларини ана шу даврда ёза бошлади.

Россия марказий телевидениесининг “Позиция” кўрсатувида ёзувчи Г.Боровик, А.Михайловлар “Бухоро ва Самарқанддаги осори-атиқаларнинг ўзбек халқига ҳеч қандай дахли йўқ” деган уйдирма гапларни баралла айтган экан. Бунини эшитган шоиримизнинг дили жунбушга келади. “Бу фикрга мутлақо қўшилиб бўлмайди, – деб ёзади у. – Шундай савол туғилади: бу кўхна шаҳарлардаги ёдгорликларнинг ўзбек халқига дахли бўлмаса... кимга дахли бор экан?! Арабларгами? Мўғулларгами? Русларгами?.. Бундай саволлар кишини газаблантиради, ўйлантириб қўяди, хаёлни чувалаштиради.

Ҳақ талашмоқ ёмон нарса, лекин ҳақиқат учун курашмоқ ҳам фарз, ҳам қарзидир”. Бундай ҳолат виждони, орияти бор ҳар қандай одамда бўлиши мумкин. Бир вақтлар таниқли ёзувчи Шукур Холмирзаев иккимиз Москвада босилган Ҳ.Г.Кўрўелининг “Ўзбек адабиёти” китобида халқимиз тарихи бузиб кўрсатилган ўринларни ўқиб, қаттиқ газабланган эдик. Олим очиқдан-очиқ келгинди (!) турклар янги эранинг IV асрида Ўрта Осиёда пайдо



бўлди. Уларнинг маҳаллий халқлар билан қўшилишидан (!) ҳозирги ўзбек халқи юзага келган” деб ёзган эди. Шунда биз “Билиб ёзган яхши...” (“Шарқ юлдузи” журнали, 1977 йил, 2-сон) номли мақоламизни ёзиб, юқоридаги тухматдан иборат қарашни рад этган эдик. Шу туфайли мен Муҳаммад Алининг “Ёш ленинчи” (ҳозирги “Yoshlar ovozi”) газетасида чоп этилган “Атлас кўйлакли икки қиз” бадиасини хайрихоҳлик билан ўқиганман. Унда фақат ўзбек халқи эмас, тожик халқининг ўтмишига ҳам эҳтиром сақланган ҳолда самимий, холис фикрлар билдирилган эди. Гарчи бу бадиага қарши бирёқлама, асосиз мақолалар, раддиялар эълон қилинган бўлса ҳам, бугун бу

бахсда тарих ҳақиқатига, илмий мантиққа суянган Муҳаммад Али ютиб чиққани барчага бирдай аён бўлди.

Хуллас, адибнинг миллат тарихи ва тақдири, тили, адабий мерос муаммолари куюнчаклик билан ёритилган “Ўз-ўзингни англаб ет” (у “Қадимий макон”, “Атлас кўйлакли икки қиз”, “Дарёнинг боши” сингари боблардан иборат) ҳамда “Ҳақиқатдан чекинма, тарих!” бадиаларидаги дардлар ўқувчилар юрагига етиб борди. Улар қайта-қайта босилди. Уларда тилга олинган тарих жумбоқлари, қизгин тортишувлар, баҳслар бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Адибнинг “Сарбадорлар халқ курашчилари”, “Тарих – мангу давомли сабоқдир”, “Нима сабабдан Туркистон тарихини ўрганиш керак” сингари салмоқли мақолаларида ҳам халқимизнинг бой ва қадимий тарихига доир муаммолар куюнчаклик билан ёритилган. Адибнинг икки жилдик сайланмаси ҳамда “Амир Темур чамани” тўпламидаги сара мақолалар ҳақида ҳам кўп яхши гапларни айтиш мумкин.

Сўзни тадқиқотчи Адхамбек Алимбеков ёзган “Юлдузнинг беш қирраси” китобидан бошлаган эдик. Яна унга қайтсак. Яхши ёзилган бу тадқиқотда, табиийки, янада тўлдириш, бойитиш зарур бўлган ўринлар бор. Жумладан, Муҳаммад Али шеъриятига хос бадиият, шеърий образлар, ранглар, оҳангларнинг ўзи катта бир тадқиқот учун мавзу бўла олади. Албатта, олим ўз олдига адибнинг бадиий маҳорати, образлар дунёсини ипидан-игнасиғача тўла-тўқис ёритиш вазифасини қўймагани кўриниб турибди. Биз адибнинг ижод йўлини холис баҳолаб, асосий тамойилларини тўғри белгилаб берган ва бу вазифани сидқидилдан адо эта олган олимдан миннатдор бўлишимиз керак. Заҳматкаш, сермахсул адибимиз ижоди янада жиддий, теран тадқиқотлар учун мавзу бўла олади.

Muhabbat fasli

(Қизлар айтишуви ёхуд севги достони)

Ойдин:

Яна баҳор келди, дугона,
Нафасига буркаб оламни.
Бирам хушнуд сайрашар қушлар,
Чугурлашиб ўтказмай дамни.
Куртакларнинг кўзида қувонг,
Мўралашиб боқар атрофга.
Кўкламойнинг севги зиёси,
Созилгандир ҳамма тарафга.

Ҳаёт:

Ҳа, дугона, гапларинг тўғри,
Ариқларда югуради сув.
Қушлар куйлаб – созини галиб,
Юракларга солади гулув.
Пиданалар ариқ рошида
Оёқларин тайишар сувга.
Дил розини айтади ҳаёт,
Дудуқланиб кўклам сулувга.

Ойдин:

Яшил либос кийган майсалар
Севинишиб ўйнар далада.
Қувонади сулув мажнунтол,
Согларини ювиб жалада.
Чор атрофда қувнаган сабо
Ниҳолларнинг силар бошини.
Кўнгилларда маъсума севги
Ахтаради ўз сирдошини.

Ҳаёт:

Дугонажон, оғайин сирим,
Дилгинамда севги куртаги.
Огилибди, англадим, билдим,
Қалбим бугун ойнинг ўртоғи.
Билмай қолдим, қаердан келди,
Юрагимга севги савдоси.
Бошланмасин дея тўғийман
Бошгинамда севги завгоси.

Ойдин:

Дугонажон, муборак бўлсин
Дилиндаги севги савдоси.
Чўғимагин, дугона, энди
Огилади қалбинг гунгаси.
Қадамингга яшил поёндоз
Тўшар қувнаб, дилбар баҳорой.
Дилгинангда ҳислар – гулларинг
Кундан-кунга оғади тирой.

Ҳаёт:

Тушунмайман ўзимни ўзим,
Гоҳо шодман, гоҳида гамгин.
Қўрқаманки, севги гулимни
Ногоҳ совуқ урмасин тагин.
Қандай асрай, дея ўйлайман
Ишқ аталмиш расида ҳисни.
Завқ бағишлар дилимга тинмай,
Дугонажон, баҳорой ҳусни.

Ойдин:

Севги яшар покиза дилда,
Қорлар йўқдир, ҳозирда баҳор.
Сен тўғима, ўйлама қорни,
Қадамингга баҳор интизор.
Жилгаларнинг куйдай оқиши
Қалбгинангга бағишлар ҳузур.
Дилгинангда маъсума севги,
Гулга кирар, бағишлаб ҳузур.

Ҳаёт:

Кўз ўнгимда унинг боқиши
Нур бағишлар дилим қатиға.
Дил розимни ёзгим келади
Қалдирғоннинг қанотларига.
Куз беради ҳар айтган сўзи,
Аммо бунини ўзи билмайди.
Балким, балким, ҳолимни англар,
Балким... назарига илмайди.



Ойгул Убайдулла қизи

1962 йилда туғилган.
Тошкент давлат
университети
(ҳозирги ЎзМУ)нинг
журналистика
факультетида таҳсил
олган.
“Шоҳсувор”,
“Ёлғизлик гули”
шеърый китоблари
нашрдан чиққан.



Ойдин:

Сен ўксима, қаёқдан билсин
Қалбгинангда гуллаган ишқни.
Сен, яхшиси, берилиб тингла
Баҳор айтган қувноқ қўшиқни.
Ҳисларингга ҳамоҳанг бўлиб,
Қўшиқ айтиб юрибди шамол.
Қуёш кулиб боққанга ҳар кун,
Табиатдан сўрайверар ҳол.

Ҳаёт:

Суратига боқсам гоҳида,
Нигоҳимда ҳаё балқийди.
Денгиздаги тўлқиндай бўлиб,
Соҳир дилда ҳислар қалқийди.
Қайдам, яхши кўришимни гоҳ,
Айтсаммикан, ўйлаб қоламан.
Кўнглимдаги шу ўйим сабаб,
Ўз-ўзимдан, эҳ, уёламан.

Ойдин:

Севги – дилда кўз оғган баҳор,
Гулга белар кўнгил богини.
Осмондаги офтобдай бўлиб,
Нурлантирар ёшлик тогини.
Ҳаё – қизнинг либоси асли,
Шу либосда юрганнинг маъқул.
Ўксимагин, офтобдай бўлиб,
Сен, яхшиси, гарақлагин, кул.

Ҳаёт:

Маҳзун ўйлар сураман гоҳо,
Хаёлларим етаклаб кетар.
Ўқимоқчи бўлиб шамолжон,
Дилгинамнинг китобин титар.
Юргим келар ёмғир остида,
Кўйлақларим жикқа ҳўл бўлиб.
Чиқаятган дил ҳовуридан,
Баъзан, ҳатто кетаман куйиб.

Ойдин:

Маҳзун ўйлар Зебинисодан
Бизга қолган сахий меросдир.
Севги дилга мўралаганда,
Хаёл сурмоқ қизларга хосдир.
Аммо, берма ҳег ҳам сирингни,
Дугонажон, шамолга асло.
У ўйноқи сотади сиринг,
Бўлиб юрсин қоматинг расо.

Ҳаёт:

У ҳақдаги ўйлар дилимга
Бағишлайди ҳузур, осойиш.
Соғинг дилда шодон яшайди,
Ҳижронга ҳег бермасдан ройиш.
Ёнгинамда бўлмаса ҳамки,
Бахтдир асли унинг борлиги.
Қувонг солар юраккинамга
Муҳаббатнинг дилга ёрлиги.

Ойдин:

Қизгалдоқлар ҳаётни безаб,
Кўз-кўзлайди тиройин, кўркин.
Майсаларнинг диллари ҳануз,
Қара, кўргин севингдан тўркин.
Қир, адирда яйраган экин
Анграяди, боқар ҳуснига.
Ҳув, баландда камалак – гуллар
Ранг қўшади осмон тусига.

Ҳаёт:

Кўзмунгоғим таққим келади
Майсажоннинг жажжи қўлига.
Исириқлар солгим келади
Довдираган экин йўлига.
Қизгалдоққа туморим тақиб,
Асрай дейман ёмон кўзлардан.
Камалакка бергим келади
Гулдасталар ясаб сўзлардан.

Ойдин:

Ёмғир тинмай доира галар,
Юраклардан ювиб зангларни.
Сенинг тоза туйғуларингдан
Олган баҳор турфа рангларни.
Кезиб юрар сездирмай сенга
Атрофингда ишқнинг нафаси.
Яшиллаган дарахтзор аро,
Солланади кўклам ҳавоси.

Ҳаёт:

Севгим маним дилда пинҳондир,
Бу ҳолатдан бўламан масрур.
Соғингимнинг йўқ ниҳояси,
Кўз ўнгимда теҳраси зуҳур.
Ўйлаб қолдим, аслида таним
Қорилганми севги лойидан?
Дарахтзорда ўту ўланлар
Жой олишган дарахт пойидан.

Ойдин:

Қўшилишиб ёғар ёмғирга
Тилгинангдан тилаклар эзгу.
Кенг дунёни тиниқ кўрсатар
Кўзларингга муҳаббат – кўзгу.
Самоларнинг улкан бағридан
Ҳаёт иси келади гунон,
Аслида-чи, ишқнинг лойидан
Ҳаёт тани қурилган, дугон.



Ҳаёт:

Огилади намозшомгулдай
Бағримдаги ҳисларим балқиб.
Тун бағрида оймомо яйрар,
Денгиздаги қайиқдай қалқиб.
Билмам, қайдан келади баъзан
Айрилиқнинг қора шарпаси.
Ой ҳам, кўргин, ёпиниб ётар
Булутларнинг қора кўрпасин.

Ойдин:

Сен, яхшиси, севгидан гапир,
Ҳет ҳам, дугон, бўлма безовта.
Нима бўпти, ёпинса тунда
Булутлардан оймомо кўрпа.
Ҳали ажриқдай тирмашиб ўсар
Дилгинангга қувонглар шодон.
Кўнгил деган бўстон саҳнида
Атиргуллар отади хандон.

Ҳаёт:

Қувонаман, у билан бирга
Олаяпман ҳаводан нафас.
Унинг бўйу бастига боқиб,
Ҳатто гуллар қилади ҳавас.
Дугонажон, бахтлиман жуда,
У ҳаётда борлиги угун.
Тақдиримдан розиман ишқнинг
Дилгинамга ёрлиги угун.

Ойдин:

Пинҳон севиб, пинҳон ўртаниш
Ярашиқли бизларга, дугон.
Юз-кўздаги ҳаё пардаси
Ярашиқли қизларга, дугон.
Севги бизга момомеросдир,
Асра уни, гардни қўндирма.
Ёнгинангда бўлмаса ҳам у,
Севги ўтин ҳет ҳам сўндирма.

Ҳаёт:

Дугонажон, сиримни айтсам,
Ўйловдимки, осмон ёрилар.
Қават-қават турган оламлар
Бир-бирига тунон қорилар.
Бирам енгил бўлдим, дугонжон,
Яхшиямки борсан бахтимга.
Ёнгинамда бўлмаганинда,
Айт-ти, кўнглим оғардим кимга?

Ойдин:

Аслида-ти, дилинг осмондир,
Сенга насиб севгининг ҳусни.
Бир умрга авайла, дугон,
Юрагингга меҳмон шу ҳисни.
Ҳавасланиб юлдузлар сенга
Боқар кўкдан суқланиб, кўргин.
Баҳористон богида, дугон,
Куйлаб, ўйнаб, қувониб юргин.

Ҳаёт:

Гул умримнинг кўркам фаслида
Жаранглайди ёшлик баёти.
Қалбгинамнинг кенгликлариди
Чиқаради орзу қанотин.
Шу мусаффо кенгликлар аро,
Угсам дейман севгимни қугиб.
Бир кун, дугон, ишон, албатта,
Дийдор қушим келади угиб.

Ойдин:

Ҳаётистон бағрида яйраб,
Бўй гўзмоқда қувонг гуллари.
Сирлашмоқда юлдузлар, кўргин,
Кўз юмолмай узун тунлари.
Биз томонга келар Нодира,
Ҳув, мозийнинг йўлидан қайтиб.
Юртим бугун йўлга тикқандир
Келажакнинг қўлидан тутиб.

Ҳаёт:

Ободистон бағрида мамнун
Эркаланиб ҳаёт улғаяр.
Вужудимиз зарраларида
Журъат, гайрат, қудрат уйғонар.
Юрт жамоли кўзни олгудай,
Ҳушгинамдан айирмоқ истар.
Қуёш қалбим уфқларида
Сархуш бўлиб ёнбошлаб ётар.

Ойдин:

Қалбинг – офтоб, қалбинг – осмондир,
Осмонингни асра, дугонжон.
Бошқаларга озмагин сиринг,
Диллар эмас оғилдастурхон.
Тўлиб-тошиб кетганда изинг,
Шеърлар ўқи, китоблар ўқи.
Сен сирингни шундай асраки,
Теголмасин гийбатлар ўқи.


Ҳаёт:

Дугонажон, васл сувига
Ташна жуда дилгинам, қақроқ.
Ишонаман, албатта бир кун
Кўз оғади дийдор – қизгалдоқ.
Оппоқ ёмғир ёғмоқда, майин,
Ипакдайин, силаб бошимни.
Қутламоқда кўклам жилмайиб,
Ун саккизга кирган ёшимни.



Temirchining o'g'li

Bektemir



Анвар ОБИДЖОН,
Ўзбекистон халқ
шоири

1947 йили туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг журналистика факультетини тамомлаган. “Она ер”, “Баҳромнинг ҳикоялари”, “Аламазон ва унинг дўстлари”, “Эй, ёруғ дунё”, “Масхарабоз бола”, “Даҳшатли Мешполвон”, “Безгакшамол”, “Аламазон ва Гулмат хангомаси”, “Алишер ила Хусайн ёки уч доно ва ўғри”, “Топсанг ҳай-ҳай...” каби шеърӣй ва насрий китоблари чоп этилган. “Кўнғироқли ёлгончи”, “Паҳлавоннинг ўғирланиши” каби пьесалари сахналаштирилган.

Бешариқдаги бир тадбирдан қайтаётиб, қўшни Фурқат туманининг Шойимбек қишлоғидан ўтаётганимизда, йўлдошим – ЎзЛиДеП Фарғона бўлими етакчиларидан бўлган Файратжон дабдабали оҳангда сўз қотиб, бу – Бектемир Мелиқўзиевнинг қишлоғи, дейиши биланоқ, 2016 йили Бразилияда ўтказилган ёзги олимпиада рингидаги манзаралар беихтиёр кўз ўнгимда гавдалана бошлади.

Бунақаси етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаганди. Андижонлик Ҳасанбой Дўсматов олтин медал олишни бошлаб берди-ю, боксчиларимизнинг бир кучига ўн куч қўшилди. Фазлиддин Фойибназаров, Шаҳобиддин Зоировлар ҳам олтин, Бектемир Мелиқўзиев, Шаҳрам Фиёсов кумуш, Муроджон Аҳмадалиев, Рустам Тўлаганов бронза медали олиб, йигитларимиз шу пайтгача рингда гегемонлик қилиб келган Куба, АҚШ, Россия сингари мамлакатлар вакиллари ҳам ортда қолдирган ҳолда жамоалар ичида биринчи ўринни эгаллагани, шунингдек, штангачи Руслан Нуриддинов олтин, дзюдочилар Ришод Собиров,

Диёрбек Ўрозбоев, юнон-рум курашчиси Элмурод Тасмуродов, эркин курашчилар Ихтиёр Наврўзов, Магомед Ибрагимовлар бронза медални қўлга киритгани жаҳон аҳлини донг қотириб қўйди. Бундан бор-йўғи чорак аср илгари мустақилликка эришган навқиронгина Ўзбекистон жами тўртта олтин, иккита кумуш, еттита бронза медалига эга бўлиб, беллашувларга икки юз юртдан келган иштирокчилар орасида йигирма биринчи ўринни эгалласа-я! Бунақа кескин ўсиш олимпиада тарихида бўлганмикин?

Давлатимиз томонидан ҳар бир олтин медал учун икки юз минг, кумуш учун юз минг, бронза учун етмиш беш минг АҚШ доллари миқдоридан мукофот пули берилгани, қаҳрамонларимиз муносиб тақдирлангани юртдошларимизни янада шодлантириб юборувди ўшанда. Етмиш беш килограммлик вазнда жаҳон чемпиони бўлиб турган, олимпиадада ҳам юқори шохсупага кўтарилишини барча бокс билимдонлари олдиндан башорат қилиб келаётган кубалик Арлен Лопес финалда Бектемирни очколар бўйича

зўрға ютиб олгани боис, мутахассислар буни олтинга тенг қумуш деб баҳолашган эди.

– Бектемир қаерда яшашини бирортасидан сўраб билинг-чи, – дедим Файратжонга.
– Уйига бирров бош суқиб ўтайлик, бу бола қанақа шароитда ўсиб-улғайганини билишга жуда қизиқяпман-да.

Уларнинг уйи маҳалланинг энг охирида экан. Кейин далалар бошланади.

Хонадон бекаси Наврўзахон билан энди гина у ёқ-бу ёқдан гаплашиб турганимизда, келинлари телефон қилиб қўйган экан, бир зумда тўнғич ўғли Рустамжонни эргаштирганча уйбеги Рўзиматжон пайдо бўлди, сал ўтмай, Президент туҳфа этган “Малибу” да Бектемирнинг ўзи ҳам етиб келди.

Бойхусан деган меваларга ўхшаб кетувчи осиеча қийиқ кўзларидан болаларга хос соддалик, чексиз самимият ёғилиб турувчи бу бўз йигитчани илгари Риштонда, президентликка номзоди қўйилган Шавкат Мирзиёев фарғоналик сайловчилар вакиллари билан ўтказган учрашувда биринчи марта кўргандим. Сира ўзгармабди, хушбичим жуссасида ёшлик шижоати балқиб турибди. Унинг келишимли бўй-бастига ҳавас-ла боққанча, дам ўзи, дам ота-онаси билан суҳбатлашиб, гоҳ болалик, гоҳ ўсмирлик даврига оид гапларга қулоқ тутган асно, бирда ҳовлини, бирда уй ичини синчиклаб кўздан кечирарканман, қаҳрамонимга оид сир-асрорларни бирма-бир кашф этиб бораётгандек эдим.

Мелиқўзи бувадан қолган темирчилик устахонаси ўчоғининг қўри ҳамон сўнгани йўқ. Рўзиматжон мактаб ўқитувчиси бўлса-да, бўш чоғларида, айниқса ёзги таътил пайтида кетмон, теша, чопқи, ўроқ, болта ясаб туради. Отини тақалатишга келувчилар уни дам олиш кунлари ҳам тинч қўйишмайди. Шунақада, Бектемир келиб қолса, э, қўяверсанг-чи, дейишларига қарамай, ие, бундан зўр машқ бораканми, дея устки кийимини улоқтириб, тезда бозғонга ёпишади. Ўчоқдан чўғдек лангиллаб чиққан темирга ўғли даранг-даранг эткизиб бозғон ураркан, ота орада темирни қисқичда айлантирганича, болғасини тинг-тинг, тинг-тинг қилиб керакли шаклга солиб туради.

Бектемир терга ботиб кетганини кўрган ота, бўлди, сал дам ол, деса, йўқ, дада, яна чидашим керак, агар орада нафас ростлашга кўникиб қолсам, рингда панд ёйишим аниқ, деб ишдан тўхтамайди. Қўли ишда-ю, неча

Бектемир шу ярим сониянинг ичида қаёққа зойиб бўлганини англаёлмай қолганида, боши ёки биқинига гупиллаб теккан қарши зарбадан бир қалқиб тушади.

йиллар олдин бўлиб ўтган бир воқеа хаёлидан ўта бошлайди. Ҳали мактабга бориб-бормаган Бектемир ўшанда “дам” деб аталмиш ҳавопуркагич чилвирини тинимсиз тортиб-бўшатиб, ўчоқдаги кўмирнинг воз-возлаб ёнишини завқланиб кузатар, ўнг қўлининг пайлари оғрий бошласа, чапини ишга соларди. Ҳозирда иккала қўлининг зарби ҳам бир-биридан қаттиқлиги балки шундандир.

Бир куни ўзича пийпаланиб, қандайдир темирни эгишга уринаётганида, ўнг қўлидаги кўрсаткич бармоқни болғада чақиб олди, қонни зўрға тўхтатишди (орадан шунча йил ўтса-да, ҳануз ўша бармоғидаги тирноқнинг ярми йўқ). Мелиқўзи бува буни кўриб, шу туришингда сендан темирчи чиқиши қийин, деди-ю, эртаси куни линча каноп

қопга куруқ фикр қумни жунга аралаш солиб, ҳовлидаги ўрикка осиб берди-да, шуни уриб турсанг, билагинг пишади, муштинг қотади, деди. Ана энди, қопни кечалариям гупиллатишми! Кейинги авлоди ҳам тошбилак темирчи бўлишини орзулаган буваси ўзи билмаган ҳолда келажакдаги машҳур боксчини тарбиялаётганини хаёлигаям келтирмаганди ўшанда.

Бу ўйинсимон машғулот Бектемирга жуда ёқиб қолганди, мактабда ўқиб юрган кезлариям, қопни савалашдан зерикмади. Охири ўн ёшида 22-мактабдаги бокс тўғарагига ёзилиб, ҳозиргача унга мураббийлик қилиб келаётган Маъруфжон Аҳмедов қўл остида машқ қилишни бошлади. Аввал олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаевга, сўнг Ўткирбек Ҳайдаров, Элшод Расуловларга ҳаваси келиб, қанийди, шуларга ўхшаб жаҳонни кезиб юрадиган бўлсам, дея тошиқиб-тошиқиб қўярди.

Кўпчилик ўртоқларига ўхшаб, у ҳам далага мол боққани чиқарди. Бошқалар сигири экинзорга кириб кетмаслиги учун бўйнидаги





арқонни уватдаги тутларга боғлаб қўйиб, ора-сира янги жойга кўчириб туришарди. Бектемир эса сигирни бўш қўйганича ўзи экинзор тарафга қўриқчидек туриб олиб, арқонда тўхтовсиз ирғиб ўйнашга тушарди. Ўрта оғир вазндаги боксчи бўлсам, рингда оёқлари билан номдор Муҳаммад Алидек капалакланиб ҳаракат қилишининг сири мана қарда экан. Бу боланинг энг ўзига хос томонларидан бири ҳам айнан мана шу. Қўлларини пастга осилтириб, қани, бўш келма, оғайни, хоҳлаганинча уравер, дегандек жойида қимирламай туришини кўрган рақиб бор кучини жамлаб мушт отади-ю, Бектемир шу ярим сониянинг ичида қаёққа ғойиб бўлганини англаёлмай қолганида, боши ёки биқинига гупиллаб теккан қарши зарбадан бир қалқиб тушади.

Жаҳон ринглари сари йўл ҳали-ҳамон олислигича, халқаро майдонлардаги ғалабалар орзулигича турар, Бектемир туман, вилоят кўламидаги беллашувларда қадам-қадам олға силжишда давом этарди. Ниҳоят, 2011 йили Ангренда ўсмирлар ўртасида ўтказилган республика мусобақасида ғолиб бўлди-ю, терма жамоа аъзолигига қабул қилинди. Ўсмирлик шу ерда тугаб, энди ёшлар термасида аввал Ўзбекистон, сўнг Таиландда Осиё,

Болгарияда жаҳон чемпиони бўлди. Наманганда 2014 йили ўтган “Баркамол авлод” мусобақалари, шу йили Хитойда бўлган ёшлар олимпиадасида ҳам шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Шулар боис Халқаро тоифадаги спорт устаси унвонига сазовор бўлди.

Ёш билан боғлиқ бўлган босқичларнинг унисидан бунисига ўтишда кўп боксчилар бирдан сўниқиб қолади. Мураббийлар шундан хавотирланаётган эди. Аммо Бектемир катталар термасига ўтганидан кейин ҳам шаштидан тушмади, Олмалиқда Ўзбекистон, Таиландда Осиё чемпиони бўлди. Қатарда 2015 йили ташкил этилган жаҳон биринчилигида кумуш медал олиб, Рио – 2016 олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди. Ўша йили “Шўхрат” медали билан тақдирланди. Биринчи Президентимиз Ислон Каримов нишонни унинг кўксига тақар экан, олимпиададан медалсиз қайтма, дея елкасига қоқиб қўйди. Албатта айтганингиз бўлади, дея ваъда бер-

ган эса-да, ҳали бу юксак ишончни оқлаш керак эди, Бектемир икки баравар иштиёқ билан машғулотлар ўтказишга тутинди. Худого минг қатла шукурки, Бразилиядан ўз юртига ёруғ юз билан қайтди. Энди кўксини “Ўзбекистон ифтихори”, “Ўзбекистон мустақиллигининг 25 йиллиги” нишонлари ҳам безаб турибди.

– Мураббийларим мени етмиш беш килограммдан саксон бир килограммгача бўлган вазнга ўтказишганида илгари сира куч синашмаган нотаниш рақиблар ноқулайлик туғдирмасмикан деган ҳадикда эдим, – дейди Бектемир. – Хайрият, тобора мослашиб боряпман. 2017 йили Тошкентда бўлган Осиё биринчилигида олтин, Германияда ўтган жаҳон чемпионатида бронза медал олиб, ўзимга бўлган ишончим ортди, энди кўнглимда ҳеч қандай хавотир йўқ.

Мана шуниси муҳим. Баланд руҳ олишувларда куч ва тажрибадан кўра кўпроқ асқатади, аслида.

Ангреннинг Янгиободидаги бокс термаси ўқув машқ базасида оралиқ танаффус эълон қилиниб, қишлоғига дам олишга келган Бектемир жисмоний мувозанатни асраш ниятида шу ердаги бокс тўғараги залида кунига машқ ўтказаётганини билиб, ўзига нисбатан ўта талабчанлигига яна бир бор тан бердик. Ўз устида шундай қаттиқ ишлашда давом этаверса, эндигина йигирма бир ёшдан ҳатлаётган йигитчанинг асосий ютуқлари ҳали олдинда. Индонезияда бўладиган Осиё ўйинлари, Сочида ўтказилдиган жаҳон чемпионати эшик қоқиб турибди. Қаҳрамонимизнинг асосий мақсади бу синовлардан қоқинмай ўтиб олиб, 2020 йили Токиода очилдиган ёзги олимпиада йўлланмасига эга чиқиш.

Спортчиларимиз учун аввалда мисли кўрилмаган шароитларни яратиб бераётган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг чексиз замириликларига жавобан улкан ютуқларни қўлга киритишдир.

Фермер дўстим Абду-салом, тўрт-беш марта кимёвий ишлов бериб ҳам, ғўзаларни қақшатаётган кўсак қуртларини тугалай йўқ қилолмагач, охири пахтазор томонга қараб жаҳл билан қичқаришга тушибди:

– Хе-е-й, мараз қуртлар! Зўрман десаларинг, Бектемир билан рингда олишиб кўринглар-чи! Ана ўшанда битта-битта қирилишларингни кўриб, бир мазза қилай!

Шуни эшитганимдан кейин, Бектемирга “қирувчи” деб лақаб қўйиб олгандим ўзимча.

Кўқон педагогика институтининг жисмоний тарбия бўлимига имтиёзли тарзда қабул қилинган Бектемир талабаликда ҳам ўз ғайратини намойиш этапти. Ҳозир у Ислон Каримов номидаги фахрли стипендия соҳиби. Энг эзгу мақсади, келгусида янги-янги шоҳсупаларни забт этиб, спортчиларимиз учун аввалда мисли кўрилмаган шароитларни яратиб бераётган Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг чексиз ғамхўрликларига жавобан улкан ютуқларни кўлга киритишдир.



Спорт фақат чиниқиш, довруғ таратиш омилигина эмас, ўзига хос бизнес ҳамдир. Бектемир ютуқларга эришгани сайин хонадонига файз-барака кўшилиб бормоқда. Мелиқўзи бувадан қолган гуваладевор ҳовли бирдан кўркам тус олди. Энг қувонарлиси, бу ўн сотихли ҳовлига уч ўғлимнинг қай бири сигаркин, ўқитувчи ота, ҳамшира онанинг топгани буларни уйлаш, бошпанали қилишнинг қай бирига етаркин, деб юрган Рўзиматжоннинг ташвишлари ариди – аввалига вилоят ҳокимлиги Бектемирга Фарғона шаҳридан уй совға қилиб, кейинроқ туманда қаторлаштириб қурилаётган намунавий уйлардан бирини сотиб олишди-ю, бор муаммо ҳал бўлди қолди.

– Ишқилиб, Бектемир пулни бежо сарфламаптими? – деб ҳазиллашаман.

– Топганини бутунича қўлимизга келтириб беради, – дея фарзандидан ризолигини изҳор қилади Наврўзахон. – Беришга беради-ю, кўчада юрадиган одамсан, манавини ишлатиб

тур, деб кўлига тутқазмасак, ўзича пул сўрайвермайди. Худонинг мукофотларига йўлиқавергур бу бола жуда бошқача-да.

*Темирчининг ўғли Бектемир
Ўзбек донгин ёйди жаҳонга.
Рингга чиқса, рақиб сандон-у,
Айланади ўзи бозгонга.*

*Мард йигитнинг, дерлар, довруғи
Куч бағишлар етти пуштига.
Рингда унинг издошлари ҳам
Дўнаверсин ўзбек муштига!*

Ҳовлидан чиқаётиб, Ватан нима, деб шунчаки савол ташлаган бўлман Бектемирга. У эса, узоқ ўйланиб ўтирмай, дунёнинг қайси чиройли мамлакатларида юрган бўлмасин, одам барибир ўша ёққа тезроқ қайтишни ўйлайверадиган жой, деб жавоб қилади. Бир қарашда, муштини темирчи бобосининг бозғонига айлантириб, рақибини сандон деб фараз қилишдан бошқани билмайдигандек туюлувчи соддафелъ йигитча Ватан нималигини бу қадар одми, бу қадар теран ифодалаб беришини сира кутмагандим.

Ўз юртига шухрат, ўз оиласига ҳурмат-эҳтиром, аждодларига раҳмат келтириб, боши ота-онанинг дуосидан чиқмайдиган бундай шавкатли фарзандлар билан фахрланиб яшаш бахти ҳар бир хонадонга насиб этаверсин, илойим.



Ena bo'ri

Qissa



Расмларни Аслиддин Калонов чизди.



**Нормурод
НОРҚОБИЛОВ**

1953 йили туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ) нинг журналистика факультетини тугатган. “Зангори кўл”, “Унутилган кўшиқ”, “Юзма-юз”, “Пахмоқ”, “Бекатдаги оқ уйча”, “Жўшқин дарё”, “Овул оралаган бўри”, “Бўрон қўлган кун” каби қисса ва ҳикоялардан иборат тўпламлари, “Дашту далаларда” ва “Қорақуюн” романлари нашр этилган.

– Ҳа-а, қурсоғингни лорсиллатиб, тагин қўни-қўшнилари шўрини қуритиб келаяпсанми, а, Бойбичахон?! Ҳа-а, Бойбичча бўмайгина ўлгин сен! Кўзларинг жавдирамай кетгин сен!

Бу пайтда бола ўтов эшиги ташқарисида, кўзлари тўла уйқу, оёғи билан ерни пайпаслаганча, кавушини қидирарди. Онасининг андаккина зарда аралаш эркалаб койинишлари адоқлаб улгурмай, аввал бир, сўнг тўнқарилиб ётган иккинчи пойини топиб, оёғига иларкан, сўл тарафда қалашиб ётган қоятошлар томон зинғиллашдан бурун ўтовнинг ўнг ёнида, тутаётган ўчоқ бошида ўзига орқа ўгириб турган онаси Сарагулга шунчаки бир назар ташлаб қўяркан, шунда ўтовдан, чамаси, ўттиз одимча наридан, кунчиқишдаги арчазор қиялик сари ошиқмай бир маромда йўртиб бораётган, ҳайбати ўртачадан зиёдроқ, кулранг тусдаги ғоятда кўркам итга кўзи тушди. Айни шу дамда кулбет жонивор ҳам, кимсан сен, дегандай ўткир кўзларини ғалати чўёлантириб, айнан ўзига айрича қараб қўйганини бола сезган эса-да, ўлгудек заҳартанг қилиб турган эмасми, итнинг бу ғалати боқишига ортиқча эътибор бериб ўтирмади, нега деганда, тезгина қоятошлар панасига ўтиб, сўнг қайта иссиқ кўрпа оғушига шўнғиш илинжида эди-да у. Бироқ, шунга қарамай, думи ва қулоқларига тиг тегмаган жонивор барибир диққатини тортмай қолмади, чунки ўзи билган ва кўрган овул итлари орасида ҳалигача бу хилдагисини учратмаган, қара-я, агар думи ва қулоқлари кесилмаса, ит дегани жуда кўркам бўларкан-а, деган хаёлда қоятошлар томон зипиллади.

Бола тонгги эпкиндан эти жунжикиб, ўтов ёнига қайтганда, боя кўрган кулранг ит аллақачон қияликдаги арчазорда кўздан ғойиб бўлган, онаси эса ўчоқ қошида чўккалаб, тутаетган ўтни қўзғаш ва пуфлаш билан овора эди. Бироқ нотаниш жониворнинг камдан-кам итларга хос салобат-ла йўртиши ҳамда келишимли жуссаси боланинг шуурида муҳрланиб қолган эмасми, уни қайта кўрмоқ умидида, иссиқ ўринни бир зумга унутиб, онасидан сўради.

– Бояги ит қани, эна?

– Қанақа ит? – Сарагул унинг барвақт турганидан ажабсингандай елкаси оша бир қараб қўяркан, сўнг ўчоққа юзланиб, ўғил бола бўла туриб, бўрини итдан ажрата билмадингми, нодон, деган оҳангда деди: – Қанақа ит... жондор-ку у!

Бола табиатан анча-мунча журъатли эса-да, бу гапдан қовуғи бўшашиб, иштонини хўллаб қўйишга бир баҳя қолди. Уйқуси батамом ўчиб, дам онаси, дам арчазорга лолу ҳайрон боқаркан, сўнг биров бехос энсасига турткандай, бирдан ҳушёр тортди. Кўзларини аланг-жалаң қилганича, одатда, ҳар тун ўтовнинг кунботиш тарафдаги қўтонда сурувни тевакклаб ётадиган ўз итларини қидирди. Аммо уч бирдай итдан бирортаси йўқ – тонг саҳарда отаси Чори чўпон томонидан қўзғатилган қўй-қўзилар ортидан аллақачон яйловга чиқиб кетишганди. Болани таажжубга солган яна бир ҳол – салгина бурун бу ердан номининг ўзиёқ ҳар қандай юракка ададсиз ваҳима солғувчи ёвуз бир махлуқ йўртиб ўтмаганидек, қуйида, қўтондан наридаги кенг сойлик саҳнида қантариқли тўриқ отдан ташқари, беш-олти қорамол бемалол ўтлаб юрар, гирди чўп ва оғоч билан ўралган беридаги чоққина кўрада эса дардмандлиги туфайли сурувдан қолган уч-тўрт ушоқ жонивор ҳамда икки бузоқча тинчгина кавш қайтариб ётар, қисқаси, атроф тинч ва осойишта эди.

Боланинг назари қачонки қўтонни супуриб-сидириб юрган опаси – Барнога тушгач, ҳайрати минг чандон ортди, нечун чумчуқ пир этса, юраги шиф ётадиган опаси жондордан ҳайиқмади?

Ё онаси ҳазиллашдимикан?

Йўқ, онаси ҳазил-ҳузул қиладиган аёллардан эмас.

Боз устига, тоғлар орасидаги бу овлоқ маконда бегона итга пишириб қўйибдимми? Бундан чиқди, кўргани чиндан-да жондор экан-да!

Бола, кўнгли тўла ҳадик, ўтовга кирди.

Қалин кўрпани энгагигача тортиб, қайта ухлашга уриниб кўрди.

Бироқ энди уйқу қайда.

Бола қаватида пишиллаб ухлаб ётган укасини турткилаб уйғотгиси ва ҳозиргина кўрганларини оқизмай-томизмай, борича сўзлаб бергиси келди. Аммо уйғотгани билан иниси кучукваччадай гингшиб, гашига тегишдан бошқасига ярамаслигини ўйлаб, бу фикридан қайтди. Ётган жойидан ўтов увуқларига, шифтдаги энли-энсиз қизғиш тузмаларга, тепадаги ярим очиқ чанғороққа, керагаларга осилган турли рўзғор буюмларига бирма-бир кўз ташлаб чиқаркан, нигоҳи тароқи хуржун ёнида илиғли турган қўшоғиз милтиққа тушгач, ҳадиги ариб, яроғи бор одам ҳам жондордан ҳайиқадими, дея хотиржам тортди.

Аммо кўрганларини кимгадир жуда-жуда айтгиси келди.

Бироқ кимга?

Бу ерда на бир жўраси, на бирор яқин сирдоши бор унинг.

Қани энди, шу тобда жини севмас бу яйловда эмас, жонажон овулида бўлиб қолса-ю, кўрганларини аввалига Ойнагул момосига, сўнг андаккина ошириб-тошириб, хамирдайин кўпчириб, жўраларига сўзлаб берса, ҳайратдан уларнинг анқайишларини кўриб, роса ҳузур қилса. Айтганча, ўзини жасур, шунчаки жасур эмас, ўта даражада жасур кўрсатиш учун, кўп эмас, жиндек ёлғон ишлатса, ёмон бўлмайди. Дейлик, жондор бир одим, йўқ-йўқ, бунга ўлақолса ишонишмайди, бор-йўғи олти-етти одим наридан менга бир қараб қўйди-да, қалайсан, дегандай думини бир-икки тўлғаб ўтиб кетди деса, бас – умрида жондорнинг ўзи тугул, унинг соясини-да кўрмаган жўраларига шу гапнинг ўзи етиб ортади.

Бола, хаёли жондорда эса-да, ўзини жўралари орасида ҳис этиб, юраги бир қалқиб тушди, сўнг шимолий довон орти кенглигидаги қадрдон овулини кўз олдига келтириб, беихтиёр чуқур хўрсиниб қўяркан, ҳар йили эрта кўкламдан куз ўртасига қадар ота-онаси қўним топадиган бу яшил яйлов ўзи учун ғоятда бегона, ғоятда зерикарли маскан эканини, магар инон-ихтиёри ўзида бўлганида борми, одам топмас бу овлоқ маконда бир дақиқага ҳам қолмай, бутун ёзни жонажон овулида, дўслари билан гирди дарахтзор тақир майдонда эртадан кечгача копток тепиб ўтказишни миясидан бирма-бир ўтказар экан, Райимқул бобосидан жуда-жуда хафа бўлиб кетди. Боиси, мана иккинчи йилдирки, ёзги таътилни кутмаёқ бобоси уни ўзининг чавқар отига мингаштириб, тоғлар орасидаги ушбу яшил яйловга – Сувлиқсой водийсига ташлаб кетади, товларга меҳринг ийсин, деб.

Бироқ тоғу тошларга боланинг меҳри иймайди.

Бу манзилда ториқишдан бўлагини туймайди.

Биринчи кунданок ранги синикиб, кўзлари маъюс тортиб, овул четидаги тўп сурадиган ўша тақир ялангликни, айнаи туш маҳал чўмиладиган тиниқ сойини, тергашлари эркалалашга, хипчинлашлари силаб-сийпалашга ўхшаб кетадиган ўта кўнгилчан Ойнагул момосини, уларга девор-дармиён қўшни бўлмиш меҳрибон ва чўрткесар Шаҳло аммасини ҳамда ўтган йили кўклам адоғида туман марказида яшовчи Қобилбек амакиси ҳадя қилган серқилиқ жимитдек ити – Қўнғироқни соғинади. Бола кўппакларни унчалик жини севмайди, аммо Қўнғироқни бутунлай бўлакча қадрлайди, чунки у жуда тийрак ва зийрак жонивор – ўйнатсанг ўйнайди, эркалатсанг эркаланади, сўзласанг англайди, койинар бўлсанг ақлли кўзларини жавдиратиб, кечир мени, дегандай бошини эгади. Мабодо, бирор ёққа кетар эрсанг, дарвоза тирқишидан ташга мўралаб, уйга қайтишингни илҳақ кутади.

Бола шуларни ўйларкан, соғинчдан кўнгли ўртаниб, бир хаёли, шартда ўрнидан туриб, шу ондаёқ овулига жўнаб қолгиси келди. Бироқ бирор-бир жиддий сабаби бўлмаса, бу ҳаракатидан фойда йўқ – бобоси тагин отда олиб келиб ташлайди. Болани хуноб қиладиган яна бир ҳол – у қанчалик овулга интилса, бунинг акси ўлароқ, жўралари шунчалик унга ҳавас қилишади, нуқул, маза-маза, сенга маза, дейишади. Бола теваарақдаги виқорли тоғларга, яшил яйлов кенгликларига маҳзун-маҳзун боқаркан, нимаси маза, дея доимо ҳайрон бўлади.

Бундан ҳам ночори – отаси қаватида бўлиш: бундай кезларда на тоғлар чўнглигини, на яшил арчалар тароватини, на енгил эпкин аллалаётган турфа чечаклар чиройини, на ўйноқи жилгалар сасини туюди, гўё чўпонлик тақдири азалдек, ланж ва тушкун бир кайфиятда сурув ортидан судралиб юраркан, зўр бериб, ўзича жонажон овулига қайтмоқнинг минг битта режасини тузади. Ҳадеб режа тузаверишдан чарчагач эса хуржун тубида ўзи билан олиб келган ола-була чарм коптогини қўмсаб, яйловнинг олис пучмоғида, офтобда оқарган дўппидек, дўмпайиб турган ўтов томон кўз ташлаб, ўзича ич-ичидан ўксиниб-ўксиниб қўяди. Чори чўпон қанчалик сабр-тоқатли одам бўлмасин, унинг тумшайиб юриши охири жонига тегиб, сен бола юракни тоза қон қип юбординг-ку, дея уни ўтовга ҳайдаб солади. Бироқ у ўтовга қайтиб ҳам ҳаловат топмайди.

Бу энди ўтган йилги гаплар.

Бу дафъа ўзини олдинда не бир зерикарли кунлар кутаётганини аввалдан билгани боис, кечадан буён чиройи очилай демасди. Бироқ тонгда юз берган бу воқеа унга фавқулодда қаттиқ таъсир этиб, вақтинчага бўлса-да, дилидаги бу нохуш кайфиятни кунпаякун қилиб ташлаганди. Ахир бўридек ўта даҳшатли бир махлуқнинг шундоққина ўтовлари ёнидан эмин-эркин ўтиб кетиши ҳеч ақлга сиғмайдиган ҳодиса эди-да. Бунинг устига, узундан-узун қиш кечалари катталардан жондор зотининг ёвуз қилмишлари ҳақида не бир гурунглари эшитмаган у. Бу ерда эса жондор дегани нақ тумшуғи тагида ўралашиб юрибди! Буниси камдек, онаси уни койиб ва эркалаб ўтирибди!

Ё жондор дегани ёлғонмикан?

Бола ортиқ чўзилиб ётолмади.

Ўрнидан илкис қўзғолиб, апил-тапил кийинди.

Ташқарилашдан аввал, дастлабки иши – мили қуйига қарата осилган милтиқни силаб-сийпалаш бўлди. Кейин бунга ҳам қаноат этмай, уни қўлига олиб кўрди. Агар ихтиёри ўзида бўлганида борми, катта йигитлардек, уни елкасига илиб чиқарди-ю, лекин бу қилиғи онасига ёқмаслигини билгани боис, бу шаштидан қайтди.

У аста ташқарилади.

Бундай қарасаки, қозон тўла сутни шопираётган онасининг нечундир зардаси қайнаброқ турибди. Бола кўпроқ момоси қучоғида ўстанлиги учун азалдан онасига бақамти келавермасди. Ҳозир ҳам унинг кўзига кўрингиси келмай, ўтовнинг сўл қанотидан секин айланиб ўтди-да, ўтов ҳамда қўтон оралиғидаги кафтдек яланглиқда қурилган ўрмак белидан ҳатлаб, қўтонни тугатиб, эндигина қўрани супурмоққа киришган опаси қошига борди ва паст овозда сўради.

– Опа, бояги... чиндан-да жондормиди?

– Нима, гумонинг борми? – деди Барно юмушдан бош кўтармай.

– Мен уни... итга ўхшатдим-да...

– Майли, унда ит бўлақосин.

– Опа, сиз билан ҳазиллашаётганим йўқ!

– Сен билан ҳазиллашишга менинг ҳам вақтим йўқ.

– Опа, кўп қонимни қайнатманг!

Бу гапдан сўнг қадини тиклаган қиз кўклам қуёшидан қорая бошлаган кулча юзини табас-сумга тўлдириб, вой-бўй, ҳали сен менга жаҳл қиладиган бўп қолдингми, дея унинг устидан кулмоқ истади. Бироқ қошида кўзларини ўқдек қадаб турган боланинг гезарган афти бунга монелик қилди. Қиз унинг бу қадар жиддийлигини

энди кўраётгандек, пича қараб турди-да, сўнг хиёл терсланиб деди:

– Ҳай-й, жондор ҳам дейлик, хўш?

– Нима, хўш? – бу сафар боланинг кўзлари бежо оловланди. – Агар у чинданам жондор бўлса, бу ердан изини қуритмоқ керак!

– Қандай қилиб?

– Қоқ манглайдан отиб! – деди бола ўтовдаги яроқни назарда тутиб.

– Осон экан-да...

– Нимаси қийин?

– Қўлингга ҳеч милтиқ тутганмисан ўзи?

– Мана энди, тутамиз-да!

– Тутмаганинг маъқул.

– Нечун?

– Нечунлигини, ана, энамдан, шомда отамдан сўрайсан...

– Ўзингиз айтсангиз пучуқ бўлиб қоласизми?

– Ҳа, пучуқ бўлиб қоламан.

– Опа, ачувимни қўзитманг! – бола овозини бир парда кўтарди.

– Қўзитсам, нима қилардинг?

Бола бу ёғини ўйламаган экан, не деярини билмай, бир муддат туриб қолди. Кейин оғирлигини у оёғидан бу оёғига ташлаб, ўнг муштини оғзига тутганча, аввал томоқ қириб, сўнг кетма-кет йўталган бўлди. Барно, кучинг дўқ қилишга етдимми, холос, дегандай киноямуз жилмайди. Бу болага оғир ботди. У урмоқ учун тош қидиргандай, беихтиёр, ён-верига алангларкан, шунда кўзи наридаги ўрмакка тушиб, зугумли оҳангда деди:

– Нима қилардим, анову ўрмак ипларини битта қолдирмай, кесиб ташлайман!..

Бу – боланинг қўлидан келиши тайин эди.

Бундан қиз ҳушёр тортиди.

– Энам терингни шилийди сўгин, – дея боши билан ўчоқ томонга имо қилди. – Қара, шусиз ҳам ачуви қўзиб турибди.

– Нечун?

– Қора товуқни тулки илиб кетибди...

Бола тошлардан наридан-бери тикланган каттакка, гўнг титкилаб юрган товуқларга боқаркан, ажабсиниб деди:

– Итларнинг кўзи қаёқда эди?

– Тулки сурув қўзғалгандан сўгин каттакка бош суққанга ўхшайди.

– Катак оғзини маҳкам бекитиб қўйиш керак эди, – деди бола қора товуққа ичи ачиб.

– Шунини унутибман-да, мен ўлгир...

– Энди энам этингизни нимталаса керак-ов.

– Йўқ, бир товуқ учун этимни нимталамайди.

– Унда нечун ачувланаяпти?

– Мендан эмас, тулкининг қилиғидан ачувланаяпти.

– Ёмон тулки экан лекин...

– Ҳа, ёмон экан...

Катакка бош суқмоққа ҳадди етган тулкига нисбатан газаби жўшган бола бир дамга жондорни унутди. Товуқ ўғрисини қидириб, аввал атрофига, сўнг водий теграсидаги маҳобатли тоғларга – шимолий ва жанубий довонга, боя йиртқич изсиз ғойиб бўлган арчазор қиялик ва унинг тепасидаги қояга, ҳали тўла бош кўтариб улгурмаган тонгги қуёш нуридан манглайи ёришган мағрибдаги чўнг қояларга, кенг ўтлоқнинг олис пучмоғида нуқтадек қорайиб турган отаси сурувига бир-бир кўз ташлаб чиқаркан, пировардида, теваракка чалғиб, тулкини эсдан чиқарди.

Борлиқ ғоятда тароватли эди.

Борлиқ ғоятда фусункор эди.

Борлиқ теран сукунат оғушида эди.

Бола бунинг барини кўради, аммо заррача ҳис этмайди.

Қайтага сукунат юрагига мисли тошдай оғир ботади.

Бундан қалби беҳад ўртанади – наҳотки кузгача шу сукунат оғушида қолиб кетса?

Бунақада сиқилиб, адоий тамом бўлади-ку!

Бола шу ўйда шимолий довонга ғамнок боқади: вожаб, тунов кунгина мана шу тоғ ортида жўралари билан маза қилиб тўп тепиб юрган эди-я. Кеча эрталаб эса тўсатдан бобоси: “Ов-в, сенам кап-катта йигит бўп қолдинг, бориб, яйловга эл, отангга бел бўсанг-чи, қачонгача орқа этаги тугилган боладай, момонг қучоғидан чиқмай юрасан”, дея отда уни яйловга ташлаб кетди. Бола, ўтган йилгидек, бу гал ҳам ўзининг сеvimли овунчоғи – коптогини унутмади, ўзи билан олиб келди. Ана, турибди ўтов биқинида, ташландиқ бир буюмдек. Дарвоқе, бу ерда уни ким билан ўйнайди? Анову йиғлоқи укаси ёхуд тонгдан шомга қадар ўрмакдан бош кўтармайдиган манову бодомқовоқ, сертабас-сум опаси биланми? Йўқ, тўп суришда иккиси ҳам рақибликка ярамайди – болага эса худди ўзидек чапдаст шерик керак. Бу камдек, онаси нечундир коптогини жинидан баттар ёмон кўради, кеча уни хуржундан олаётганида, энсаси қотиб, бежо қараб қўйган.

Бир пайт ўнг томонида “дўп-дўп” этган эластична шовурни эшитиб, бола илкис ёнига ўгирилди ва ўтов қаватида гимирлаб юрган онаси томондан атай тепиб юборилган тўпни, дик-дик сакраган кўйи, қуйидаги сойлик сари думалаб бораётганини кўрди.

Аёл ўтиш-қайтишига халақит бергани учун эмас, бу лаънати коптокка нисбатан ўелининг меҳри ҳаддан зиёдалиги туфайли, болани ундан қизганиб тепганди. Бир хаёли, уни ёниб турган ўчоққа тикмоқчи бўлди-ю, бироқ ўтган йили айна шу қилиғи боланинг яйловни тарк этиши билан якун топгани боис, бу гал оналик ҳиссиётига ортиқ даражада эрк бермай, коптокни тепиш билан чекланиб қўя қолганди. Коптокни ёқар бўлса, бола йўқ дардни ўзига чорлаб бўлса-да, бу ердан қорасини ўчиради. Аёл эса боланинг тоғу тошларга сингиб-сингишиб кетишини, ўғил боладай бўлиб, улар бағрида эмин-эркин тентишини, керак дамда отаси сурувини бемалол эплаб-сеплашини истарди. Аксига олиб, ўғли бу ерда ўзини худди бегонадек тутарди. Аёл – ўзи учун гоятда азиз бўлмиш бу яшил оламнинг ўғлига ола-була тўпчалик қадри йўқлигидан аламда эди. Шунинг учун тўп изидан чопиб бораётган боланинг ортидан қараб қоларкан, копток деган балони ўйлаб топганларни яниб, улар гўрига аямай ғишт қалай кетди.

Бола сойлик тубидаги тиканаклар орасида коптогини қувиб етаркан, алами тошгандан-тошиб, бу кеч ўзини атай касалга солиб бўлса-да, яйловдан кетмоқни маҳкам дилига тугди.

Нега энди ҳозир эмас, кечда?

Боиси ҳозир ўзини касалга солар бўлса, онаси, нима бало, бирор ёмон нарса еб қўйдингми, дея қатиқ ичиради, чалоп ичиради, оғзига ўқловдек қаттиқ бармоғини тиқиб, қайт қилишга мажбур этади. Отаси эса бунга сира изн бермайди: “Касал қўйга чўпон, бемор болага эса дўхтир қараш керак”, дея ортиқча шовқинсиз, зудлик ила отига мингаштириб, уни овул фельдшери бўлмиш Шаҳло аммасининг ҳузурига олиб боради. Бола кўзларини ёшлаб, ёлғондакам инқиллаб-синқиллаб, тоғда нечундир бошим гир-гир айланиб, нуқул кўнглим айнийверади, дея бўлса, бас – ҳар касал кўрганида, негадир доимо дарров жиддий тортадиган аммаси, ҳаммаси тушунарли, сенга тоғ ҳавоси ёқмас экан, дея болани момоси қучоғида қолдиради. Эртаси тонгдан эса уни дараклаб жўралари келишади, аввал майдонда обдон тўп суришиб, сўнг чуғурлашганча сойга энишади ва шу билан деярли кечга қадар ҳовли юзини кўрмайди.

Ойнагул момоси меҳрибон – салга қўлига хивич олавермайди.

Райимқул бобосига келсак, Шаҳло аммаси тагин жиддий тортиб, бир талай тушуниксиз тиббий ибораларни тилга олиб, боланинг соғлиғи хусусида пича “маъруза” ўқиса, тамом – қайтиб, “яйловга бор” демайди.

Энг муҳими, суюкли коптоги бу ердаги каби хор бўлмайди.

Оқшом – сурув қайтгандан сўнг, бола эрта-лабдан тузиб қўйган режасини эндигина амалга оширмоқчи ҳам эдики, қўшни отарлик Жовли чўпоннинг кутилмаган ташрифи бу ишнинг белига тепди. Қўноқ олдида инқиллаб ётишдан истиҳола қилган боланинг унинг кетишини кутишдан бўлак чораси қолмади. Аксига олиб, Жовли чўпон сира ошиқай демас, ҳар икки гапининг бирида “амаки” лаб, қошида ўтирган Чори чўпонга ўз дардини баён этаётгандек эса-да, аслида бутун эътибори Барнода эди. Кўз қирида ичкарига кириб-чиқиб турган қизга, киши билмас, зимдан қараб қўярди. Чамаси, қиз ҳам йигитга бепарво эмас шекилли, бошида янги қирмизи дурра, ҳар ўтовга бош суққанида, яноқлари алволаниб, кўзлари галати чақнарди.

Буни туйқусдан пайқаб қолган бола аввалига ажабсинди, сўнг опасини қўноқ йигитдан қизганиб, ўз режасини унутганча, одоб билан гурунг бераётган Жовли чўпоннинг барча пинҳона қилиқларини қаншари остидан кузатишга тушди. Кўп ўтмай, гумони чинлиги аёнлашгач, қўноқ йигитни жинидан баттар ёмон кўриб қолди: қани энди, бу ярамас тўп сураётганида ўзига рўбарў келиб қолса-ю, бошлаб чалиб йиқитса! Бола шу оташли ўйда, ўзига қарши майдонга тушган рақибининг куч-қудратини чамалаётган полвондай Жовли чўпонга бошдан-оёқ қайта кўз ташларкан, тезда бу хаёли пучлигини англади. Бир қарашда қўноқ йигит бўштоброқ кўрингани билан жуссаси пишиқ ва чайир эди. Одатда, бунақаларни тўп ўйини пайтида минг чалиб йиқитсанг-да, худди ҳеч нарса бўлмагандай, бир-икки думалаб, сакраб ўрнидан туриб кетаверади.

Бундан боланинг баттар алами қўзиди. У чеккасини қашлай-қашлай, бу ярамасни нима қилсам экан, дея лабларини маҳкам қимтиганча, ўтов ичига кўз югуртираркан, нигоҳи керагада осигли турган яроққа тушгач, беихтиёр, қўйидаги тасаввурга эрк берди: у жийрон отда кунботишдан, чўнг қоялар ортидаги водийдан итдай суманглаб келиб қолган қўноқ йигитни яйловнинг бирор пучмоғида қўлга туширади-да, унга милтиқ ўқталиб, қани, отдан туш, қўлингни кўтар, дейди. Рақибни ўзига нисбатан ҳарчанд кучли бўлмасин, яроғ олдида мусичадай ожиз қолиб, сирғалиб отдан тушади-да, ҳатто сўз айтмоққа ҳадди етмай, дарров ҳар иккала қўлини

баланд кўтаради. Бола эса ҳаялламай навбатдаги буйруқни беради: “Қани, олдимга туш!” Бола шу созда Жовли чўпонни ўртадаги Кемтикқоя пойига қадар ҳайдаб боради-да, сўнгра момосининг бирда қўшни шўх йигитга қарата айтган сўзини тилга олиб, дейди: “Ув-в, суюқкўз! Гапнинг эркаги шу – бундан сўгин бу томонда ортиқ қорангни кўрмай! Агар тагин келар бўлсанг, билиб қўй, нақ манглайингдан отаман!” Қўноқ йигит ундан осонгина қутулганига минг бора шукрлар айтиб, Кемтикқоя сўл биқинидаги қуюқ тўқайзор оралаб кетган тор сўқмоққа ўзини урганча, қочади. Бола эса унинг кетидан осмонга қарата, бир-икки ўқ узган бўлади.

Ахир киноларда шундай қилишади-ку.

Бола бу ҳузурбахш қасосли ўйлар гирдобада ўзича тебраниб ўтирар экан, дафъатан қулоғига чалина бошлаган қаттиқ-қуруқ гап-сўзлардан хаёли бўлиниб, ҳушёр тортди.

– Ҳай-й, мақсадинг унинг бошига етишми, а?

– Ахир бизга кун бермай қўйди-да, амаки.

– Агар унга зиён етказар бўлсанг, сўнг қўшни жондорлар бизга кун бермай қўйиши мумкин-ку. Шунга биласанми сен?

– Уларниям битта қўймай қириб ташлаймиз.

– Сен бола, ёмон қирғич чиқиб қолдинг-ку, а!

– Кеча тундаям...

– Ув-в, менга қара! – Чори чўпон, босиқ феълига хилоф равишда, овозини янада кўтаради.

– Агар билсанг, чўпоннинг молида жондорниям ҳаққи бор, улуши бор. Бир-иккита молинга жондор қотингани билан қуриб, камбағал бўп қомайсан-ку ахир!

– Тўғри-куя... – Жовли чўпон бош эгиб, ияк силаб, аввал кўрсаткич, сўнг бош бармоғи билан бурун қашлаб, хўрсинган бўлади. – Барибир одамга алам қилади-да, амакижон.

– Ҳай-й, отанг раҳматли яқин жўрам эди...

– Чори чўпон ёмондан-ёмон тўнгланиб, ёнидаги бахмал лўла болишдан бирини тиззасига олиб, унга ўмров тираркан, ҳар бир сўзини салмоқлаб-салмоқлаб, этни жунжиктуривчи бир оҳангда дейди: – Жондорни деб, энди ули билан ёвлашар эканмиз-да!

– Э, э, ундай деманг, амакижон, ундайлар деманг! – Жовли чўпон чотидан ари чаққандай, бир сапчиб тушаркан, айни шу дамда тўгарак оқиш патнисда нон ва ширинликлар кўтариб кирган Барнога ер остидан кўз ташлаб қўйишни унутмаган ҳолда, дейди: – Сиздек отақадрдон билан ёвлашмоқдан Худонинг ўзи асрасин! Сиз бизга... отадек яқинсиз, амакижон!..

Бу гап-сўзлардан боланинг дастлаб англаб

етгани шу бўлдики, бугун тонгда ўтов ёнидан, онаси айтганидек, қурсоғини лорсиллатиб ўтган жондор тунда қўноқ йигитнинг икки ойлик бузоғини бўғизлаб кетибди. Бир оздан сўнг бола яна қизиқ ҳолдан огоҳ бўлдики, дам-бадам қўшни отарларга оралаб турадиган ўша йиртқич отаси молига асло қотинмас экан. Табиий, бу – бола учун ҳеч қутилмаган синоат эди. Пировардида, унинг ақли шошиб, ҳайрати ошиб, қўноқ йигитга нисбатан бўлган ўтли адоватини буткул эсидан чиқарди.

Қизиқ, нечун бу жондор отасининг молига қотинмайди?

Бола қиз ва йигит ўртасида пинҳон кечаётган сирли “мулоқот”га ортиқ аҳамият бермай, тобора қизгин ва қизиқ тус олаётган гурунгни тинглашда давом этди.

– Отанг раҳматли Сурбўри галасини қуришиб, кўп хато иш қилганди-да лекин...

– Айтманг... – Жовли чўпон чуқур сўлиш олади. – Аммо отамнинг эмас, Ҳайдар амакимнинг иши бу...

– Билмадим, аммо-лекин молига қотинмай, чет-чақадан улоққан жондорларниям қотинтирмай келарди...

– Шундай-шундай...

– Лекин менинг шўримни қуриитарди...

– Шундайми?

– Шундай.

– Энди сизнинг Бойбичангиз бизнинг шўримизни қуридаяпти...

– А, энди чидайсан-да...

– Шу-у дейман, амаки, – Жовли чўпон муҳим гапни айтмоқчидай томоқ қиради, – бу жондорга бошқача бир ном топсангиз бўмайдимми, а? Бойбича... қулоққа қандайдир галатироқ эшитилади-да...

– Бу номни янганг топган, – Чори чўпон қулади. – Менга қолса, уни “Кулбет” деб атардим.

– Бу... “ака”дан кўра, қанжиғи... Бойбича пешкироқми дейман?

Узун қиш кечалари бўрилар хусусида гурунг кетганда, айрим ёши улуг кишилар “жондор” ўрнига, нечундир андак ҳурмат, андак эҳтиром билан, “ака” сўзини қўллашларига кўп бора гувоҳ бўлган эмасми, энди гап қандайдир арлон бўри томон нишобланганини бола зумда фаҳмлайди.

– И-и, “ака” бўмай ўлсин у! – Чори чўпоннинг зардаси қайнаб, сўкинган киши бўлади. – Ҳалиям ёшлиғи борми, ё бўган бўлдиғи шуми, қанжиғига қарашмайди. Болаларининг бор ғам-ташвиши ёлғиз Бойбичанинг елкасида...

– Болаларини деб ҳеч бир балодан тап тортмайди денг?

– Шундай.
 – Аввал йўғиди бу...
 – Ҳа, ўтган кўкламда пайдо бўлди.
 – Сурбўри тирик бўлганида, ўлақолса буларни доритмасди...

– Ҳа, асло доритмасди.
 – Энди қадри ўтаяпти...
 – Қадри ўтаяптими? – Чори чўпон истеҳзоли кулимсирайди.
 – Ҳа, жуда ўтаяпти.
 – Сигир этини заҳарлаб йўлига ташлаган, бензин сепиб, уясига ўт қўйган ким? – дейди Чори чўпон чақиб олувчи оҳангда. – Ўзларинг-ку! Яна нимадан хафа бўласилар?

– Айтдим-ку, бари амакимнинг иши деб.
 – Ҳим-м, қиларини қип, яйловни булгаб-сулгаб, сўгин ўзи қочиб қолди де?
 – Ҳа, чорва бизга тўғри кemas экан деб, қайта чўлга жўнаворди.
 – Тутуриқсиз одам эди...
 – Гапирманг...
 – Бойбичага келсак...
 – Шундан гапиринг.

Бу гурунг овулдаги кечки суҳбатлардан тубдан фарқ қиларди. Бунда гап бўриларнинг қонли қилмишлари ҳақида эмас, уларнинг ўзига хос фаройиб табиати, феъл-атвори хусусида борарди. Суҳбат асносида бола қуйидаги гапдан янада тўла воқиф бўлдики, айрим жондорлар, минг бора оч қолса-да, ўзларига тегишли ҳудуддаги чорвага қотинмаганидек, уни ўзга бўрилардан тик туриб ҳимоя қиларкан. Агар тонгдаги воқеага гувоҳ бўлмаганида, бола бу гап-сўзларга икки дунёда ҳам инонмасди. Аммо ўз кўзи билан кўрдик, онаси койиб эркалаган Бойбича отлиг жондор на сойлик тубидаги молларга, на қантаригли тўриққа, на қўрадаги ушоқ жониворларга, на қўтонни супуриб юрган Барнога қия боқди. Қўшнилардан бирининг синашта, ювош итидай, шундоқ ёнларидан ўтди-кетди. Қўшни отарлардан улуш олиб турадиган бу жонивор ёлғиз эмас, ўзига нисбатан анча ёш, ўйинқароқ арлони ҳамда тоғнинг кунчиқишидаги ўнгирилларда бир талай болалари бор экан. Мабодо, Жовли чўпон унга заррача озор етказар бўлса, отаси қўноқ йигитни у дунё-бу дунё кечирмас экан.

Катталар гурунгини жон қулоғи билан тинглаётган болага “Бойбича” сўзи ёқмай, бора-бора гашига тега бошлади. Наздида, бу ном келбати гоятда келишимли жониворга сира мос тушмаган, уни хиралатиб тургандек эди. Шу боис, бу жондорни бўлакча номлаш керак, деган фи-

крга келди. Бироқ ҳар қанча бош қотирмасин, миясига дурустроқ бирор ном келмагач, қошлари тугун тортиб, ўйга чўмди. Ана шу пайт тўсатдан Жовли чўпон забонидан ёқимли бир ташбеҳ юзага қалқиди-ю, бу ибора болага жуда ёқиб тушди. У иборани ичида бир неча марта такрор этаркан, бу суҳбатнинг бош ва асосий мавзуси бўлмиш Бойбича унинг тасавурида бутунлай ўзгача маҳобат касб этгандай туюлди. Бола энди жондорни шу ном билан аташга жазм қилди.

Эна бўри!!!

Боланинг тасаввур этгани шу бўлди: – Бойбича – тили заҳардан аччиқ қўшни қиз каби кўримсиз.

“Эна бўри” эса жуда улугвор эди!

Бойбича – кечаёқ халижойга айлантириб олган ўтов ёнидаги қоятошлар мажмуаси каби ғариб.

“Эна бўри” эса – ҳар тонг қуёшнинг илиқ нурларини кенг манглайи ила қаршилайдиган магрибдаги юксак қоялар янглиғ чўнг ва маҳобатли эди.

Бироқ қизгин суҳбат тагин ини теварагида лўмбиллаб ўйнаб юрган бўри болалари томонга қиялагач, секин-асталик билан шўхчан бўри-ваччалар боланинг бутун ўй-хаёлини забт этиб, сира кутилмаганда юрагида қуйидаги иштиёқ алангасини ўт олмоғига сабаб бўлди: “Қани энди, бўри болаларидан бирини қўлга киритсам! Уни асраб, ўзимга ўргатиб олсам! О-о, шунда жўраларимнинг бари ҳавас ва ҳасаддан хом тарвуздай думалаб-думалаб қолишарди-да ўзиям! Айниқса, тўп ўйнаётган пайтимда уни майдон чеккасидаги маймоқ тутга боғлаб қўйсам, ўйиндан сўгин уни кўча-куйдан етаклаб ўтсам... ўҳ-ўҳ, тозагина зўр иш бўларди-да ўзиям!”

Бу ўйдан сўнг боланинг тасавурида шу манзара жонланди: ана, ўша бўривачча ҳовли юзида суюкли ити Қўнғироқ билан ўйнашиб ва қувлашиб юрибди. У эшикда кўриниши билан Қўнғироқ, одатдагидек, унга талпинади, атрофида чир айланиб, ирғишлайди. Буни кўрган бўривачча ҳам эркаликда ундан қолишмасликка тиришади ва оқибат, болани қизганишиб, иккиси бир-бири билан юмдалашиб кетади. Бола, ҳай-ҳай, деганча бирини ўнг тиззасига, иккинчиси сўл тиззасига олиб, обдон силаб-сийпалайди ва эркалайди. Бунинг натижаси ўлароқ, бўривачча ҳам, худди Қўнғироқдай, ёт деса – ётадиган, тур деса – турадиган жониворга айланади.

Бола шуларни хаёлидан ўтказар экан, ҳа-жондан юраги қинидан чиқар даражада ҳа-

прикиб, бу ниятини кимгадир жуда-жуда ошкор этгиси келди. Бироқ соддадил Ойнагул момосини ҳадеб алдайверганидан, қувлик бобида анча-мунча пишиган эмасми, бир амаллаб ўзини босди ва ичидагини ташига чиқармасликка қарор қилди, яъни орзусини бобоси каби ими-жимида амалга оширмоқни маъқул топди. Чунки бобоси бирор-бир маъқули йўқроқ ишга қўл урар бўлса, аввалига ўша ишни адо этиб, сўнг тиш ёрар ва минғирлаб койинишга тушган кампирига ишора қилиб, мана силарга тайёр радио – ўзи гапириб, ўзи тинади, дея невараларига шўхчан кўз қисиб қўярди.

Эшикда катта сопол лаганда таом кўтарган Барно пайдо бўлгач, Жовли чўпон манглай қашлаб, панжалари орасидан тагин қизга сирли қараш қилди. Кейин бунга қаноат этмай, бошидаги дўпписини энсасига суриб, қайтадан бошига қўндираркан, бу сафар, гўё эшикка қараган киши бўлиб, бот қизга кўз ташлади. Барно ошиқ йигитнинг яширин боқишларига нисбатан беэътибор эмаслигини англагандек, яноқлари янада баттар пуштиланиб, майингина жилмайиб қўйди. Бутун фикр-ёди бўри боласида бўлган бола буни сезмади. Атиги ярим соатгина бурун ҳеч нарса емай ва ичмай, ўзини касалга солмоқчи бўлганини мутлақо унутган кўйи дастурхон четидаги қошиқлардан бирини қўлига олиб, ҳамма қатори зўр иштаҳа билан таомланишга тушди. Бола энди яйловни тарк этишни эмас, аксинча, эртаси тонгда жондор изидан соядай эргашиб, арчазор қиялик тепасидаги қояга кўтарилиш ва йиртқичнинг қайси ўнқир-чўнқирга қайрилишига қараб, унинг инини аниқлаш ўйида эди. Боя Жовли чўпоннинг хиёл катта кетиб: “Аслида жондор инини топиш менга чўт эмас, бир лаҳзалик иш. Аммо-лекин сизнинг иззатингизни қип, бу ишга қўл урмай турибман-да, амакижон”, – деган гапидан ўзича пишанг олган эмасми, бу иш жуда жўн туюлмоқда эди. Бунинг устига, ўтган йили кўкламда яқин жўраси Элёр билан Катта-жардан тулки инини қидириб топиб, болаларини қўлга киритган эмасми, бу ишда ўзини ғоятда омилкор санарди. Эсида, ўшанда жарлик тубидаги торгина инни теша билан кавлаб, кенгайтириб, еттита тулки боласини қопга жойлашса ҳамки, хўрак илинжида даштга изғиб кетган тулкилардан дарак бўлмаган. Шунга кўра, бола қуйидаги хаёлда эди: “Жондор деганиям тулкидек бир гап-да, аввалига инини аниқлаб, сўнг бирор ёққа гум бўлишини пойлаб туриб, бир уринсам, битта боласи меники-да!”

Бола эмасми, бугун гурунгда эшитганларидан ўзича хулоса чиқариб, назарида, бўриларни

беш қўлдай билиб олгандек эди. Ҳолбуки, у ҳеч вақони, жумладан, ҳаминша турли гирди-балолардан, чунончи, отасининг сурувидаги итлардан ҳам четланиб юришнинг обдон ҳадисини олган Бойбича – энди Эна бўри – мағрибда қомат кериб турган чўнг қоялар ортидаги қўшни водийга бош суққан кезларида, мабодо, изига ярим тунда қайтар бўлса, яйловнинг жанубий этагидан, яъни-ким жанубий доvon пойи бўйлаб машриқ томонга чўзилиб кетган Илондара ёқалаб, агар тонгда – отаси суруви қўзғолгандан сўнг қайтмоғига тўғри келиб қолса, ўтлоқнинг шимолий сарҳадида қўнқайиб турган ўтовни ёнлаб ўтишини ва ўз навбатида, жониворнинг бу “эркалиги” онаси Сарагул туфайли бўлиб, улар ўртасида юзага келган бу ўзига хос “дўстлик” инсон ва ёввойи жониворлар орасида камдан-кам ҳолларда рўй берадиган фаройиб ҳодиса эканини, табиий, билмасди.

* * *

Аёл Эна бўрига илк бора ўтган йили кўкламда дуч келганди.

Ўша кунни эндигина яйловга кўчиб чиқишган бўлиб, ўтов чўпларини тиклаш ҳамда оғир кигизларни тортишга озми-кўпми қарашган Чори чўпон боясароқ сурув изидан кетган, қайнотаси бошчилигида қолган майда-чуйда юклар билан ана-мана келиб қолиши лозим бўлган қизи ва ўғилчасидан эса ҳалича дарак йўқ – ўтовда Сарагулнинг ёлғиз ўзи эди. Аёл ҳар кўкламда такрорланмиш бу юмушнинг обдон ҳадисини олган эмасми, ўзга бировнинг кўмагига эҳтиёж сезмай, ўтовнинг кам-кўстларини тўғрилаш билан овора эди.

Сарагул бошқа юклар қатори ўтов ташқарисида турган чий тўпларидан бирининг ипини бўшатаркан, ногаҳон нақ энсасида қандайдир ўткир нигоҳни ҳис этади. Ажабсиниб, аммо ўта хотиржамлик билан ортига ўгирилади ва сўлдаги қоятошлар биқинида чўнқайиб, чўғдек ёниқ кўзларини ўзига ўқдек қадаб турган Эна бўрини кўради. Аммо ўтовда туғилиб, ўтовда ўсиб-ўлғайган ва ҳали-ҳанузгача йилнинг илиқ фаслини овулидан йироқда – тоғу тошлар бағридаги кенг яйловда ўтказиб келаётган Сарагул ўз умри давомида бу каби бўриларга дуч келавериб, кўзи пишиб кетган эмасми, турган гап, пинагиниям бузмади.

Инсон ва йиртқич бир-бирига тикилганча туриб қолишди.

(Давоми 36-43 бетларда)



Усмон ҚЎЧҚОР

1953 йилнинг 15 июлида Бухоро вилоятининг Шофиркон туманида туғилган. Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ)нинг филология факультетини тугатган.

Шоирнинг “Ҳаяжонга кўмилган дунё”, “Аксиз садолар” (1986), “Уйкудаги минора” (1987), “Оғир карвон” (1991), “Чамангул”, “Широқ” каби шеърый китоблари чоп этилган. Буюк муҳаддис бобомиз Имом Бухорий ҳазратлари ҳақида “Имом Бухорий” номли шеърый драма ёзган.

Усмон Қўчқор озарбайжон адибларидан Хусайн Жовиднинг “Амир Темур” ва “Шайх Санъон” драмаларини, Жалил Маммадулизода-нинг қисса ва ҳикояларини, Юсуф Самад ўғлининг “Қатл куни”, Анорнинг “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати” ва бошқа асарларини ўзбек тилига таржима қилган.

Шоир 2017 йил 21 сентябрда Тошкент шаҳрида вафот этди.

* * *

Мовий дунёлардан б-р насим келур,
 Нами б-р насимга қаваси келур.
 Мисоми б-рда менин, руҳи учадир—
 Мовий дунёлардан нафаси келур.

Менин хатирогим — дамидан келди,
 Ёшим Берабардир Мўён ёмиса.
 Лекин ҳаз Беравва қарай олмади
 Хушроғимни ҳар билса шу бошга.

Туллар фозилини англадики, бас,
 Тили қил тоғлинига чиррали бугун?...
 Нам кифракда синги қилок бошмас,
 Менин қил фраси туғилур, туғи.

Тиллар гаҳвал бошир, туларда торош,
 Сегоҳ оҳангиде эсади насим...
 Қил бу дунёда яшаман узоқ,
 Қил бу дунёдан қилок нафаси.

Усмон Қўчқор

5/10, 86

Усмон Қўчқор адабиётимизда, хусусан, шеърятимиз ва таржима санъатимизда ёрқин из қолдирган шоирларимиздан бири.

Усмон моҳир таржимон эди. Халқимиз онгини ўстирадиган, миллий тушунчани шакллантирадиган асарларни таржима қилгани билан кўпчиликнинг ҳурматини қозонди. Юсуф Самадўглининг “Қатл куни” романи, Хусайн Жовиднинг асарлари фикримиз далилидир. Усмон озарбайжон адабиётидан қилган таржималари билан ўзбек-озарбайжон адабий алоқаларини яна бир поғона юксалтирди.

Усмон билан тенгдош, фикрдош, йўлдош эдик. Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида, “Жаҳон адабиёти” журналида бирга ишладик. Билимли, ис-

теъдодли, виждонли муҳаррир эди. Бу уч фазилати билан у ҳалол нон топди, оиласини боқди, адабиётимизга, матбуотимизга, халқимизга хизмат қилди. Усмоннинг бошқалардан фарқи ана шу уч фазилатида деб биламан ва шунинг учун доим уни ҳурмат қилганман, қадрлаганман. Туркистон адабиёти, туркий дунё адабиёти деб яшаган Усмон бир чоғлар: “Мовий дунёлардан нафасим келур...”, деб ёзгани каби нафаси энди самовийлашди, мовийлашди.

Дўстимни Аллоҳ раҳматиға олган бўлсин.

Тоҳир ҚАҲҲОР

She'riyatga baxshida umr



Абдулла Орипов ўзбек шеърлятига бениҳоя катта ҳисса қўйди. Шоир ўз сўзи, овози, руҳи билан замонавий шеърлятимизни янгилади, десак, ҳаг муболага бўлмайдди. Унинг шеърларида гуқур фалсафийлик, исёнкор руҳ, эл-юртга муҳаббат, диний-ахлоқий теранлик, миллий гурур тинордек бўй кўрсатиб туради. Истибодод қилиги қайралиб турган замонда у баралла “Ўзбекистон – ватаним маним” деди. Шу боис ўзбек халқининг улуғ фарзанди Илом Каримов бир сўзида шоирни эъозлаб, “Абдулла Ориповдек шоир юз йилда бир марта тугилади” деганди.

Абдулла Ориповдан адабиёт ихлосмандларига, ўзбек халқига элликка яқин шеърлий тўплам, иккита драма, бир қанга жасҳон шоирлари ижодидан қилинган таржималар қолди. Шоир устоз сифатида кўплаб ижодкорларга оқ йўл тилади, унга эргашиб бир нега шоирлар ўзбек шеърлятини гўзал асарлар билан бойитди. Шоирга бағишлаб тенгдошлари, шогирдлари кўплаб шеърлар, бағишловлар ёзди. Ана шундай шеърларни эслаганда, албатта, Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиеванинг сатрлари ёдга тушади:


Шундай. Турли ларзалардан тирилмоқда томиллар,
Мозийга-ю, руҳ игига кирмоқда бир пок нурлар.
Ота Турон даштларида бош кўтарар гурурлар,
Битта синмас гурур Сенсан. Тилло оғам сен менинг,
Қодирининг ўрнин босган Абдулло оғам сен менинг.



Навқирон фасл.
1965 й.

Абдулла Орипов – шоир!
Шоир бўлганида ҳам анов-ма-
новлардан эмас. Худо бутун
қилиб берганлардан. Зўр!

Миртемир



Мен шоирман,
истасангиз шу...
1991 й.

Абдулла Ориповнинг шеъриятимиз осмонида пайдо бўлишини
гақмоққа ўхшатадилар. Тўғри! Аммо гақмоқ ўғади, қудратли
нур согган истеъдод эса – умрбоқий! Абдулла Орипов шеърия-
тини момақалдиросқа ўхшатадилар. Рост. Аммо момақалди-
роқ гулдириси тинади, қалбларни мафтун этган шеърияти-
нинг садоси эса абадий!

Иzzат Султон

Шеъриятда кутилмаган янги нафас пайдо бўлди. Томгини кузатган бўлсангиз,
тўлишганидан кейин томади. Абдуллажоннинг шеърлари ҳам ана шундай.
Олдин сўзма-сўз, сатрма-сатр юраги қонида қайнаб пишади.

Абдулла Қаҳҳор

Шеър ўқиган ёш йигит –
Абдулла Орипов ҳақиқий
шоир! У ўзбек халқининг
ифтихорига айланади.

Расул Ҳамзатов

Ўзбекларга хос донишманд-
лик, бағрикенглик, хоки-
сорлик ва андиша Абдулла
Орипов поэзиясига сингиб
кетган.

Евгений Евтушенко



Расул Ҳамзатов ва
Давул Кугултинов билан. 1980 й.

Давлат мадҳиясини яратиш камдан-кам
ижодкорга nasib этадиган бахтдир. Абдулла
Орипов ҳар бир ўзбекистонлик қалбидан жой
олгани шубҳасиз.

Лойиқ Шерали



Шоир хаёл огушида.
1970 й.

Эскирмас, тўзимас
сўз соҳибларидан бири
Абдулла Ориповдир.
Унинг илк шеърлари
халқ қалбида қандай
акс-садо берган бўлса,
энг янги сатрлари ҳам
шундай сеҳрли қудрат
билан жаранглаб ту-
рибди.

Эркин Воҳидов



Миртемир, Ибройим Юсупов ва
Эркин Воҳидов билан. 1978 й.



Ботир Зокиров билан.
1976 й.



Пирмат Шермухамедов, Омон Матжон, Муҳаммад Али, Матёқуб Қўшжонов, Норбой Худойберганов билан. 1976 й.

Абдулла Орипов шеъриятида мен фикрнинг салмоқдорлигини, образларнинг оҳорли, қуймалигини, ўқувчини зериктирувчи тор маъноли қизилсўзликдан холиликни кўрдим. Ёш шоир сўзнинг ифода кугини беҳато сезади, ҳаётни ўз бўлишига, уни ўзига хос янги назар билан кўради. Ўзбек шеъриятини янги катта истеъдод билан қутласа бўлади.

Қайсин Қулиев.
1970 йил

Абдулла Орипов – Ватан куйгиси. У Ватанни борлигига, бутун гўзаллиги билан бирга кўради. У Ватаннинг ўтмишига назар ташлаб, толеи ўнг келмаган юртини, жабрдийда халқини, бугунги кунига назар ташлаб, яшнаётган шаҳар ва қишлоқларни, буюк ишларни амалга ошираётган халқини кўради.

Матёқуб Қўшжонов



Чингиз Айтматов билан. 1996 й.



Онажон халқим .
2011 й.

Абдулла Орипов ўзбекнинг энг катта шоирларидан биридир. Абдулла Орипов – замонавий ўзбек шеърятига юрак, руҳ ва маъно олиб кирган улуг зот.

Усмон Азим



Мен шоирман,
истасангиз шу...
1992 й.

Шеър ва умр ҳикмати элу юрт ташвишлари, орзу ва мақсадлари билан яхлит ва муштарак ҳолда яратилсагина — у келар авлодларга ҳам татиғулик кўлам, залвор ва маъно касб этади. Бундай шеърлар эскирмайди, вақт ҳам уларга ўз ҳукмини ўтказолмайди. Истиқлол даври иншоотлари қаторида шеърятни кўргондай ярқираб турган, янги тарихимизнинг илк қаҳрамон шоири устоз Абдулла Ориповнинг серфайз, баракали ижоди бунга мисол бўла олади.

Сирожиддин Саййид



Устоз ва шогирд.
2011 й.

Буюк деган атамани кўпам ишлатгим келмайди. Аммо Абдулла акани “буюк истеъдод” деб бемалол аташга ҳет нарса монелик қилмайди. Истеъдод сифатида ҳар қандай сифатлашларга дош берадиган асарлар ёздики, бу ўзбек адабиётининг XX асрадаги ёрқин намунаси бўлиб қолди.

Назар Эшонқул



Шоир оила даврасида. 1989 й.

Ғиёсиддин ЎНАРОВ тайёрлади.

(Давоми. Боши 24-31 бетларда)

Эна бўри аёлнинг неқбинлигини сезганидек, Сарагул ҳам чўнқайган жониворнинг келишган келбатига, салқитиб қизғиш кўксига, дам ўтдек чўеланиб, дам маъюс тортиб турган кўзларига синчков боқаркан, унинг бу ҳудудга бегона, сигинди эканини дарров илғади ва кўнглида жондорга нисбатан ҳамдардлик ҳиси чечак отиб, ҳа-а, ётликдан ёмони йўқ – кўринган қорадан ҳадик тортиб, доим жонинг ҳалакда юради, дея ўйлади. Айни шу пайт, гўё аёлнинг кўнглидан нелар кечаётганини уққандай, йиртқич, беихтиёр тарзда, секин нола тортди – гингшиди. Бундан аёлнинг кўнгли янада юмшаб, уни эркалаб деди:

– Ҳа-а, Бойбича! Бола-чақам деб тиним билмай човуб юрибсанми?!

Бу гапидан сўнг жониворнинг таранг вужуди андак бўшашиб, чўғдек ёниқ нигоҳи юмшаганини аёл зумда пайқади. Ўз навбатида, бирдан ирими эсига тушиб қолиб, кутилмаганда, муроди ҳосил бўлганидан ичида суюниб, жониворга меҳри ийиб қаради. Бу қарашига жавобан Эна бўри яна бир бора гингшиб кўйди-да, кейин ўтовни бамай-лихотир ёнлаб ўтиб, тўғри арчазорга шўнғиди.

Шу ўринда, Сарагулнинг иримчилиги хусусида тўхталар бўлсак, гап шундаки, яйловда, айниқса, кўчунинг дастлабки кунларида бўрига рўпара келишни, яхшилиқ ва омад белгиси, деб билади.

Бу одат – унга онаси Сожида кампирдан ўтган.

Онаси яйловга кўчиб чиқишлари биланоқ ўтовдан хиёл узоқлатиб эчки боғлаб кўярди. Сўнг тунда юз бериши лозим бўлган жараёни интиқла кутиб, сергак ётарди. Агар кутилган ҳодиса тезда рўй беравермас, тонг-азондан жаврашга тушарди: “Нима бало, жондор зотига қирғин келганми, а?!” Кечда сурувни иниси Тўрғинга қолдириб, эрталаб уни қабул қилиб оладиган, яъни ўрин алмашадиган отаси – Бўри чўпон йўлга отланаётди: “Ҳа-а, ириминг қурсин сени-я!” – дея онаси устидан ошкора мазахлаб куларди. Бошда не гап-сўзлигини тузук англаёлмай юрган Сарагул қизалоқ ойдин тунлардан бирида ниҳоят ўша ҳодисага илк бора бевосита гувоҳ бўлади – аввалига отасининг уйқусираб тўнғиллаб сўкиниши, сўнг онасининг ҳаяжонли шивири қулоғига чалинади.

– Ана, ака келди, ака келди!

Катталар қатори чий тирқишидан ташга мўралаган тийрак қизалоқнинг кўзи эчки бўйнидаги арқонни тишлаганча, думи билан уни ҳайдаб бо-раётган бўрига тушади. Бу орада Сожида, уйқуси

бузилганидан норози эрининг тўнғиллашларига ҳам эътибор бермай, қувончдан энтикиб, дейди:

– Худого шукр-эй! Ана, аканиям кўрдик, садақасиниям бердик!

Сарагул онаси каби ҳар баҳорда жондорга “садақа” бермаса-да, аммо яйлов аҳлидан фарқли ўлароқ, йиртқичларга ғаним кўзи билан қарамайди. Мабодо, кўчув бошида бирор жондорга дуч келиб қолар бўлса, иримчилиги туфайли, бундан ҳаммиша боши кўкка етади.

Бу – унинг онасидан орттиргани.

Бўри чўпондан олгани эса – ҳозирда ҳам ҳар қандай асов отни салт минишдан сира ҳайиқмайди, шунингдек, ҳар қандай чигал масалада тез ва аниқ қарор қабул қилишда унча-мунча эркакни бир чўқишдаёқ қочиради.

Хуллас, Сарагул ўзининг ўктам ва шаддоо феъли, чўрткесарлигию ва тўғрисўзлиги, аксарият аёлларга хос бўлмаган ўткир ва виқорли қарашлари билан ҳаммага бирдек маъқул бўлавермаганидек, ўзи ҳам одам боласига нисбатан, жониворларни кўпроқ хуш кўради. Жондор зотининг тантилигига тан берганидек, айёрлиги вадидан тулкиларни ёқтирмайди, бу уйинг куйгурлар, серкусур одамдек, на яхшини, на ёмонни билади, нафси йўриғида кўзингга чўп суқишдан ҳам тоймайди, дейди. Шунга қарамай, бу айёр жонзотга сира ёмонлиги йўқ. Аммо тўриқни миниб, яйлов кезинмоқни истаб қолса, қаршисидан чиққан тулкини, олдига солиб қувламасдан тинчимайди. Аслида тўриқ от – Чори чўпонники, аммо яйловда кўпроқ унга Сарагул эгалик қилади, томоғига ўзи қарайди. Шунингдек, шикаст еган қўй-қўзилар бўғзига ҳеч қачон дарров пичоқ торттирмайди, қўлидан келганча ўзи муолажа қилади. Қизиғи, ҳар шомда сурув итлари уни ўлгудек соғиниб қайтишади, қўй-қўзилар қўтонга етиб улгурмай, улар аёл томон мисли ўқдек учишади, бир-бир суйкалишмасдан нари кетишмайди. Азонда Сарагул, борақолин-глар, демагунча бирортаси сурувга эргашмайди, худди нимадандир умидвордай, тайсаллаб тураверишади.

– Сенда қандайдир бир сеҳр бор... – дейди Чори чўпон бунга кўриб.

– Томоғига қараган мен, – дейди гоҳида Барно қизи ўпкаланган бўлиб. – Буларингиз нуқул сизга интилишади. Ишқилиб, буларни жоду-подулаб қўймаганмисиз, эна?

– Ҳа-а, чиндан-да, энангда сеҳр-жоду бор, – дея Чори чўпон кулган бўлади.

– Мен ҳам шу ўйдаман, – дея уни қувватлайди Барно қиз.

Аёлда эса, ҳеч қанақа сеҳр-жоду йўқ, шунчаки борлиққа нисбатан, онамерос, беқиёс меҳр бор. Табиатан камдан-кам одамлардагина мавжуд бўлмиш бу ноёб “меҳр” – аёл ботинида вулқон янглиғ оташланиб, мавжланиб, кўз илғамас ёғду каби, жисми-жонидан теваарак-атрофга мудом таралиб тургани сабаб, жонивор зоти борки, бари унга талпинади. Меъёридан ошиқ эркаламаса-да, сурув итларининг аёл атрофида гирдикапалак бўлиши ёхуд ўтов теграсида умргузаронлик қилувчи турли ёввойи жонзотларнинг дам-бадам чийиллаб, чирқиллаб, ўзларининг мавжудлигидан огоҳ этиб туришининг асл боиси шудир. Айниқса, аёл ўтовда танҳо қолган кезлари гаройиб бир ҳолатни кузатмоқ мумкин: бундай пайтда сойлик тубини макон тутган юмронқозиқлар бемалол қўтон томон ўрлаб, ўчоқбошида сариқ илонлар ўрмалаб, ўрмак гирдида тошбақалар судралиб, қиялик этагидаги буталар ва тиканаклар орасидан хуркак товушқонлар мўралаб қолади. Бироқ ҳамиша юмуш билан банд бўлмиш Сарагул бунга кўпда аҳамият бермайди, табиий ҳол деб билади. Мабодо, шунчаки иш орасида қўтондан берман ўтиб, ўрмак ёнида гуддаймоққа журъат этган бирорта юмронқозиққа “кишт” деяр бўлса, жонивор қочмайди, салгина нари жилган бўлиб, тагин қоққан қозиқдай қўққайиб тураверади. Аммо бу ҳолат жуда муваққат – ўтовга кимдир ташриф буюриши билан бирдан бари тезда эски ҳолига қайтади – юмронқозиқлар қуйига эниб, бошқа турдаги жонзотлар, ерга синггандай, бир онда кўздан ғойиб бўлади. Аёлдаги бу ғайритабиий кучни ўшанда Эна бўри ҳам туйганди.

Аммо, энг ачинарлиси, ёввойи жониворлар ҳис қила билган бу кучни бола туймайди, қайтага онасидан қаттиқ чўчийди. Бундан ташқари, овулидан айро тушгани сабаб, бола тевааракка ўта бефарқ – уни на тўрғайлар саси, на жимитдек чумчуқлар тўполони, на ўзга бир нуқтага қадалиб тургандек бўлса-да, аслида кўзи остидан ўзи томон яқинлашаётган кимсанинг бор хатти-ҳаракатларини зимдан кузатмоқни ғоятда қойиллатадиган соқчи юмронқозиқ қувлиги, на тиканаклар орасига бекинишга улгурган товушқонни тутаман дея, бекорга тумшугини яралаб олган шошқалоқ тулкиларнинг нодонлиги, на ҳудуд таллашиб, жанг олдидан худди аскарлардай саф тортган айрим турдаги чумолилар ҳаракати қизиқтиради. Бобоси отда яйловга ташлаб кетган дамдан бошлаб, кўзлари мунгланиб, қандай бўлмасин овулга қайтишдан бошқасини ўйламайди.

Буни аёл сезади.

Бундан аёл қаҳрланади.

Бугун ҳам ўғли шу ниятда қандайдир найрангни ўйлаётганини Сарагул шомдаёқ пайқатганди. Афсуски, бола қорин чангаллаб, афтини тириштиришга улгурмай, Жовли чўпон келиб қолди-ю, аёлнинг диққат-эътибори боладан қўноқ йигитга кўчди. Бежизга эмас – Жовли чўпон зарурат юзасидан қадам ранжида қилгандек эса-да, аммо тоғ шароитига у қадар мос тушмаган ораста энгил-боши, ўта ҳафсала билан қиртишланган ияги, бурқсиб турган чучмол атир ҳиди ҳамда у келиши билан дарров ўзгариб қолган Барно қизига, киши билмас, ер остидан боқишлариданоқ унинг не ниятда ташриф буюрганини дарҳол сезганди.

Бундан аёл мийиғида кулди.

Уч кун бурун қўноқ йигит отда қўра ёнидан ўтаётиб, қизидан улоққан қандайдир жонлиқлар хусусида уни-буни сўраб-суриштирганида ҳам аёл худди бугунгидек кулганди. Зеро, чўнг қоялар ортидаги яйловдан улоққан жонивор зоти икки дунёда ҳам бу томонга ўрламаслигини, улуғлар тугул, увоқлар ҳам яхши билади-да.

Жовли чўпоннинг ташрифи аёлга жиндек малол келган эса-да, барибир йигитни тўғри англашга уриниб, ўзича оқлаган бўлди: ахир яйлов овул эмас-ку, бирор-бир овлоқда юзлашиб, юрагингдаги борини тўксанг. Бунинг иложини тополмагач, мана, жондор баҳона, юзига кул сепиб бўлса-да, қўноққа келиб ўтирибди. Шунга қўра, аёл таомни хиёл кечиктириброқ сузди, ўзининг ўткир қарашлари билан йигит бечорани ноқулай аҳволга солмаслик важдан ўтовга бош суқмади, ўз навбатида, қўноқ йигитнинг гапларига лаққа тушиб, жаҳл билан Эна бўрини ҳимоя қилмоққа тушган эрининг соддалиги устидан узун енгини лаб-лунжига босиб, елкалари силкиниб-силкиниб, роса кулди.

Аёл қалби шуни сездик, бу кеч йигит йўлини топиб, қизига нимадир дейди, қиз ҳам шунга қараб ўз жавобини айтади. Кейин кун оралатиб, қўшни отардан совчилар келади. Қиз томон эса, одатга кўра, атай жавобни дудмол қилади. Совчилар кетгач, аёл қизнинг кўнглига аста қўл солган бўлади. Зеро, бунга асло ҳожат йўқ – қизи тушмагур бекорга бошига янги дурра ўрамади, бекорга кўзлари ёниб-ёлқинланиб, ўтовга кириб-чиқмаяпти. Сарагул барини сезиб турган эса-да, ўзини билмаганга олади. Қозон бошида у-бу тотинган бўлиб, тўнкарилган эски челақка чўкканча, осмон тўла юлдузларга термилиб ўтиради.

* * *

Бу пайтда Эна бўри ини жойлашган ўрлик гирдида жуфти Тархашни кутиб, хайкалдай чўнкайиб турарди. Жонивор бу ерга қуёш ботиши олдидан кўтарилган бўлиб, унганча кўкиш, силлиқ тош сахнида сочилиб ўйнаб юрган болаларининг ҳар бир хатти-ҳаракатини меҳр-ла кузатган кўйи сокин чўзилиб ётган, ўнгир нишоблигидаги буталар орасида эса ушбу бўриваччалар отаси бўлмиш Тархаш ҳалигача қайнаб қуйилмаган жуфти оғзидаги оғоч билан андармон бўлиб, ўз майлида тентираб юрарди. Кейин у бирдан ғойиб бўлиб қолди. Эна бўри жуфтнинг қаён жилганини аниқлаш ўйида ўнгир тепасига кўтарилган ва ҳидидан кунчиқишдаги бутазор оралаб кетганини аниқлагач, кўнгли жойига тушиб, овга отланишдан аввал унинг йўлига кўз тикиб турган жойи эди. Кутишидан мақсад, зора ҳамроҳ бўлса, деган умидда эди. Бироқ Тархаш ҳамиша ҳам унинг райига юравермайди, мустақил тентишни яхши кўради. Бу камдек, болалари билан мутлақо иши йўқ – ўзини эндигина кучга кирган ғўр жонивордек тутади.

Эна бўри унинг мана шу аҳмоқона феълидан – билиб-билмай, бирор фалокатни бошлаб қўйишидан доимо ҳадикда юради. Чунки ҳудудида “одоб” доирасидан четга чиқишда хавфли нуқталар мавжуд бўлиб, ана шундай нуқталардан бири – Сувлиқсой водийси эди. Агар Эна бўри хушёр турмаса, нодон жуфти ўртадаги омонат чизиққа – одатда, инсон ақли ва жониворлар фаҳм-фаросати туфайли юзага келадиган муҳим “битим” га даҳл қилиб, яйлов эгалари мол-ҳолига қотиниши, пировардида, Чори чўпонни ўзларига қарши қилиб қўйиши мумкин эди. Бу – болалари тақдирига ниҳоятда масъул бўлган Эна бўри учун фожеадан бўлак нарса эмасди. Афсуски, ҳалига қадар ўзини жиловламаган, боз устига, номига яраша хийла қайсар бўлган Тархаш кўни-қўшликнинг бу каби ўзига хос нозик сир-асрорларини тўла идрок этгиси келмас – қимирлаган жон борки, барига ўлжа сифатида қарарди.

Эна бўри Тархашнинг кўз очиб кўргани бўлиб, жуфтига нисбатан анчагина ёш ҳамда нодон эди. Нодонлиги боис кўкламда Чори чўпоннинг молига човут солмоққа бир неча марта уриниб кўрган ва ҳар сафар қанжигининг жиддий қаршилигига дуч келган. Айниқса, ҳафта бурун юз берган тўқнашув ғоятда кескин тарзда кечди – Эна бўри томонидан аёвсиз таланган Тархашнинг биқин ва яғринини ўткир тиш излари тилимлагандек, бу жангда қанжиги ҳам ўз насибасини олмай қолмади. Бу хил олишувларда Эна бўрининг

ягона устун жиҳати – болалари ҳаётига хавф солиши эҳтимоли бўлган ҳар қандай ножўя амалга жон-жаҳди билан қарши турар, яъни ундаги оналик ҳисси, шусиз ҳам табиатан кучли бўлган жондорга янада катта қувват бағишларди.

Бу воқеадан кейин Тархаш ўзича аразлаб, бир неча кун ўнгирда қорасини кўрсатмади, тоғнинг кунчиқиш тарафида ўз насибасини териб-тергилаб юрди. Бироқ ёлғизлик ёхуд соғинч туйғуси қор қилдими, кеча у яна юз кўрсатди. Эна бўрини тевараклаб, айланиб-ўргилиб, бир амаллаб қанжиги кўнглига йўл топди. Болаларига эса, одатдагидек, қайрилиб ҳам қарамади. Юқорида бирров тилга олинганидек, Тархаш ҳалича ўзини ота сифатида ҳис эта билмас, топганини жигилдонига уриб, ўз майлида суманглаб юраверарди. Магар Эна бўри ўрнида одам боласи бўлганида борми, ўз оиласига нисбатан бу қадар бепарволиги учун уни юмма талаган, болалар ташвиши, нима, ёлғиз менинг бошимдами, дея оҳ-воҳ қилган бўларди. Бироқ одам боласига хос бу хил ёзғиришлар ёввойи жониворлар табиатига бутунлай ёт – борини бор ҳолича қабул қилиб, кўникиб кетаверадилар. Шунга кўра, боя Тархашнинг ғўр жониворларга хос қилиқларини тинчгина кузатиб ётаркан, Эна бўрининг бирдан-бир ўкинчи – аввалги жуфти Сўпоқни қўмсаш ва соғиниш бўлди.

Сўпоқ жанубий доvon ортида воҳасининг етакчи жондорларидан бири бўлиб, кичик тўдани бинойидек бошқариб келарди. Эна бўри эса ўша тўданинг эрка ҳамда ақлли маликаси эди. Бироқ ўлгудек қаттол Сўпоқ бу “малика”нинг фаҳм-фаросатини чангда қолдириб, ҳамиша ўз йўриғида иш тутар, яъни воҳа аҳлини қон қақшатиб, қўрадаги жонлиқларни бекордан-бекорга, эрмакка бўғизлаб кетаверарди. Ва табиий, айни шу нарса тўданинг бошига етди – водий аҳли уларни йўқотишга аввал ўзлари уриниб кўришди, эвини қила олишмагач, қўйисойлик икки овчини ёллашди ва бу икки овчи ваъда қилинган мукофот эвазига бундан аввалги қишнинг қоқ чилласида тўдани тутдай тўкиб ташлашди. Бу қиргиндан омон қолгани шу – биргина Эна бўри бўлди. У тўдасидан айрилгач, улоғиб ва сулоғиб, бу томонларга келиб қолди-да, Сўпоқдан орттирган сўнгги зурриётларини Тошлидара қиялиги белида сўппайиб турган улкан қоя – Бургутбоши пойидаги кавакда танҳо ўзи дунёга келтирди. Ёлғизлиги қор қилдими, ё болаларининг ташвиши жиддий таъсир этдими, Эна бўри шу қисқа давр ичида ҳам жисмонан, ҳам ақлан янада пешланди ва секин-а-сталик билан бу ҳудудни тамомила ўзиники қи-

либ олди, эринмай сарҳадларини белгилаб чиқди ва натижада, машриқдаги қорли тоғлар этагидан тортиб Сувлиқсой водийсидаги чўнг қояларгача, шунингдек, шимолий ва жанубий довоннинг маълум бир қисми унинг ҳудудига айланди. Эна бўрининг бахтига бу томонга дам-бадам бош суқиб турадиган Сурбўри тўдаси сал бурун мавҳ этилган бўлиб, энди бу ҳудудда унинг ҳукмронлигига монелик қилиши мумкин бўлган кучнинг ўзи йўқдек эди.

Бироқ шундай куч бор эди.

Бу куч кўклам кунларидан бирида тўсатдан ўзини намоён этди.

Ўша куни шимолий довоннинг сербута тизмалари бўйлаб тентинган ва топган ўлжаси билан курсогини чала-ярим тўлдирган Эна бўри тушдан ўтиб, Сувлиқсой водийсининг шимолий-шарқий этагидаги тор дарадан яйловга бош суқаркан, яшил кенглик марказида ёйилиб юрган сурувга кўзи тушиб, ҳанг-манг туриб қолди. Ахир бугун эрталаб ўтлоқда жон асари йўқ эди-ку, булар қаердан пайдо бўлиб қолди? Шу дамгача у турли ертешар жонзотларга бой бўлмиш яйловда эмин-эркин кезинарди. Энди бу ҳолга чек қўйилгани ва яшил водий одам боласи томонидан банд этилганини дарров англади. Унинг шарқий дўнглик ёқалаб олға жилмоқдан бўлак чораси қолмаганди. Эна бўри ини томон элтувчи энг яқин йўналиш – қияликдаги арчазорни қоралаб олға жиларкан, кутилмаганда қоятошлар мажмуаси ортидаги ясси дўнгликда, худди осмондан тушгандай, қўнқайиб турган ёлғиз ўтовга дуч келди.

У қўнқайиб турган ўтовдан эмас, унинг тўсатдан қаршисида пайдо бўлиб қолганидан бир лаҳза эсанкираб қолди. Кейин эса, одатига кўра, аввалига ҳид олиб, сўнг теваракка зимдан назар солиб, ўтов қаватида азалий ва абадий ганими эрмиш итлар бор-йўқлигини аниқлаган бўлди. Бир оздан сўнг ўтовда, назарида, жон асари йўқдек туюлиб, чеккадаги харсанг пойига чўнқайди. Бир хаёли, иссиғи борида, ими-жимиди изига қайрилиб кетмоқчи ҳам бўлди. Бироқ англари сиз бир куч негидир жойидан жилмоғига изн бермай турарди. Бу ёғига не қиларини билмай, тараддуланиб турганида, шу пайт ўтовдан бир аёл чиқиб келди-да, ҳали ичкарига ташиб киритилмаган юклар ёнида тўхтади. У собиқ жуфти Сўпоқдан пайт пойламоқнинг обдон ҳадисини олган эмасми, аёлни кўргач, ошиқишга ҳожат йўқлигини фаҳмлади. Чунки, ўз тажрибасидан шуни яхши биладики, одам боласи итдек сергак эмас, гоҳо у тумшуғи тагидаги қорани ҳам дарров сеза олмайди.

Бироқ аёл итдан сезгир чиқиб қолди.

Нигоҳлар тўқнашди.

Бу хил кутилмаган дамларда, одатда, ҳамиша қуйидаги икки ҳолатдан бири кузатилади: ё одам боласи қўрқувдан мисли тарашадай қотади, ё худди жин чалгандай, “жондор-жондор”, дея дарҳол шовқин кўтармоққа тушади.

Аммо бу дафъа на униси, на буниси юз берди – аёл хавfli йиртқичга эмас, гўё олис отардан адашиб-улоқиб келиб қолган, айна тобда андак меҳрга муҳтож абгор итга боққандай, шундай бир хокисорона қараш қилдики, унинг назаридан Эна бўри илиқ бир тафтни туйгандай бўлди. Бунинг устига, ёлғиз бошига болалари ташвиши зиёдалиқ қилиб, шу кунларда жони азобда юрган эмасми, атиги бир лаҳзадан сўнг аёл кўзларида ошқора жилоланган қувонч учқунлари қатори, ундан уфураётган бўлакча бир тафтни ҳис этиб, беихтиёр, ғингшиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Бирор муддатдан кейин аёлнинг, таҳдиддан бутунлай йироқ, эркаловчи овози қулоғига чалинган эса, Эна бўри навбатдаги илиқ тўлқин – тафтни бу гал нақ юрагида туйди.

Бу ўринда, яна шуни айтиш керакки, агар ҳозир қаватида жуфти Сўпоқ турганида борми, турган гап, Эна бўри аёл ботинидан балқийётган фаройиб бу илиқликни ҳис қилмаган, тўдабошининг ёвуз қатъиятига итоат этган ҳолда аёлга ганим кўзи билан боққан бўларди. Сўпоқ тўдаси одам боласига бирон марта тажовуз қилмаган эса, аммо инсон қавми бу ёруғ оламда энг қудратли, энг хавfli ганим эканини Эна бўри яхши билади. Бироқ некбин қарашли аёл билан бўлган бу учрашув жониворнинг шуурига фавқулодда кескин таъсир этиб, шу кезгача юраги тубида тўнғиб ётган муҳим бир табиий йўриқнинг қайта жонланмоғига сабаб бўлди.

Хўш, бу қандай йўриқ?

Табиатдан маълумки, аксарият йиртқичлар ўз ҳудудидаги чорвага тиш қайрамаслик, яъни қўни-қўшничилик муносабатига дахл этмаслик йўриғига деярли ҳамиша амал қилиб келади. Бу эса кишилар орасида жондор зотининг ўзига хос мардлиги ва тантилиги хусусида турли гап-сўзларнинг тепчимоғига асосий сабаб бўлиб келади.

Аслида-чи?

Аслида, бу йўриқнинг бош омили – хавфсизликдир. Ақл-идрокли жониворлар, асосан тажрибали тўдабошилар бунга доимо риоя қилиб келади. Ўз навбатида, бунинг акси ҳам кузатилади.

Энди Эна бўрига келсак, жониворнинг онг-шуурида азалдан, яъниким табиатан мавжуд бўлган бу йўриқ Сўпоқнинг ёвуз феъли важдан,

тўнғиб, юраги қаърида муз қотиб ётарди. Буни қарангки, ушбу “муз” аёл ботинидан қалқиган илиқ тафтга бардош беролмади – “эриб”, қайтадан жонланди. Бу жонланиш туфайли, Эна бўри инсон қиёфасидаги қудратли кучнинг хавfli ганимга эврилиш ва эврилмаслиги кўп жиҳатдан ўзига боғлиқлигини идрок этаркан, аёл қошида кўп қотиб турмай, иззати борида, ими-жимида қорасини ўчирмоғи лозимлигини англади. Ўтов соҳибасига нисбатан сира ёмонлиги йўқлигини намойиш этиб, жумладан, ўзи ҳам аёлдан бирор нохушликни кутмай, ўтовни ёнлаб, тўғри қияликдаги арчазорга оралади.

Бироқ Эна бўри бир нарсадан – бу рўйи заминда одам боласидан минг чандон қудратлироқ яна бир куч – табиий офат деган бало мавжудлигидан ҳали мутлақо беҳабар эди. Орадан ҳафта ўтиб-ўтмай, бу кучдан ҳам боҳабар бўлди. Даставвал инларини тарк этган теварақдаги майда жониворларнинг қаттиқ безовталанишидан ҳализамон

нимадир содир бўлишини сезгандай бўлди. Сўнг эса...

Бу пайтда Эна бўри курсоғини чала чайналган этга тўлдирган кўйи ини томон ошиқмоқда эди. Болаларини озиқлантириб, сўнг ўзи ҳам андак ором олиш илинжида эди. У тошлоқ муюлишдан жадал қайрилиб, эндигина инига рўбарў бўлган ҳам эдики, туйқусдан оёғи остидаги ер титраб, тоғу тошлар қасир-қусур қилганча, тебранмоққа тушди. Оқибат, кўчкилар кўчиб, улкан қоя – Бургутбоши пойи қияликдан қулаган тошларга тўлди ва Сўпоқнинг энг сўнгги зурриёдлари бўлмиш болалари унинг кўз ўнгида тошлар тагида қолиб, нобуд бўлди.

Бу пайтда қаватида Тархаш йўқ эди. Тархашни бу йилги қишда учратди. Аллақаердандир ёлғиз ўзи улоғиб келиб қолган ва ҳалича ургочи ҳидини туйишга улгурмаган бу бўз бўри Эна бўрининг дидига унчалик ўтиришмаган эса-да, аммо ўзидан насл қолдиришдек қудратли табиий майлга



бўйсиниб, Тархаш билан жуфтлашди. Зеҳи буталар билан қопланган ўнгир тўрида жойлашган уядаги бўриваччалар шу мослиқнинг биринчи зурриёдлари эди. Мана энди, ҳам болаларини ёлғиз ўзи парваришлас, ҳам Тархашнинг тайин-бетайин қилиқларига доимо кўз-қулоқ бўлиб юришга мажбур эди.

Эна бўри жуфтини кутишдан фойда йўқлигини англагач, тагин ёлғиз ўзи овга жўнаркан, бу сафар шимолий довонни мўлжал тортди.

* * *

Бола ичини ўтдай ёндираётган орзусига тезроқ етишмоқ ўйида арчазор қияликка ўрлаганида, эрталабки салқин эпкин тиниб, кўклам қуёши эндигина тоғу тошларни қиздирмоққа тушганди.

У ими-жимиди юқориларкан, пастда қолган энасининг ҳар лаҳзада “қаёққа” деб қолишидан ҳадиксираб, ўз навбатида, нима, мен сизга манқоси оққан боламидимки, ҳадеб босган қадамимни ўлчаверасиз, демоққа ўзини чоғлаб, гўё кимгадир иддио қилгандай, ўрланиб-сўрланиб борарди. Ҳолбуки, онаси айрим жонсарак оналардек ҳеч қачон унинг босган қадамини ўлчамас, шунга кўра, дилидаги режасини пинҳон тутган ҳолда, истаган бир баҳонани рўқач қилиб, қияликка тирмашмоқ учун онасидан бемалол рухсат олмоғи мумкин эди. Бироқ эсини таниши биланоқ, барча овул болалари каби ҳеч бир изнсиз қирма-қир, адирма-адир дайдимокқа одатланган эмасми, худди қиз бола каби онасидан рухсат сўрамоқни ўзига ор деб билди. Чунончи, у энди гўдак эмас, шу ёзда ўнни адоқлаб, ўн бирга қадам қўяди. Райимқул бобоси айтмишли, еттидан сакраб, саккизга манглай урган ўғил бола ўзини ҳақиқий йигит санамоғи лозим экан. Ана, отаси кечадан, яйловга қадам қўйганидан бери аввалгидек шунчаки “улим”ламай, оғзини тўлдириб “жигит” лаяпти-ку. Онасига қолса, у ҳалиям орқа этаги тугилган бола... Ахир бунга тоқат қилиб бўладими!

Бироқ у кутган кескин хитобдан ҳадеганда дарак бўлавермагач, бола ербағирлаб ўсган сербутоқ арча ёнида бир зумга тин олиб, ажабсиниб, қуйига кўз ташлади. Қарасаки, ўзи билан бировнинг иши йўқ, ҳамма ўз иши билан овора – онаси ўтовнинг ўнг биқинида, келинчалардай, ғайрат билан куви пишмоқда, ўрмак белига миниб олган Барно опаси қўлидаги оғоч қилични гурса-гурса уриб, ҳар галгидек, берилиб гилам тўқимоқда, йиғлоқи иниси эса ўтов биқинидаги коптокни мазза қилиб тепкилаш ўрнига, қиз боладайин, ўчоқбошида сермаланиб юриб-

ди. Буни кўрган бола дарров қуйидаги хулосага келди: “Бунақада икки тоғ ошиб кетсам-да, биров пайқамаслиги мумкин”. Бироқ чучварани хўп хом санаган экан – навбатдаги арча пойига етиб-етмай, керак онларда, кўзи қолиб, энсаси орқали кўра оладиган онанинг ўктам овози изидан қувиб етди.

– Бердиқул, кўпам олислаб кетма!

Буни сира кутмаган бола аввалига бир қалқиб тушди, сўнг қушдай енгил тортди, нега деганда, бу – “тушов” эмас, “изн” эди-да. Мана энди, ўнгу сўлига қарамай, бемалол шаталоқ отмоғи мумкин. Зеро, бугун тонгдан бери шунинг илинжида эди: дастлаб сурув ўрнидан қўзғалиб улгурмай, оёғига тўп тепадиган енгил ва қулай спорт пойабзалини кийиб, аввалига зўр интиқлик билан Эна бўри йўлига кўз тикди. Аммо йиртқичдан дарак бўлавермагач, ҳар сафаргидек, офтоб юз кўрсатмаёқ, қўтонни супуришга тушган опасига гўё қарашган киши бўлиб, астагина қўйнига қўл солиб кўрди. Қиздан Эна бўрини кунда эмас, ўзи хоҳлаган кунда ўтишини эшитгач, ҳафсаласи пир бўлиб, кўра деворига суянганча туриб қолди. Кейин ўзини қўлга олиб ва хаёлини бир ерга жамлаб, дастлаб қияликдаги арчазорга, сўнг унинг тепасида буржли кўҳна қалъа девори янглиғ бўйланиб турган қўнғир-қизғиш тусдаги қояга ғамнок термиларкан, ичидан қиринди ўтаётган эса-да, барибир болаларча орзуланди. Қани энди, шу тобда Эна бўри ёнидан ўтиб қолса-ю, кечагидай қияликка ўрласа, ўзи эса уни қоралаб, албатта, сездирмай, изидан тушса-да, анави қояга кўтарилиб, унинг қайси ўру гўрга кирганини аниқлаб олса. Бола назарида, қоя орти ўрликлардан иборат бўлиб, бўри ини ўша ўрликлардан бирида жойлашганди.

Бола шунга умид қилганди.

Болага бу юмуш жуда осон туюлганди.

– Кўпам ичикаверма, – дея боланинг хаёлини бўлди Барно. – Эрта ё индин тагин ўтиб қолар. Билмадим, унинг нимасига бунча қизиқиб қолдинг. Менга ҳеч бир қизиқ жойи йўқ. Жондорлигини айтмаса, итга ўхшаш бир жонзот-да...

Опасининг бу қадар беписанд гапиришидан таажжубланган бола унга тикилганча, серрайиб тураверди.

– Сиз ундан ҳечам кўрқмайсизми? – деди сўнг тилга кириб.

– Нимасидан кўрқаман, – деди қиз уни баттар ажаблантириб.

– Чинданами кўрқмайсизми?

– Йўқ, ҳечам кўрқмайман.

– Энам?..

– Энам учун ҳам итдан нари-бери бир ҳай-вон-да, – деди қиз қайта ишга тутиниб. – Хоҳласа уришади, хоҳласа эркалайди... Қўрқма, у бизга қотинмайди.

Барнонинг бу гап-сўзларидан ўзича руҳланган бола бу гал қояга ўзгача бир нигоҳ билан боқаркан, Эна бўрининг ким-қачон ўтишини пойлаб-сойлаб ўтирмай, ҳозироқ қояга кўтарилишга аҳд қилди. Бироқ чатоқ жиҳати, бу ерни тоғу тош деб қўйибди, бу ишига онаси монелик қилмасмикан?

Бола бирдан сергак тортди, қизик, онасининг рухсат бериш-бермаслиги нечун шу пайтгача хаёлига келмади? Бу ҳақда нечун аввалроқ ўйламади?

Бунинг сабаби қуйидагича эди: ярим тунгача, кўзи илингунга қадар жажжигина бўриваччани ўйлаган, тушида эса уни қучиб ва эркалаб чиққан бола шу дамгача ўтли истак, оловли жаҳд оғушида эди. Бундан ташқари, омади чопиб, бугун бўри болаларидан бирини қўлга киритар бўлса, ўтовга қайтиб ўтирмай, тор дара орқали тўғри овулига жўнаб қолмоқчи эди. Жондор боласини кўтариб борар бўлса, бобоси, нечун яйловни ташлаб келдинг, демайди, қайтамга уни мақтайди. Момоси эса, турган гап, вой, менгина ўлай, бунинг каттаргач, ишқилиб, бизни еб-ютиб қўймайдими, дея оҳ-воҳ қилган бўлади. Хуллас, бўри боласини олиб борганлиги бирпасда бутун овулга гап бўлиб, у чинакам қахрамонга айланади.

Бироқ бу тонг Эна бўри қора бермагач, боз устига, опасидан унинг қачон ўтиши нотайинлигини эшитгач, барча режалари бир сонияда саробга айланиб, қайноқ жаҳди муз тортган ва оқибатда, эс-ҳуши жойига келиб, онасининг оловли феъли дабдурустдан эсига тушиб қолганди. Шунга кўра, нонуштадан сўнг дарров қияликка интилмади – шу атрофда тентиб юришига онасини кўниктирмоқ учун, ўзича, аввалига қоятошлар теварагида ўралашди, кейин бир неча муддат кўтонда ивирсиди, сўнг ёмғирдан кейин даштга қўзиқорин тергани чиққан болакайдай, бир майдон сойлиқда изғиди. Бир маҳал бундай қарасаки, нима қилиб нима қўйяпти, ўзи билан бировнинг иши йўқ – онасиям, опасиям ўзларининг кундалик юмушлари билан банд. Бундан боланинг ёмон ори кўзиди: “Нима, ўз эркида юролмайдиган ёш боламидим мен!” – дея қайта жаҳдланиб, қияликка тирмашган жойи эди.

Шунга қарамай, барибир онасидан хавотирда эди.

Мана энди, йўл очиқ – истаганча дайдиши мумкин. Бироқ бу – бемалол қояга тирмашавер дегани эмасди.

Шу боис, ниятини сездириб қўймаслик важдан, гўё шунчаки арчалар оралаган бўлиб, секин-аста юқорилай бошлади.

Бу орада дастлаб яқин туюлган қоянинг хийла узоқлигидан ажабланиб, тоғда ҳамма нарса яқин кўринади-я, деб қўйди.

Арчалар анча пастда қолиб кетган ўтовни кўздан яширишгач эса, илдамлашга тушди. Бироқ қиялик у юриб ўрганган қирлик эмас – юқорилаш хийла ноқулай эди. Бола паст-баланд арчаларни ёнлаб, катта-кичик тошларни оралаб, тиканакларга тилиниб, узоқ-яқиндан дам-бадамда сайраб қоладиган какликлар овозига чалғиб, ўт-ўланлар ораси турли ҳашаротларга мўллигидан ажабланиб, жадал юқориларди.

Қоя пастдан девордек тик ва текис кўринган эса-да, аммо юзаси энли-энсиз унгулар билан бежалган, ингичка йўлакчалар ила тилимланган экан. Бола дуч келган йўлакчалардан бирига дадил тирмашиб, зумда қоя лабидаги пакана арча пойига етаркан, қизиқсиниб ортига назар ташлади ва қуйидаги ўтовнинг яғир дўппидек жуда кичирайиб қолганини кўриб, аввалига ҳайрон бўлди, сўнг эса анча олислаб кетганини англади. Аммо ўтовдан узоқлаган эса-да, кўрада мўраётган бузоқнинг овози нарги бетдаги какликлар сайроғи каби бемалол эшитилиб турарди.

Бола бу ҳақда бош қотириб ўтирмади.

Зеро, йўқ-бор нарсалар ҳақида бош қотирмоққа на вақти, на тоқати бор эди. Боиси у ўзи учун бутунлай нотаниш бўлган олам бўсағасида турарди-да. Назарида, бугун тонгда кўриниш бермаган Эна бўри қоя тепасида чўзилиб ётгандек эди. Қисқаси, хаёлида турли нохуш ўйлар ғужғон ўйнамоқда эди.

Бола арча бутуқларидан бирини тутганча, қулогини динг қилди. Узун-қисқа йўталиб, тагин бир зумга тек қотди.

Бола андак чўчиб, ҳаяжондан тиззалари қалтираб, қоя лабига биринчи қадамни қўйди. Аммо салгина юрмай, яраланган қуш янглиғ ер қучиб ётган чоғроқ, кулранг қоятошга рўбарў бўлди. “Қуш”нинг ўнг қаноти иссиқ-совуқ таъсирида чатнаб, четлари уваланиб тушган қўнғир тусдаги ўртача харсанг ҳамда кичкина бутага тақалгани боис, бола оёғи остидаги майсаларни босиб-янчиб, сўл қанотдан айланиб ўтаркан, ўзи кутмаган ҳолда гирди ва юзасидаги тарам-тарам энли ва энсиз ёриқлари дағал майсалар билан қопланган оч қизғиш тусдаги ясси тош, аниқроғи, тошмайдон қаршисидан чиқди ва унинг бу қадар кенлигидан ҳайрати тошиб, вой-бўй, бемалол волейбол ўйнаса бўларкан-а, деб ўйлади. Тош-

майдон сахнига оёқ босгач, боядан бери юрагини гижимлаётган ҳадикдан асар ҳам қолмади.

Тошмайдон қоянинг энг юқори нуқтаси бўлиб, шимолда у қўшни қояга баҳузур елка тираган ҳолда жанубга томон секин-аста қияланиб, мағрибдан машриққа чўзилган жанубий доводон пойидан ўрин олган чуқур дара бўйидаги энсиз яшил сайхонлик сари, чамаси, бир чақиримча ўрқачлаб борган кичик тизма – арчазор қияликнинг давоми бўлмиш сербута дўнгликка ияк суяганди. Бу дўнглик Сувлиқсой водийси шарқий сарҳадининг маълум бир бўлаги, дара бўйидаги энсиз сайхонлик эса қўшни Бурмали водийга олиб кирувчи йўлак – “дарвоза”си ҳисобланарди.

Бола тошмайдонни илдам кесиб ўтиб, қуйида ястаниб ётган Бурмали водийга бетланаркан, кўз ўнгида намоён бўлган манзарадан юраги орқасига тортиб кетди. Бир-бирига мингашиб ва чирмашиб кетган катта-кичик тошлоқ дўнглик ва ўнгирлардан иборат мўъжаз водий бағри тик ва чуқур жарликлар билан ҳам бўйига, ҳам энига аёвсиз равишда тилимлаган бўлиб, рафтори совук, жуда совук эди. Бунга сира кутмаган ва ўзича бир текисда тарамлаган ўнгирларга дуч келмоқни ўйлаган бола бу нохуш манзара қаршисида донг қотди ва бағри чуқур жарликлар ила тилкаланган бу манзилдан жондор инини минг йилда ҳам қидириб тополмаслигига дарров амин бўлди.

Бола ваҳимали тарзда қорайиб турган чуқур жарликларга, улар тубидаги қуюқ буталарга, мисли қўриқчилардек қўнқайиб турган турли тус, турфа ҳажмдаги қоятошларга, қияланиб ва унгуруланиб тушган ўнгирларга бирма-бир боқаркан, умиди бирдан синган эмасми, водийнинг нариги бетини чегаралаб, кўндаланг тушган баланд дўнгликка, кўкиш ҳовур оғушида сирли йўсинда ястаниб ётган паст-баланд тизмаларга, олисдаги қорли чўқиларга руҳсиз назар ташлаб турган эдики, кутилмаганда кўзи водийнинг дара бўйи яланглигидаги кичик тепаликлар орасида гимирлаётган қорага, бу манзилда ҳаммиша мўлкўл бўлмиш семиз-семиз ертешар жониворларни овлаш дардида юрган Тархашга тушиб қолди. Агар у арлон бўрини тасодифан илғамаганида, жондор боласини қўлга киритмоқ ўзи ўйлаганчалик осон эмаслигини фаҳмлаб, бу ниятидан қайтган бўлармиди? Яна ким билади, ҳар ҳолда салдан кейин тепаликлардан бири ортида кўздан ғойиб бўлган Тархаш сабаб, бола қайтадан жонланди, Тархашни Эна бўри гумон қилиб, аҳ-ҳа,

мана, инни қаерда экан, дея ўзида йўқ севиниб кетди. Бироқ эрталабки оловли жаҳдининг акси ўлароқ, қуйига энмоқни хаёлига ҳам келтирмади. Ваҳоланки жондор дегани тулки эмас, бориб бемалол инига қўл тиксанг. Боз устига, ким қачонлардир жондорларнинг шўрини қуритган ва бу иши билан ҳозирга қадар давраларда мақтаниб юришни хуш кўрадиган қўшни овуллик Бойқул узуннинг гурунги, сира кутилмаганда лоп этиб эсига тушиб қолса бўладими: “...шу-у десангиз, бошда жондор уяси қаердалигини яхшилаб аниқлаб олдим, сўнг эртаси пана ерни танлаб, шамол кўзига тескари ётиб олдим. Совуқдан танам увишиб, қанча ётдим, билмайман, аммо-лекин бир кадича носни отиб тугатганим чин. Шу-у десангиз, бир маҳал жондорлар жўртиб овга жўнаб қолди. Қимир этмай ётавердим. Қачонки, жондорлар икки-уч газа ошиб кетганига кўнглим ишонгач, ё пирим дея, уясига аста уриб бордим, ўзим билган амални қўллаб, индаги болаларини битта қўймай қопга тикдим...” Воқеа давоми бўри болалари учун аянчли яқун топгани боис бола бу ёгини эслагиси келмайди: “Йўқ, жондор болаларига сира зиён етказмайман мен, – дея ўйлайди Бойқул узуннинг қилмиши учун кимдандир узр сўрагандай. – Менга фақат биттаси керак. Биттасини асраб олсам бас, қолгани билан ишим йўқ...” Бола шуларни хаёлидан ўтказар экан, бу орзу-ниятни йўлида сабрнинг этагидан маҳкам тутмоқни, тутганда ҳам қўшқўллаб тутмоқни юрагига тугиб, гўё ҳозир инни оғзида лўмбиллаб ўйнаб юрган бўри болаларини илғай оладигандек, кафтини манглайига тутганча, тепаликлар томон қайта-қайта назар ташлайди. Агар шу пайт онасининг хиёлгина эласланган чорлови тўсатдан қулоғига чалинмаганида, у ҳаливери ўрнидан жилмас, тураверарди тепаликларга тикилиб. Чорловдан сўнг дарров эс-ҳушини жамлаб, магар ҳозирроқ изига қайтмаса, кейинги уринишларига онаси жиддий тўсиқ бўлмоғидан хавфсираб, тезда изига қайрилди. Бунинг устига, бугунги ҳаракати бесамар кетмаганидан, яъни ўзича жондор инини аниқлай олганидан кўнгли тўқ, димоғи чоғ эди. Бунинг устига, баландликдан туриб, бундан сўнг онасининг кўзича қояга тирмашиб юрмай, қўшни водийга “дарвоза” орқали кириш мумкинлигини ҳам билиб олганди.

(Давоми келгуси сонда)

“Eng qayg‘uli shodlik”

Сайроқи қушни жуфтдан айириб олиб, қафасга солинса, олам-жаҳонга “ўт тутоштириб” нолаи афғон этади. Висолдан бебаҳра булбул ҳам ўз саодатини чорлаб куйиб-ёниб куйлайди. Биз, мусиқа шинавандалари атай “ижод” учун шароит яратиб, ҳажр кўшиғидан ҳузур топамиз, завқ орттирамиз. Инсонгарчилик-да...

Қизиқ, агар қушлар фароғатда яшаса, дилдоши ёнида бўлса, зинҳор сайрамай кўядими?

Васл сурури илҳом бермайдими?

Одам-чи? Нега куйлайди, не сабаб ўтли-ўтли шеърлар ёзади? Фақат дардманд кўнгилдан, армон ошно бўлган юракдан байт тўкиладими? Қувонч кўшиқларининг умри қувонч қадар қисқа бўларми? Билмаймиз, лекин бу жойда бошқа гап борлиги, **ихтиёрдан хориж таъсирот борлигидан сал-пал хабардорлигимиз бор.**

Олимжон Суяров бугунги шеъриятга ишонч билан ўз кўшиғини куйлаб кириб келаётган ёшларимиздан. У шеър тўқимайди, китобдан илҳом ўғирламайди, ўзи идрок қилмаган мавзуга қўл урмайди. Биз кўриб турган нарсаларга бошқачароқ қараб, бошқачароқ кўради ва ифода этади. Демак, Олимжон шеър йўлига тушиб олган, худо юқтирган ижодкор.

*Гўзал қиз, кел, шу сафар
Раҳм айла жонимга.
Пуфламоқчи бўлсанг гар,
Яқинлашма ёнимга.*

*Мен бир ёнгулик қолдим,
Шундан юрагим чўчир.
Сўнишимдан олдин сен
Лабларинг билан ўчир.*

Унинг куйинчак юрагида миллат дарди, ватан ишқи бор. Уни нотугал инсон қисмати қийнайди, замон жумбоқлари изтиробга солади, келажак қайғуси ўртайди.

Ҳа, шоирга ҳаётнинг ўзи дарду андуҳ тақдим этиб, эвазига шеър ҳосили олади. Бу инсониятга ато этилган толеъ, зеро шоири борлиги халқнинг бахтидир.

Мен катта севинч билан шоир укамнинг шеърларини Сизга тақдим этарканман, кўнглим нурланиб турибди – ана шундай ўктам, курашчан ёшлар бор, элнинг юки ерда қолмагай!

Олимжон узоқ йиллар халқ дардини ўз ғами деб билиб, юракларга учкуну чўғ солиб куйлаб юрсин! Сиз ҳам дуо қилинг...

**Иқбол МИРЗО,
Ўзбекистон халқ шоири**

Ayt, bahor, shodliging yangimi?

Тун

*Ярим тун, ёмғирлар тирнар деразам,
Туюлар шамолнинг тирноғи каби.
Гўё мен ўзимни тутиб бермасам,
Бостириб киргудай кўринар таъби.*

*Бутун нигоҳимни ойнага тираб,
Қишки дарахтлардай қолдим мунгайиб,
Нажоткор сўз излар лабларим титраб.
(Наҳот, ҳамон кўрқсам шунга улгайиб).*

*Яшириб не қилдим кўрқаман ҳамон,
Шу тун ваҳимаси уйқум ўғирди.
Ахир, олисдаги муштипар онам,
Тунги шамоллардан жуда гўғирди.*



Олимжон СУЯРОВ

1991 йили туғилган.
Гулистон давлат университетининг
ўзбек филологияси
факультетини
тамомлаган.

Баҳор

Сен отган гулларнинг тегаги
Аритар қаҳратон зангини.
Қиёфанг ҳамон шу – кезаги,
Айт, баҳор, шодлигинг янгими?

Табассум югуриб лабимга,
Дарахтдан излардим куртакни.
Сўнг таскин берганга қалбимга,
Овутиб қўярдим юракни.

Кунларга тарқатиб таскинлар,
Мен кутиб яшардим кўкламни.
Шаънинга ўқилди таҳсинлар
Ва гулга кўмдинг сен ўлкамни.

Шамолнинг ҳам силласи қуриб,
Дарахтни уйғон деб силташар.
Куртаклар кетади барқ уриб,
Юраклар гупирар, дил тошар.

Майсани оҳиста авайлаб,
Ёмғирни бир майин тўқардинг.
Қалбимга қувонглар жо айлаб,
Илк бора юракда кўқардинг.

Ари

Дераза олдида изиллар ҳамон,
Хонага қамалиб қолган бир ари.
Ўзини уради ташқари томон,
Аммо ҳег ўтолмас ойнадан нари.

Ҳадеб деразага бош ураверар,
Эркидан ажралиб қолган бу ари.
Лек фақат олдинга интилаверар,
Маҳкум бўлганини билгани сари.

Армон

Энди сени қилмам безовта,
Мени ҳам қўявер ҳолимга.
Ишқ ўтин қалаган косовда,
Чўпон бўлай бор армонимга.

Йиллар келар бўридек бўлиб,
Армонларим бир-бир гажийди.
Ёшланади кўзларим кўриб,
Нима қилай? Жоним агийди.

Ўртаса-да у фироқ дарди,
Йиллар этди баридан халос.
Мана, бугун соғ ҳам оқарди,
Лек битта армоним йўқолмас.


У титади юрак қўримни,
Кул игидан ҳамон гўё излар.
Йиллар бўлиб келган бўрини
Ўша армон бир-бир бўғизлар.

Юрагингиз кўзлаб қоқ,
Отган эдим найзалар.
Бу ўқларим энди, оҳ,
Ўз кўксимга қайтсалар.

Севгим изҳор айлашга
Нетай? Етмади қурбим.
Орзуларим алмашган,
Армондан қаср қурдим.

Дил ярам битмас ҳануз,
Нигоҳингиз ўқ урган.
Борай дейман-у, афсус,
Никоҳингиз ўқилган.

Qo'sh buloq



Самарот ул-машойих

Кўнгил ҳамиша ташна-дир. Ундаги бу туйғу адоқсиз саҳрода одимлаётган йўловчи чанқогининг эгизаги. Йўловчини бу қийноқдан сув қутқаради. Унинг ҳолини тавсифлаб, сўзамоллик билан ҳикоя қилса бўлади.

Бироқ кўнгил ташналигини тасвирлашга бу восита ёрдам бермайди. Бу туйғунинг ҳатто номи йўқ. Уни бирор сўз билан атаб ҳам бўлмайди. Баъзан у мени “Қумчўп ота”, “Лангар ота” даргоҳига етаклаб кетади. Кўҳна Насафда юрганымда, бағридан Турон шукуҳи кўкка ўрлаб ётган Бухоро кўчаларини яёв кезганимда, энгашиб Қора Ўкуздан сув симираётган Самарқанд ёнидан ўтаётганимда бу отсиз туйғу қиёфасини кўрсатади, гимирлаб қолади. Шунда уни нима қондиришини билгандай бўламан... У фақат маърифат булоғидан ризқланади, тинчланади. Фахруддин Али Сафий у отсизнинг насибасини “Ҳаёт булоғи томчилари” (Рашаҳот айн ал-ҳаёт) деб атайди. Бу булоқ атрофида ҳамиша Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс” (Дўстлик эпкин)

Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
Абу Райҳон Беруний номидаги
шарқшунослик институти катта
илмий ходими

ва Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” (Муҳаббат насими) эсиб туради. Бу асарлар халқимиз орасида жуда машҳур бўлган. Мутахассислар уларни тасаввуф тарихига оид тазкиралар дейишади. Бу туркумдаги китоблар XVII – XVIII асрларда ҳам ёзилган. “Улуғлар мевалари” (Самарот ул-машойих) асари улардан биридир.

Муаллиф: Муҳаммад Мирак ибн Азизон Хожа Мир ал-Ҳусайний, илм аҳли орасида Охунд Зинда Али муфти Вобкандий номи билан танилган. “Бухорий” нисбаси ҳам бор. XVII асрда яшаган ва “Самарот ул-машойих” асарини ёзган. Муаллифнинг бошқа асарлари тўғрисида ҳозирча маълумотлар етарли эмас.

Асарнинг аҳамияти: Унда XII асрдан қарийб XVII аср охиригача бўлган давр ораллиғида яшаб ўтган тасаввуф аҳли тарихи, улар қолдирган маънавий мерос тўғрисида қизиқарли маълумотлар тўпланган. Муаллиф мазкур асарини ёзишда ўзидан олдин ўтган ижодкорларнинг ишларини давом эттиришга ҳаракат қилганини таъкидлайди, Абдураҳмон Жомий номини ҳурмат билан ёд этади.

Тазкирада 268 нафардан ортиқ улуғлар тўғрисида маълумотлар бор. Матн кубровия тариқати вакиллари таржимаи ҳоллари баёни билан бошланади. Яссавия ва нақшбандия сулукининг Хожа Аҳмад Яссавий, Мансур Ота, Сулаймон Ота, Шайх Мавдуд, Шайх Худойдод Вали, Қипчоқ Ҳофиз, Азизон Пирим шайх, Шайх Поянда, Хожа Абдуллоҳ Барқий, Хожа Андоқий, Хожа Муҳаммад Самосий, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд, Шайх Яъқуб Чархий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор каби машҳур намояндалари қаторида номи бугунги кишиларга унчалик маълум бўлмаган тарихий шахслар, Надр Муҳаммадхон, Абдулазизхон каби аштархоний ҳукмдорларга оид ахборотлар берилган.

Туркистон ҳудудида яшаган сулук

аҳли таржимаи ҳоллари; тил, адабиёт, тарих, тасаввуф, фикҳ, ҳадис илмларида муаллифга қадар ёзилган асарлар; тарихий воқеалар; Хоразм, Бухоро, Самарқанд, Тошканд, Насаф, Термез, Кеш, Фарғона вилоятлари мавзелари, қадимий аҳоли масканлари номларига оид маълумотлар мавжудлиги асарнинг тарихий қимматини оширган. Тазкирадаги битиклар мамлакатимизда XVII аср аштархонийлар даври сиёсий ҳаётини ёритишга ҳам кўмак беради.

Асар ҳижрий 1091 йили (1680) ёзилган, қўлёзмалар хазинасида №1336, 2619-2, 3424-1 рақамлардаги нусхалари сақланади. №1336 рақамли қўлёзма маҳаллий қоғозга наस्ताълиқ хатида ёзилган, муқоваси қизил рангли, қаттиқ қоғоздан тайёрланган, 291 варақ (1^б – 291^б), 26,5x15,5 см. Саҳифалар Муҳаммад саҳхоф томонидан китобат қилинган. Матн олди варақларига (1^б – 4^а) мундарижа жойлаштирилган, анъанавий “бисмиллоҳ” дан сўнг асарнинг асосий матни (5^б) бошланади.

Шайх Ходим ва Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорга бағишланган

фасллар орасида (122^a) матн узилиши бор.

Бу қўлёзма нусха ҳижрий 1277 йили (1860-1861) котиб Ҳожи Муҳаммад томонидан кўчирилган.

Тазкира ўзбек халқи ўтмиши ва маънавий-маданий меросини ўрганиш, англашда муҳим аҳамиятга эга бўлишига қарамай, етарлича ўрганилмаган. Ундан фақат, баъзи мутахассислар тадқиқотларида югурик фойдаланган. Асарнинг ўзбек тилига таржима қилиниши ва нашр этилиши жуда муҳимдир.

“Тазкираи нақшбандия”


Кўнгил ташналигини қондирадиган маърифатнинг яна бир булоғи “Тазкираи нақшбандия” асаридир. Тадқиқотларда “Силсилаи хожагони нақшбандия”, “Тазкираи Тоҳир эшон”, “Тазкират ул-авлиё” номлари билан ҳам учрайди. Муаллиф юқоридаги мақолада қайд этилган тазкираларни муносиб давом эттирган.

Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти қўлёзмалар хазинасида муаллифнинг “Ал-абёт ул-нақшбандия”, “Ҳужжат ас-соликин ва роҳат ат-толибин”, “Рисола сайр илаллоҳ”, “Румуз ул-калом” асарлари ҳам сақланади.

Муаллиф: Муҳаммад Тоҳир ибн Муҳаммад Таййиб Хоразмий, XVII асрнинг иккинчи ярмида туғилган ва ҳижрий 1160 йил (1747) атрофида вафот этган. Хоразмнинг Хонақоҳ (ҳозирги Хонқа) туманидан эди. Ўз даврида тасаввуф ва адаб аҳли даврасида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлган.

Асарнинг аҳамияти: Унда илк ислом давридан 1747 йилга қадар юртимизда яшаган, турли соҳаларда фаолият юритган сулук аҳли ва олимлар тўғрисида маълумотлар йиғилган. Тазкирада 320 нафардан ошиқ улуғлар тўғрисида ахборот берилади. Муаллиф ўзигача ёзилган тазкиралардан ҳам фойдаланган.

Ўқувчи унда “Самарот ул-машойих” асарининг ажойиб тарзда давом этганини кўради. Асарда китобхонлар оmmasига таниш бўлган машҳур тарихий шахслардан ташқари, Муҳаммад Зоҳид Вахшуварий, Дарвеш Муҳаммад Шаҳрисабзий, Мавлоно Ҳожаги Имканагий, Боқибиллоҳ Деҳлавий, Шайх Аҳмад Сирхиндий, Ҳожи Ҳабибуллоҳ Бухорий, Хожа Вафо Бухорий Самарқандий, Ҳасанқули Хоразмий, Дарвеш Аҳмад Самарқандий, Оғойи Бузрук, Муҳаммад Ҳофиз Басир, Исмоил Фаркатий, Қози Омон Термизий каби тарихий шахслар, Субҳонқулихон, Убайдуллахонларга оид воқеалар қизиқарли тарзда ҳикоя қилинади. Айрим воқеаларда муаллифнинг ўзи ҳам иштирок этади. Муҳаммад Тоҳир Хоразмий кўплаб жойларда бўлгани, азизлар қабрини зиёрат қилгани, замонасининг зиёлилари билан суҳбатларини ёзади.



Қўлёзмалар хазинасида мазкур асарнинг №69, 75, 6832 рақамлардаги форсий, №7017-1, 856-1 туркий нусхалари сақланади.

№7017 рақамли қўлёзма маҳаллий қоғозга настаълиқ хатида ёзилган, муқоваси яшил рангли, қаттиқ қоғоз, 376 varaқ (1⁶ – 376^a), 35x21,5 см. Матн олди varaқларда (1⁶ – 4^a) мундарижа берилган. Анъанавий “бисмиллоҳ” дан сўнг асарнинг асосий матни (5⁶) бошланади.

Матннинг якуний қисмида муаллифнинг: “Фақир Муҳаммад Тоҳир айтурким, бу китобни Бухорода ибтидо этдим ва ҳам Бухорода тамом этдим”, қайди бор. Асар ҳижрий 1160 йили (1747) ёзиб тугалланган (376^a).

Ушбу нусха ҳижрий 1329 йили (1911) домулла Муҳаммад Яъқуб охунд Бешариқий томонидан Хива шаҳрида кўчирилган.

“Тазкираи нақшбандия” асарида тадқиқотчилар тез-тез мурожат қилиб туришига қарамай, ҳозирга қадар етарли даражада илмий ўрганилмаган. Унинг туркий нусхаларини кирилл, лотин ёзувларига ўтириш ва нашр этиш бугуннинг кечиктириб бўлмайдиган долзарб вазифаларидандир. Айниқса, айти кунларда юртимизда зиёрат йўналиши ва халқаро сайёҳлик ишларини йўлга қўйишда бу каби асарларга яққол эҳтиёж сезилаётир.

Кўнгил ташналиги... Уни қондирадиган ҳаёт томчилари қўл узатгудек ёнгинамизда. Уни кўриш, илгаш, қалбни у билан қувватлантириш учун энди, фақат ўзимиз ҳаракат қилишимиз зарур. Ушбу митти мақоламизга ўша ҳаёт томчилари дунёга келадиган қўш булоқ ҳақидаги қисқагина ахборотни жойлаштиришга уриндик. Ўзликни топиш йўлида бизни ҳали яна гаройиб асарлар кутиб турибди.



To'ylar solgan ko'ylar...



**Мунаввара
УСМОНОВА**

1965 йили туғилган.
Тошкент давлат
педагогика
институтининг
(ҳозирги Педагогика
университети)
ўзбек филологияси
факультетини
тамомлаган.
“Дийдор”,
“Сизга ўхшасин”,
“Соғинч манзили”,
“Юрагимдасан, Ватан”,
“Бундай элни қайдан
топасан”, “Керагимсиз”
каби шеърний
тўпламлари нашр
қилинган.
2013 йилда “Шухрат”
медали билан
тақдирланган.

Яқин бир танишимиз қиз узатди. Тўрт фарзанднинг тўнғичи бўлгани учунми, қизи оилага қайишган, ота-онасига меҳрибон эди. Юзидан ибод-ҳаёси балқиб турадиган латофатли қизни суйиб юрак очолмаган, унинг уйи яқинида кун бўйи бир кўришга зор ўтирган йигитларни ҳам доғда қолдириб келган совчиларга розилик билдиришди. Қизини келинликка сўраб келганларнинг оғир-вазминлик билан фикр юритиши, нурли чехрасини кўриб, ота-она: “майли”, деб юборишганини ўзлари билмай қолди.

Ҳамма ташвиш тўй арафасида бошланди. Эр-хотин аҳиллик билан йиғиб-териб, қизининг анча камини тўлдириб қўйган эдилар. Тўй маслаҳатига келган қариндошларнинг атаганини бериб кетгани уларнинг бозорини қиздирди. Ўзи айтган вақтга тўй кунини белгилаган йигитнинг онаси бўлажак қудаларидан ҳол сўраган бўлиб сим қоқади: “Қизингиз энди менинг болам, болаларим бахтли бўлса бас! Тахтни-ку, топса бўлади, Яратган уларнинг бахтини бекам қилсин. Аммо уй жиҳозларини барибир оласизлар... Яхшироғи олинса, пулингиз ёнингизда қолади-да, қуда. Мен уйларимнинг ўлчамини олдим, эртага биргалашиб мебель танласак бўларди...”

Дўконга бирга тушган қудаси минг тавалло билан танланган мебелларнинг баҳосини кўриб, она шўрликнинг юрагига ғашлик тушди. Тўёнаю барча йиғиб-терганини жамлаганда ҳам мебель баҳосининг ярмига етмасди. Уйига қайтиб, эрига юрак ёзди. Оловланган эр: "Ҳеч қанақа тўй бўлмайди, фотиҳани бузамиз, унга келин эмас, жиҳоз керак экан. Бирор бойнинг қизини келин қила қолсин. Қиз боқиб, балоғатга етказиб, илму хунар ўргатиб, ҳаётга тайёрлаб: "Олиб кетаверинг, болам энди сизники", деб қўлига тутқазар эканмиз-у, яна бизга шарти бор эканми? Эртагаёқ лаш-лушларини қайтариб юбор, орамизда ҳеч нарса қолмаслиги керак. Ўзимизга ўхшаган одамлар топилиб қолар", деди. Аёл унга ёлвора бошлади: "Фотиҳаси қайтган қиз номини оладими, дадаси, кейин эшиқдан биров сўраб келмайди-ку! Бўй етиб турган бир эмас, икки синглисининг тақдири нима бўлади?"

Эр-хотин юз ўй, минг андиша билан яшаб турган уйларини сотувга қўйишди. Кўшниси харидор бўлиб кирганида бошлари кўкка етди. Уч хона уйда яшадик нима-ю, икки хонали уйда яшадик нима, дея бир-бирини овутиди. Фарзандлари бахтини ўйлаб шу йўлни тутишди гўё. Қайнонасининг кўнглидагидек сарполар билан кириб борган келинчак ўз бахтидан масрур эди. Аммо...

Келин туширган кўшнисининг уйдан меҳмон бўлиб қайтган қайнонанинг авзойини кўриб, келинчак ҳайрон бўлди. Жаҳли чиқса, гапини мақол тарзида айтиб, тартибга чақирадиган ойижониси бугун бошқачароқ эди. "Бойга бой боқади, камбағалнинг кўзидан ёш оқади, деб бежиз айтмаган экан онам раҳматли. Келиннинг уйдан келган қовурдоқни кўриб оғзимиз ланг очилди: тоғорага тирик оққушни ўрнатиб қўйгандек. Аторофидаги безакларини кўрсангиз нақ санъат асари, дейсиз. Пишириқларининг шираси тилни ёрай дейди. Келинчак салом бераётганда назар солдим, эгнидаги кўйлаги бу ерники, бу оламники эмас. Кўқдан тушган фариштага



ўхшайди. Одамда орзу-ҳавас бўлса, ҳамма нарсага имкон топади. Қовурдоқни атай ёнимизга обкелиб очди анави писмиқ кўшним, сизникидан келгани эсимга тушиб, уятдан ерга кириб кетай дедим. Фалон пулга "казак" қилиб пиширтирган бундоғ бўлади-да. Онангиз мени кўни-кўшнилари олдида шарманда қилиб, филнинг қулоғича тоғорада юборган қовурдоғининг ярми хамир қўшилган дўлма, ярмиси тухум билан тўлатилган эди..."

Қиз бирор гап айтиб юрак ҳовурини босолмади, уйига кириб, унсиз йиғлади. Ҳар куни, ҳар сонияда бундай таъна-надоматлар бўлиб турганидан юраги увишадиган бўлиб қолди. "Чарларидан онангиз тузукроқ сарпо қўймади, дастурхонидан ейдиган ҳеч вақо йўқ, фалончининг қудаси куёвига "SPARK" миндирибди, зикна онангиз куёвига битта шим, оддий кўйлак қўйганидан уялдим, пешонамга айтмаган экан..." деган маломатлардан тўйиб, ота уйига кетди. Ҳомиладор экани аниқ бўлгач, онаизор қизини етаклаб уйига олиб борди. Қизи: "куёвингиз билан тортишиб қолдик", дейишдан нарига ўтмаган эди. Ранг кўр, ҳол сўр, деган гап бор. Ота-онасининг аҳволини кўриб-билиб туриб, қайнонаси айтган аччиқ гапларни қандай қилиб онасига айтади? "Қизим ёшлик қилибди, опажон, ҳаргиз уйимга аразлаб борса остонадан киритмайман", деб бош уриб, кечирим сўради...

Кунлар кетидан кунлар ўтиб, қизининг ой куни яқинлашиб бораётгани сари онанинг кўнглидаги ғашлик ортиб борарди. Бир томони ранглари сарғайиб, ҳолсизланиб, озиб-тўзиб кетган қизининг соғлиғидан хавотир олса, бир томони...

Ёмон туш кўриб, чўчиб уйғонган аёл минг андиша билан сим қоқиб, қизидан ҳол-аҳвол сўради. "Ойи, аҳволим яхши эмас. Қоним кам, қон босимим кўтарилиб, юрагим тинмай ўйнайди. Кеча текширувдан ўтдим, тайёрлов бўлимига ётинг, дейишди. Аммо ойижон руҳсат бермаяптилар", деди. Ўзим бориб, уйингдагилардан руҳсат олиб, туғруқхонага олиб бораман, харажатларини ўзимиз тўлаймиз, деганига қизгина кўнмади.

ЎЗИ текширувидан сўнг ҳомила ўғил экан, дейилганини эшитган қайнона келинчакка: "Келинпошша, уйингиздагиларга айтинг, овора бўлмай бир йўла ўғил тўйини ҳам ўтказиб юборамиз. Қўни-қўшнилари кўнзича урф-одатимизни ерга урмай, ижарага бўлсаям той



ясатиб келишсин. Музлаткичми, каттароқ телевизорми совға қилиш ниятлари бордир, ҳамма шунақа қилаяпти ҳозир, эртароқ айтсангиз, ҳаракатини қилади”, деди.

Келинчак уйдагиларга айтишга ботинмади. “Турмуш дегани ёшгина жонга жазо дегани экан, ўша пайтда ажрашиб кетсам бўларкан. Оилам яхши бўлиши учун, шунча сарф-харажат қилиб ўтирган ота-онам учун сингилларим, укамни ўқитиб, уйли-жойли қилиш ҳам катта муаммо. Энди нима бўлади?”. Хаёлида фақат шу сўзлар айланарди.

Ота-она энди икки хонали уйларини сотиб, бир хоналик таъмирталаб уйга кўчиб ўтишди. Бўй етиб қолган икки қиз, ўсмир ўғил, эр-хотин барчасининг кунни шу тор уйга қолди.

Ҳамма нарса тахт. Ҳали туғилмаган чақалоққа олинган кийимлар орасида мактаб ёшига етганида кийса бўладиганиям бор. Куёв, қуда-анда дегандек, ҳаммасига аталган сарполар тугунларга жойланган, фақат туну кун яхши хабар кутишади. Ҳомиладор келинчакнинг эса кундан кун ранги заъфарон тус олиб, ҳоли абгор бўлиб борарди... Ўзи сабаб ота-онасининг бошига тушган ташвишлар, тўйдан кейинги югур-югурдан кўзлари киртайиб, сочлари оқариб кетган отаси, гапирса мижжалари намланиб турадиган онаси кўз олдидан ўтади. Дили оғрийди, юраги нотинч уради. Дармонсизликдан силласи қуриб қолса ҳам уйдагиларга лом-мим демайди. У ота-онасининг ҳурмати, чеккан заҳмати учун ҳам шу оилада яшаши, барчасига кўниши, чидаши керак эди...

Ярим тунда эшик кўнғироғидан чўчиб уйғонган онанинг юраги ҳаприқди. Эшик ёнида кўзлари йиғидан қизарган куёви титраб турарди. “Вой, келинг, болам, нима гап? Нега хафасиз? Чақалоққа бирор гап бўлди-ми-а? Ҳозир юрагим ёрилиб кетади, гапиринг...”

Куёвнинг:

– Қизингиз жонлантириш бўлимида... – деган хабари онани ҳушидан айираёзди...

Тўй қилиб қиз узатиш ёки ўғил уйлаш барча ота-она зиммасидаги бурч. Аммо тўйдан кейинги “тўй”ларни ким ўйлаб топган? Келин-куёв кўриш бахтига етказгани учун Яратганга шукроналар айтиб, дуо қилиб ўтириш ўрнига кийиму буюм ташвишида бозор-ма-бозор югурсак?

Бугун тўй бўлса, икки кундан кейин “чарлар” қилиб, яна тўй қилган хонадон эгаларининг “чоп-чоп”и давом этади. Янги қудага мулозамат, яна сарпо-суруқ, патнис тўла

ширинликлар билан сийлаб, карнай-сурнай билан уйига кузатиб қўйиши керак. Ўғил ўстирганнинг уйида ҳам беш-олти тоғора ташвиши айланганидан, жилмайиб салом билан чой узатаётган келинчакнинг чиройи ҳам уй эгаларининг кўнглига сиғавермайди. Бир хил рангдаги “Жип” ёки “Каптива”лар билан кўча тўлдириб, келинчак ҳузурига кириб борган шўрлик куёвнинг гарданида анча қарз.

Бувим раҳматлининг бир гапи бор эди: “Чиллали одамнинг яқинига борма, чил одим берида тур. Янги туққан аёл ҳам, келин-куёвлар ҳам қирқ кунгача чиллали саналади. Яхши еб, яхши ичиши, шомдан кейин ухлаб дам олиши, кўринган одам билан кучоқ очиб кўришмаслиги керак. Балодан ҳазар-да, болам”, дердилар. Ҳозир эса тўйнинг эртасигаёқ келинчак тонгда кўлига супурги, челак кўтариб, хизматга тушиб кетади. Бир кун ўтиб, ота уйига меҳмонлар куршовида бориши, барча яқинлари, кўни-кўшнилар билан бағир очиб кўришиши, гоҳида юз марталаб эгилиб салом бериши керак.

Буларнинг ҳаммаси эл кўзига қилинаётгани аён-ку! Ёшларнинг юзида бахт нашидаси балқизиши учун, янги ҳаётга ўрганиб, туп қўйиб, палак ёзиши учун уларга шарт-шароит яратиш керак эмасми? Ҳеч бўлмаганда, ўн кун борди-келди, супур-сидирдан нари бўлса кучга тўларди, бир-бирига ўрганиб, кўз қарашидан тушуниб оладиган бўлармиди?! Фарзанд дунёга келтириб, вужудини тўлғоқ азоби тарк этмай туриб, келинчакка – онага туғруқхонадан уч кунда уйига рухсат бериляпти. Қовурдоқ, бешик ташвишига тушган оналар туққан бояқишга тузукроқ эътибор ҳам бера олмайди. Чақалоқ сарпосини кучоқлаб, хотин-халажни етаклаб, тоғора кўтариб қизнинг онаси овора, янги туққан жувонга бир қошиқ ёвғонини ичкизиб, набирасини эркалаб ўтириш ўрнига дастурхон ёзиб, куюқ-суюғига коса тайёрлаб, буюқдагилар овора...

Шукрона дастурхони ёзиш нияти бор одам чилласи чиқиб, суяги қотган гўдагини кўтариб келинчакнинг қизлик уйига олиб борса, оилавий гурунглашиб ўтирса ҳам бўлади-ку!

Энг ёмони, ана шу ўзимизча “орзу-ҳавас”, “қуда-андачилик”, “борди-келдининг зийнати”, деб ном қўйиб олган оворагарчиликларга боғланиб вақт, умр ўтяпти. Сочлар оқаряпти, тишлар тушяпти. Ҳолбуки, инсонга умр ўлчаб берилган.

Шундай экан, яшаш учун берилган умрга хиёнат қилмайлик. Уни бахтли, саломат ва осуда ўтказайлик...



Yo‘qlab yonimga bir kelmaytiz, do‘stim

Ассалому алайкум, Урода Чирова!

Нега йилдан бери эътибор бераманки, ҳег қагон, гарги сиздан икки ёш кигик бўлсам-да, хабарларингизда “салом” дея сўз бошламагансиз. Доимо “Ассалому алайкум, дугона”, дейсиз...

Сиз билан танишганимизга ҳам саккиз йил бўлибди. Адашмасам, иккимиз ҳам ижодни деярли бир вақтда бошлаганмиз. Энг қизиги, иккимиз ҳам “Бекажон” газетасида тенгма-тенг, гўё мусобақа қилгандек қатнашиб келардик. Сизни илк марта шу газета орқали таниганман. У пайтлар 16-18 яшар қизлар эдик. Вақт сувдек оқиб, ёшимиз ҳам ўттизга қараб кетяпти. Энди ёзадиган мавзуларимиз ҳам ўзгарган...

2010 йили сиз билан Самарқандда, газетанинг байрамони тадбирида биринги марта уграшдик. Зиёратгоҳларда тушган суратларимиз альбомимда турибди. Шу тариқа интернет орқали хабарлашиб турадиган бўлдик. Масофа узоқлиги боис сиз билан жуда кам уграшамиз, ҳозир ҳатто охирги марта қагон кўришганимизни ҳам эслолмай турибман. Шундай бўлса-да, виртуал оламда доим ҳамнафасмиз. Ижодий ишларимизни ўзаро кузатиб борамиз, ютуқларга эришсак қутлаймиз. Сизни кўпгилик шоира сифатида танийди. Ҳа, гиндан ҳам шеърларингиз юракка етиб боради. Қай наирда сизнинг шеърларингизни угратсам, албатта ўқийман. Ўтган йили “Yoshlik” ва “Ijod olami” журналларида туркум шеърларингизни кўриб суюндим. Дардли, таъсирли, самимий шеърлар эди...

“Yoshlik” журналининг (2007 й, 6-сон) “Биринги уграшув” рукнида қатор шоирлар сафида шеърларингиз топ этилганди. “Таскин” деган шеърингиздаги икки сатр сиздан келгусида катта шоира гиқишига бизни инонтирарди:


Ёлғиз овунгогим — ҳег кимда йўқ ШЕЪР,
Демак, мен Худонинг эрка қулиман...

Ҳа, сиз гиндан Яратганнинг суйган бандасисиз, сатрларингиз кўплаб юракларни забт этган, забт этиб келаяпти. Орадан саккиз йил ўтиб яна “Yoshlik”да (2015 й, 3-сон) мухлисларингиз билан диллашдингиз. Аммо бу шеърлар энди эзгин эмас, хийла кўтаринки, умидбахш эди. Бежиз сўлим Форишда тугилмаган экансизки, баҳор таърифини тобига келтиргансиз:



**Нодирабегим
ИБРОҲИМОВА**

1989 йили туғилган.
Ўзбекистон давлат
жаҳон тиллари
университети
халқаро
журналистика
факультетини
тамомлаган.
“Истеъдод мактаби”
VIII ёш ижодкорлар
семинари
иштирокчиси.
Ёзувчилар уюшмаси
томонидан “Биринчи
китобим” рукнида
“Ёнингдаги бахт”
номли ҳикоялар
тўплами чоп этилган.



Баҳор бу – бир дона лола қасдида,
Оқсоғ гўққиларга интилган сўқмоқ...

Мингта шоир бўлса, баҳор уларнинг тилида минг хил таърифланади. Сизнинг ҳам ҳар бир шеърингизда бошқаларда уграмаган топилмалар бор. Гўё манзаралар рассом қўлида жонланаётганга ўхшайди. Кўз олдимизда шеърингиз нафис ҳаракатлана бошлайди, бизни ўша оптоқ гўққиларга олиб кетади...

Севги! Бу ҳақда ким ёзмаган, ким ўқимаган? Шоирларнинг шоҳ асарлари ҳам кўп ҳолларда муҳаббат ҳақида бўлади. Сизнинг ҳам талай шеърларингиз айнан ишқ мавзусида. “Ijod olati” журналининг биринги сонидан севги сатрларингизга мухлис бўлдим.

“Бу севги”, “Уни кўрдим”, “Илинж”, “Биринги муҳаббат”, “Кўнглингиз” каби шеърларингизда ўзбек аёлига хос ибод, нафосат, умид, шу билан бирга, бироз ранж, қайсарлик, гурур сезилади.

Тиконли гул

Менга агингандек қараманг
Ва меҳрингиз қилманг садақа.
Билмайсизки, кулгидан кўра
Кўз ёш яқин қилади Ҳаққа.
Ўйлайсизки, яримта қалбим,
Кемтигига армон тахлайман.
Йўқ. Тикон-ла тугал гул каби
Шу дардларим билан бахтлиман.

Бу шеър шунгаки айрилиқ ҳақида эмас, унда Вақт, Қадр, Имон, Ишонг, Сабр барқ уради. Шунгаки тиройли қофиялар йиғиндиси эмас, қалбларга тугур кириб борувчи теран маъно... Уни фақат ўқиш, ҳис қилиш, кўзингизни юмиб, хотираларга берилиш мумкин.

Она мавзусидаги шеърлар ҳет қатон ўлмайди. Сизнинг волидангизга бўлган соғингизни шу сатрлар билан ҳис қилиш мумкин.

Дийдор лаҳзалари ўтади зумда,
Капалак бир кезиб тикқандек гаман.
Уйимга сиз берган нон-мевалар ва
Онамнинг ҳидини олиб қайтаман...

Буларни ўқиган китобхонда эски хотиралар уйғонади, таниш ҳислар унинг қалбини тирнайди, ўйга тўмади, онасининг ифорини соғинади... Ҳа, сиз оналарга қараб баландпарвоз сатрлар битмадингиз, биргина ишора ва ҳолатлар билан бор меҳрингизни сездирди олдингиз.

Баҳор – севимли фаслингиз бўлса керак. Ўзингиз ҳам гўзал март ойида таваллуд топгансиз. Аксари-



ят шеърларингизда табиатга бўлган илиқ туйғуларни сезаман. Айниқса, “Yoshlik” журнали (2015 йил, 3-сон) да топ этилган “Ялпизгинам”, “Наврўзгуллар” бунга ёққол мисол бўла олади. Шеърларни ўқирканман, гўё гаманзорга тушиб қолгандек, бетакрор гулларни туйиб-туйиб ҳидлагандек, кўнглим баҳорий ҳисларга гулгангандек бўлади. Унда нафақат гуллар таърифи, балки юракдаги изтироблар ҳам қозғозга тушган.

Тушимда бодомлар гуллаган оқшом,
Заминни уйғотди яшил хўрсиниқ,
Осмон камалакдан ясади ишқом,
Ёмғир гул лабидан томгандек тиниқ,
Ҳовуглаб самодан оққан селларни,
Дўст, кўзга сурайлик наврўзгулларни.

Ўқидим-у, кенг далаларга бориб, муаттар гулларни кўзларимга сургим келди...

Яна бир рост гапни айтиш керак, қанга нашрларда тиккиш қилмайлик бизни барибир “Yoshlik” журнали кашф этди. Бу гапни севимли нашримизнинг муаллифларидан бири ва албатта, ўқувчиси ҳам бўлганим угун айтмаяпман. Сизнинг ҳам шу нашрда тиккиш қилиб туришингиздан хурсандлигимни билдирмоқчиман. 2016 йили журналнинг 8-сониданги бир даста – гулдастадек шеърларингиздан “Дўстимга хат”даги:

“Мен сизни тиладим Фаргонажондан,
Йўқлаб ёнимга бир келмайсиз, дўстим”, сатрла-

рини ўқийтиб ўпкам тўлиб, кўзларимдан ёш тирқираб кетди. Ахир, шундай ҳам бўладими?! Сизга ўзини яқин олган барга дўстлар менинг ҳолатимга тушган бўлсалар ажаб эмас. Аммо на қилай, ўзни овутоқ угун яна шеър ўқишга тутинаман:

Ҳар гал мактубимга қўшилиб жўнар
Меҳр қушгалари – бирам гиройли...
Ҳар гал шеър уфуриб бағримга қўнар,
Хатингиздан тикқан Қўқон шамоли.

Назм ва насрда тенгма-тенг ижод қиладиган ёшлар кўп эмас. Сизнинг ҳикоя ва қиссаларингизнинг ҳам талайгина мухлислари борлигини биламан. Улар ҳаётини, халқини, кимларгадир ўртак, ибрат бўладиган асарлардир.

Менга дастхат билан совға қилган “Сиз угун” номли насрий китобингиз жавонимни безаб турибди. Шу вақтга қадар олти-та китобингиз тикиб улгурди, 30 ёшгага шундай ютуқларга эришганингиз ҳам катта гап.

“Никоҳ узуги”, “Меҳрга зор”, “Муниса”, “Меҳрибонгинам”, “Сингилларим”, “Ўғайлик” каби ҳикояларингиз дилга яқин, бироқ уларда баёнчилик сезилади. Бошини ўқигаг, охири қандай яқунланишини тахмин қиласиз. Кутилмаган егим, кульминация

етишмайди. Бошдан охиригага бир маромда давом этади. Ҳикоялардаги мавзуларингиз шу даврдаги ҳаётини муаммолар, маиший иқир-тиқирлар, турмуш таъвишлари... Кўрқаманки, бундай мавзуларнинг умри қисқа. Келгуси асрларга қадар ҳикояларимиз етиб бориши угун маррани баландроқ олган, умумбашарий мавзуларда ёзган маъқулмикан?

Кўплаб ҳикояларингиз кузатувлар, ҳаётини воқеалар асосида ёзилганини биламан. Аммо бадиий адабиётга буларнинг ўзи кам. Албатта, юксак тафаккур асосидаги бадиий тўқима, янги фикр-мулоҳазалар, маънавий озуқа ҳам бўлиши шарт. Хаёлот

оламингиз жуда кенг, агар ҳикояларингизни қайта-қайта ишлашга ва бадиий озуқа қўшишга эринмасангиз, албатта, мухлисларингиз янада кўпаяди, деб ўйлайман. Дарвоқе, насрдаги машқларингизни ҳам адабий журналларга тақдим этишни маслаҳат берардим. Насрингиз ҳам шеърларингиз каби баланд бўлишини истардим!


Ирода, сиздан янада таъсирли, янада самимий шеърлар, ҳикоялар, қиссалар кутиб қоламиз! Мен ҳам мухлисларингиздан бириман. Дилдан тўкилган сўзларингиз ҳег кимни бефарқ қолдирмайди. Адабиётимиз сиздек дилбар шоираси билан гурурлансин. Тез орада юзма юз уграшиш, дийдорлашиш, китобларимизни алмашиш орзусидаман.

Сизга саломатлик, ижодий баркамоллик тилайман.

Дугонакнз Нодирабегим
Иброҳимов

Бақор - севим
ак. Чунки
ида таваллуд
ёрларингизда та
иқ туи туларки
иларга кибатан
015, 3-сон)да гол
ням", "Неврюз"
ол мисое бўла
дастхат. Билан
"Сиз угун" к
киш невошим
и. Шу вақтга
ингиз тикиб ул
ишгага шундай
тақ с





Yurtkezar



Дилмурод СОДИҚ

1984 йили туғилган. Ўзбекистон миллий университетининг журналистика факультетини тамомлаган. “Олтин кўприк” тўпламида ҳикояси чоп этилган.

Амаким – донғи чиққан табиб. Синди-чиқди, кўз-назар – барига даво топади. Уни Сурхон элида, азбаройи ҳурмат юзасидан мулла Тошбой, деб аташади.

Бирида уйимизга бойсунлик чол дараклаб келди. Кампири эшакдан йиқилиб, оёғи синибди. Тўпиғи борган сари кадидай шишаётган экан. “Бир қадамам босолмаяпти, би-ир бориб кўриб беринг”, деб туриб олди. Амаким ўтган куни Боботоққа чиқиб-тушганди. Ҳориганиданми, “ўзини об келақолинг”, деди. Чол оёқ тираб туриб олди, дуолар қилди. Амаким йўл юришга ишқибозмасми, сал юмшади. Манзил-маконини суриштирди, маъқул келди, шекилли, бутун бизнинг мусофирхонада тунанг, олисдан келганлар бор, сўнг эрта саҳарлаб йўлга тушамиз, деди.

Тонгда жўнадик. Амаким касби тақозоси билан бутун Сурхонни айланиб юради. Буёғи Регардан тортиб Мозори шарифгача қадами етган. Кураш, кўпкари борми, қолдирмайди. Шу боис одамлар орқаваротдан “юрткезар” деб аташарди.

Мана, кўриб турганингиздек яна юрт кезишга тушдик. Амаким билан мен қирчанғида, чол эса орқада, эшакда. Далалар ошиб

бораяпмиз. Кун кўтарилган сайин оловдай қиздиради. Кўм-кўк йўнғичқазор бижирлайди, бош тортган гуллари уммон каби солланади. Хушбўйи димоғни қитиқлайди, кайфиятни кўтаради. Оқ, сариқ тусдаги капалаклар шодланиб ўйнайди. Беданалар бири қўйиб, бири сайрайди. Гоҳи-гоҳида оловдай пориллаб тустовуқ кўтарилади, бўйнини чўзганча учади ва яна йўнғичқазор бағрига фарқ бўлади. Бир хиллари ҳавони зириллатиб осмонга сапчийди-да, аллатовур қилиб қичқиради. Айни шундайлари бошқаларига нисбатан каттароқ, семизроқ ва яна олисроққа учади. Шунда амаким, буниси хўрози экан, деб гудранади.

Бундай далалардан ошаётганингизда, айниқса, агар у чўл ва адирликлар бағрида ё унга ёндош кенгликларда бўлса, албатта, сизга муллатўрғай ҳамроҳ бўлади. Улар сизни кун чўккунча кузатиб боради. Муллатўрғайнинг қизиқ одати бор: йўлингиздан беҳосдан чиқади-да, ҳавога кўтарилади, муаллақ турганча чулдирайди, сўнг тезлик билан яна ерга шўнғийди. Амаким уни жуда шум қуш, деб айтади. Чунки у шарпа сезиши билан инидан ҳалисроққа учиб, гўё полапонларига қайгургандай сайрайди. Табиийки, шу йўл билан хавфни ари-тади, болаларини омон сақлайди. Халқ орасида олашақшақ, деган оти бўлишига қарамай, ҳаккани хўп мақтайди. Алқаша баробарида кўп йиллар бурунги фаройиб воқеани гапириб беради. Яъники, саратонда Оқтумшукдан арпа ўриб қайтаётганида Қорасув дарёси бўйидаги харсанг супага чиқади. Иссиқдан лоҳас бўлиб, мулғиб қолади. Бир пайт денг, тушидами, ўнгидами, қулоғига ҳакканинг шақиллагани чалинади ва сакраб ўрнидан туради. Қарасаки, бирор терак бўйи нарида йилтиллаб семирган, сап-сариқ мор судралиб келаверади. Ҳаққаю майналар теварагида чағиллаб, олдинга юришга қўймайди. Ўтакаси ёрилаётган амаким қишлоққа қараб чопади. Шу-шу, ётаридаям, тураридаям ҳаловат йўқолади. Озиб-тўзийди. Ахийри қишлоқнинг муллеси – Менгбой халфага ёрилади. “Халфа – қизиқ одам эди-да, – дея эслайди у. – Ҳеч нарса қилмайди, исириқ тутатиб юбор, ҳаммаси яхши бўп кетади”. Мени ёш бола кўрди, деб ёмон очуви чиқади, шунда. Сендай халпани, деб сўкади. Сўнг қўшни қишлоқдаги Мўмин халфага боради. У дарров китоб варақлай кетади. Амакимнинг ранги-рўйига қараб, юрагингиз тушибди, ҳозир жойига соламиз, деб кўкрагига тепиб қўяди ва яна тайинлайдики, албатта, ўзингизни халосланг, бутунлай кушойиш топасиз, дейди.

Эртасигаёқ қишлоқ аҳлини айтиб, жонлиқ сўяди. Кўпнинг дуоси кўл, деганидай, дард секин-аста арийди. Бироқ у анча босиқ, камгап бўлиб

қолади. Шундан буён ёлғиз юрмайди, қаватига акамни ё мени эргаштириб олади.

Дарвоқе, чол ҳам камгап. Йўлга тушгандан бери миқ этмайди. Дала-туз тугаб, паст-баланд адирликлар қўйнига кирдик. Бирон зоғ йўқ. Қуёш забтига олиб, одамни элитмоқда. Амаким мункиб кетмай, деб чолни гапга тутта бошлади.

– Бова, бу, Бойсуннинг учи-қуйруғи йўқ-да, ҳе-еч адоғига етиб бўлмайди, – деди.

Чол дуруст эшитмади, нима деяпсиз, дегандай бошини сараклади.

– Бойсуннинг кети кенг, дейман.

– Ҳа-а, Худо Бойсунга келганда сахийлик қилган. Тоғиданам, чўлиданам аямаган.

Унинг гапи амакимга ёқиб тушди. Муштдайгина, паҳмоққина бўлгани билан гаплари тўқмоқдай.

– Тоғларингиз зўр...

– Бундайини бошқа жойдан тополмайсиз.

Швецария тоғларига ўхшайди, дейди. Бекор гап. Бу – улардан аъло. Илк инсоният қадам излари айни шу ерда қолган. Ишонмасангиз тарихни варақлаб кўринг. Ҳаммасига гувоҳ бўласиз. Бойлигини айтмайсизми, минг хил ва битмас-туганмас. Олимлар унинг жисмларини ўрганолмай, ном тополмай сарсон. Ана, Қизилқояни олинг. Ахир бу – соф, ер юзидаги энг қимматбаҳо гранит. Унга ишлов бериш, фойдаланиш керак. Сизга айтсам, Бойсун – очилмаган қўриқ.

Чоли тушмагур тарихчи ё геолог бўлган, деб ўйлади амаким. Ўзидан сўрашга ботинолмади. Кечадан буён дуруст иззат-икром кўрсатмаганидан хижолат чекди.

Олис йўлга тушсак, албатта, ўрик қоқ олволамиз. Одамга анча қувват. Чол рўзадор. Ҳозир қайсидир ҳижрий-қамарий ойнинг бошланиши.

Осмондаги тақир булутлар қизғиш тусга кира бошлади. Кун ботмоқда эди. Биз кўнғир тоғ бағрига кириб борардик. Ҳаво салқинламоқда. Юпунман. Амакимнинг белбоғидан маҳкам ушлаб, энгашиб олдим. Бироз иссиқ тутди.

Бирпасда қош қорайди. Қоронғуда қушларнинг сайрашини биринчи марта эшитдим. Ажойиб бўлар экан. Бироз юриб, йўл бўйидаги тўмпайган кулбага дуч келдик. Тўхтадик. Уловларни тош девор биқинидан чиқиб турган қозиққа қантардик. Чол зим-зиё кулбага кириб кетди. Шитир-шитир овоз келди, гугурт чақилди ва тошдан терилган бошпана ёриди, деворда чолнинг улкан гавдаси акланди. Келаверинглар, деди. Узун-калта бўлиб кирдик. Хона тор, деворлари тутундан қорайган ва аллақандай ёқимсиз ҳид ўтириб қолган. Ерда кигиз, устида гирбишин кўрпача.

Ўтиринглар, деган амрона хитоб бўлди. Ўтирдик. У белбоғини ечиб, ўртага ёзди. Қўйнидан бир неча бўлак қотган нон ва қурт чиқарди. Амаким ирғиб туриб, хуржундан ўрик қоқ билан сув ола келди. Қани олинглар, деди. Олдик. Қотган нон бирам ширин экан.

Кейин билсак, бу йўловчиларнинг қўноғи экан. Бунга қўнган одам дам олади, ўзидан нима ортса – гугурт, шох-шабба, қоқ нон ва бошқа нарсаларни кейинги йўловчилар учун ташлаб кетаркан.

Чол амакимга зимдан қаради, узр оҳангида, энди, мулла ака, тўғри тушунасиз, бизнинг Мачай қишлоғимиз шундай олисда, деди.

– Мен Бўрижардан ўтгандаги Мачаймикан, деб ўйлаб эдим.

– У – оддий Мачай. Бизники тоғнинг тепасидаги. Катта Мачай, деб айтилади. Оз қолди. Бу ёқларниям кўрган яхши-да. Табиати бутунлай ўзгача.

– Зўр экан. Ростки, Катта Мачайга қадамим етмаган. Бир пайтлар Чак-чак томондан баланд довондаги овулга олиб боришган. Менимча, у сизларданам нарида бўлса керак. Қандайдир амалдорнинг қизи бетоб экан. Ярим тунда беморни кириб кўрдим. У қоқсуяк бўлиб ётарди. Вақти-соати яқинлашган, рамақижон бўлиб ётарди, ёрдам бериб бўлмасди. Бечора онаси ҳоли-жонимга қўймади. Унга ҳақиқатни айтмадим. Уй соҳиби сафарда экан. Ётиғи билан тушунтирмоқчи эдим.

Чол қилт этмасдан, совуққон боққанча эшитиб ўтирди.

– ... боумид турли муолажани бажардим, қизнинг кўнглини кўтаришга, ҳаётга бўлган муҳаббатини уйғотишга ҳаракат қилдим. Иккимиз ёлғиз қолганимизда у қўлимни маҳкам сиқиб, доктор, бари бефойда, ўзингизни қийнаманг, деди. Ҳафсалам янада пир бўлди. Вояқиш онага сабр тилаб, тонг бўзармасдан қайтдим.

Олов сўниб, лағча чўққа айланди. Атроф қизғиш рангга кирди.

– Неччига чиқдингиз, бова, – сўради амаким. – Боллардан нечов?

– Саксонни ўриб қўйдик, мулла ака. Бундай қарасак, жарнинг ёқасига кеп қобмиз. Баҳоли қудрат гимирлаб юрибмиз. Лекин сизники маза. Йўл юрган, эл кўрган қаримайди.

– Сизни ҳеч ким саксонга кирган, демайди. Кўз тегмасин ҳали даёвсиз.

– Сизга ўхшаб йўловчимиз-да. Янаям, ҳаммаси одамнинг ўзига боғлиқ. Ҳар ким ўзини яхши кўриши керак.

Гурунг қизиди. Чол отга ишқибоз экан. Тарлон, жийрон, бўз от, чавқар отлар ҳақида га-

пирилди. Бизнинг отни мақтамади. Аксинча, рўзгорбоп, деди. Қизиқ, тоғ кечаси ваҳимали, жимжит бўлса керак, деб ўйлардим. Ундай эмас, минг хил овозга, сайроққа тўлиб кетаркан. Теварақда шоқоллар улиди. Тулкилар чўзиб-чўзиб акилади. Овози ғалати ва қўрқинчли. Чол тоғлик-да, қуш, ҳайвон, ҳашарот, гарандаю гуранда овозини ажрата билади. Бир маҳал узик-узик чириллаган товуш келди. Бу – ерилон. Одамга зиёни йўқ. Қайнатиб ичса, юз хил дардга даво... Ухлаб қолибман.

Азонда уйғонсам, улар от болдирини қаричлаб ўлчаётди. Қанча узун бўлса, шунча яхши бўларкан. Бу – говлак от, деди чол. Бўрини кўрса, ўзи ерга йиқилади. Зотдор ва яна шум, абжирлари эса бўрини ўйнатади. Барибир, бўри уларниям галлайди. Қурғур, думига осилади-да. От олдинга чиранганда, қўйворади. Қарабсизки, жонивор ўмганлайди. Жондор келасолиб, қорнини ёради. Яна денг, отнинг тумшугидан тишлаб тортган бўрини кўрганман. Эски усул – маҳкам тортиб қўйворади ва ўтириб қолган отнинг бўғзидан олади. Жондор дегани жуда ақлли ҳайвон. Фақат забон йўқ.

Ерга шудринг инган. Отнинг абзали ҳам олачалоқ нам. Бобо уфққа қараганча, ҳозир мўъжиза кўрасизлар, деди. Қонталаш уфқ аста-секин кенга-яёттир. Қуёш олтиндай ярақлаб, бош кўтармоқда. Аввал гардиши, сўнг бўй-басти кўрина бошлади. У секин, лекин бир зайлда кўтарилмоқда. Шу пайт ҳаракатдан тўхтагандай, осилиб қолгандай туюлди. Чиндан ҳам у қотиб қолди. Сал чекинди ва яна юксакка талпинди. Замин уни қўйвормаяпти. Одамни ваҳм босди. Энди нима бўлади? Қуёш силкина-силкина охири ер қобиғидан чиқиб кетди. Сўнг, бутун олам нурга тўлди.

– Қуёш ҳар тонгда шундай азобланади, – деди чол. – Бу ҳолни бошқа жойда кузатолмайсиз.

Яна йўлга тушдик. Арча, гужум ва яна бир қанча дарахтлар билан қопланган қўнғир тоғ оралиб кетаяпмиз. Осудалик. Тунги қайноқ ҳаётдан нишон ҳам йўқ. Биргина қушлар сайрайди. Осмонда тасқаралар қанотларини кенг ёзиб, ўлжа пойлайди. Лекин улар ҳеч сайрамайди.

Амаким чолнинг тилини анча тушуниб қолди. Галма-гал қишлоқларни, полвон ва отларни мақтайди.

– Полвонларнинг зўри Тоштемир, – деди амаким.

– Бе, унинг даври ўтди. Ҳозир Қайтмас қишлоғидан Лочин лақабли полвон чиққан. Қурмағур, ўйноқлаб олишади. Кучи кўп. Келбатиям Тоштемирлардан кам эмас.



– Биздаги Эралини ололадими?

– Эралингиз муғомбир. Агар у ҳалол олишса, бемалол олади.

Гурунг билан бўлиб чўққиларини оппоқ қор коплаган қоя пойига бориб қолибмиз.

– Бу – бизнинг қишлоқ, – деди чол.

– Жаннатдай ерда яшаркансизлар.

Лекин бунда на Олтинсойни, на Шерободни кўриб бўларди. Тўрт томон ҳам чўққилар эди.

Тошдан терилган, биқиниб, мингашиб кетган уйларнинг бирига кирдик. Тим қора, кўзи сарғиш, бўйдор, бақувват ит қаршимизга югуриб чиқди. Лақаби Мухтор экан. Эгаси танбеҳ бергач, бизга иззат-икром кўрсатиб, қирқилган думини ликиллатди. Ҳовли кенг, қайроқ тошни тарашлаб, ётқизган. Мезбон кунчиқарга қараган бўлмага бошлади. Кенг ва ёруғ хонанинг тўрида, қават-қават кўрпача устида муштдеккина кампир чўзилиб ётибди. У ўрин ичига чўкиб кетган, дабдурустан кирган киши, табиийки, кўрмасди. Салом бердик. Нимжонгина овоз алик олди. Амаким тўрвасидан дори-дармон, таёқча, алақандай ёғларни олди. Чол кампирнинг қалин пайпоғини ечди. Тўпиқнинг усти кўм-кўк, атрофи оқариб шишган.

Амаким шишни аввал суғур, кейин, от, ёввойи чўчқа, кўлвор илон ёғи билан обдон ивитиби,

ишқади. Тана ёғни бирпасда шимиб олди. Кампирнинг инқиллашига қарамай, бир-икки бураб ҳам кўрди. Кейин пайпоқни кийдириб, яна кўрпага ўради. У ухлаб қолди.

Бемор шомга яқин уйғонди. Оёқдаги шиш қайтиб, кампирнинг юзига қон югурган. Лекин тўпиқ ҳалиям қизиб, қотиб турибди. Амаким суяк инидан кўчиб, пай чўзилибди, деди. Кампирнинг оқ-воҳига қарамай, оёқни яна бир-икки қирсиллатиб буради, тортди, пахта ўради ва бинтли таёқчаларни маҳкамлаб боғлади.

Шу кеча чолникада тунадик. Эрталаб қарасак, бемор ҳовлида ҳассада юрибди.

– Борингизга шукр, умрингиздан барака топинг, – деди у амакимга. – Одам оёқдан қолмасин экан. Ҳафта тугал ётдим. Жоним ҳалқумга келди.

У қишлоқ кампирга ўхшамайди. Туриш-турмуши, гапи зиёлинамо. Ё шаҳардан кўчиб келган, ё Катта мачайликларнинг бари адабийча гаплашади, ўзича тусмоллади амаким.

Уйда иккисидан бошқани учратмадик. Чол қўй сўйди. Қўшнилари чиқди. Зиёфат тугагач, қайтдик. Улар бизни пул-чақа, яна турли газмол билан сийлади. Кампир бўсагагача кузатиб қўйди. Чол эса бизга ҳамроҳ бўлди.

Пастга эниш осон. Ҳадемай, Бойсундан чиқиб, Ҳандалга етдик. Чол кампирини геолог олима Марям Алиева, деди. “Асли Кавказдан. Бир угина аждодлари удумини бузиб, ўзга элга келди. Аммо ҳалигача, ўлсам, юртимга, отамнинг пойига элтиб кўмасиз, деб қўймайди. Хўп, дейман”.

Улар Москвада ўқишган. Марямга кўнгил қўйиб, етти йил чечен юртига қатнаган. У оилада ўн қизнинг бири. Отаси чапдаст одам. Удумга кўра, эшиқдан келган меҳмонга ҳурмат кўрсатади. Яхши гап ва совға-салом билан ошиқ йигитни қайтариб юборавради. Охири, йигит тоғдан бир чўпонни топиб, ўғил тутинади. Сўнг чўпон Марямни ўғлига сўрайди. Ота рози бўлади. Шундай қилиб, Марям Бойсунга келин бўлиб тушади. У бу ерга тез кўниккан. Унинг Кавказга ўхшаш жиҳати кўп. Қарийб қирқ йил институтда ишлади, Бойсунда тадқиқот олиб борди.

– Сиз касалига даво тополмаган ўша қиз – менинг ягона қизим эди, – деди чол оғир хўрсиниб. – Тошкентда ўқиди. Асли чечен бўлган самарқандлик курсдошидан кўп совчи келди, қайтардим. Ўзимнинг Бойсунимга бераман, дедим. Иккисига буюрмади. Ўлдию кетди. Қайнотам айтгич эди, қиз болани биринчи ва қўймай сўраганга бер, шуниси чинбахт, қолгани бадбахт.

Амаким бир муддат чолга қараб қолди. Искандар кўпригининг устида эдик, хўшлашдик. У кетди...



**Абдулла УЛУФОВ,
адабиётшунос:**

– “Юрткезар” да ёш қаламкаш қўшиқ куйлайди. Ҳикоядаги сўзлар қатидан жарангдор, салобатли ва вазмин оҳанг таралади. Қипчоқ

шевасига хос бу оҳанг шу тилда сўзлашувчиларга ҳаммадан кўпроқ хуш ёқади. “Юрткезар”нинг: “Мени ёш бола кўрди, деб ёмон *очуви* чиқади, шунда. Сендай халпани, деб сўқади. Сўнг қўшни қишлоқдаги Мўмин халпага боради. У дарров китоб варақлай кетади. Амакимнинг ранг-рўйига қараб, юрагингиз тушибди, ҳозир жойига соламиз, деб кўкрагига тепиб (ғалати-ку... наҳотки, тепса... – А.У.) қўяди ва яна тайинлайдики, албатта, ўзингизни халосланг, бутунлай кушойиш топасиз, дейди” каби ўринлари бошқаларни ҳам қизиқтириб қўяди.

Муаллиф ўзига яхши таниш воқеликни мавзу қилиб олган ва уни завқ-шавқ билан эҳтиросга тўлиб ёритолган. Шу боис у ҳеч бир ўринда бўғилиб зўриқмаган. Сўзлар унинг кўнглига оҳангдай қуйилиб келган. “Юрткезар” халқ тилининг жозибадор оҳанглари, унинг ихчам, пухта ва пишиқ ифода тарзида битилган. Ёш қаламкаш воқеликни содда ва лўнда жумлаларда ифода қилолган. “Юрткезар” даги: “Далалар ошиб боряпмиз. Кун кўтарилган сайин оловдай қиздиради. Кўм-кўк йўнғичқазор бижирлайди, бош тортган гуллари уммон каби солланади. Хуш бўйи димоқни қитиқлайди, кайфиятни кўтаради. Оқ, сариқ тусдаги капалаклар шодланиб ўйнайди. Бедалар бири кўйиб, бири сайрайди. Гоҳи-гоҳида оловдай пориллаб тустовуқ кўтарилади, бўйинини чўзганча учади ва яна йўнғичқазор бағрига (“кўйнига” дейилса, яхшироқ бўлармиди – А.У.) ғарқ бўлади. Бир хиллари ҳавони зириллатиб, осмонга сапчийди-да, аллатовур қилиб қичқиради. Ана шундайлари бошқаларига нисбатан

Вазмин оҳанг таралади

каттароқ, семизроқ ва яна олисроққа учадди. Шунда амаким, буниси хўрози экан, деб ғудранади” каби ўринлар тасаввурда дашту далалар кенгликларидаги қайноқ ҳаётни жонлантиради.

Ёзувчининг синчковлиги ва кузатганларини содда, аниқ, таъсирчан ифодалашни кишини қувонтиради. “Юрткезар”нинг биргина мана шу: “Ерга шудринг инган. Отнинг абзали ҳам олачалпоқ нам. Бобо уфққа қараганча, ҳозир мўъжиза кўрасизлар, деди. Қонталаш уфқ аста-секин кенгаяётир. Қўёш олтиндай ярақлаб, бош кўтармоқда. Аввал гардиши, сўнг бўй-баста кўрина бошлади. У секин, лекин бир зайлда кўтарилмоқда. Шу пайт ҳаракатдан тўхтагандай, осилиб қолгандай туюлди. Чиндан ҳам у қотиб қолди. Сал чекинди ва яна юксакка талпинди. Замин уни қўйвормаяпти. Одамни ваҳм босди. Энди нима бўлади? Қўёш силкина-силкина, охири ер қобиғидан чиқиб кетди. Сўнг, бутун олам нурга тўлди. – Қўёш ҳар тонгда шундай азобланади, – деди чол. – Бу ҳолни бошқа жойда кузатолмайсиз” парчасини далил қилиб, адабиёт ихлосмандларини бу майдонга яна бир иқтидорли ижодкор кириб келаётгани билан қутласа бўлади. Сўзлашув тилининг жилolari адабий тил меъёрларига мосланган мазкур ҳикоя ичига йирик жанрдаги асарларга асос бўлгулик материал унсурлари жойланган. Унда муаллиф бор бисотини тўкиб солган: муллатўрғай, олашақшақ, илон, от, бўри ҳақида маълумот бериб, “Учи-куйруғи йўқ, ҳеч адоғига етиб бўлмайдиган Бойсун”ни таърифлаган, йўлда кўрган, эшитганларини мириқиб баён этган. Айни тафсилотлар эса қизиқарли экзотика сифатида “Юрткезар”га зеб берган.



**Жамила ЭРГАШЕВА,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган маданият
ходими, ёзувчи:**

– “Юрткезар” – элнинг дардига малҳам бўлиб юрт кезиб юргувчи оқкўнгил табибнинг навбатдаги беморини излаб қилган сафари ҳақидаги мўъжазгина бир ҳикоя. У табиб амакисига сафарда йўлдош бўлган жиян тилидан ҳикоя қилинади. Жаҳонгашта табиб оламини ҳам, одамни ҳам чуқур идрок қилади,

Муҳаббат ҳақидаги

маҳзун қўшиқ

беморга олиб борувчи Катта Мачай қишлоғи йўлидаги табиат манзараларининг ўзига хос ифодалари, табибни илондан қутқарган қушлар ҳақидаги лавҳа, бемор аёли учун ялиниб-ёлвориб, табибни бошлаб кетаётган кекса кишини Бойсуннинг улкан хазина эканлиги ҳақидаги фикрларини эшитиб, “Бу одам олим одамга ўхшайди”, дея кеча уйда дурустроқ меҳмон қилмаганидан хижолат бўлганлиги ана шу нозик идрокни изоҳлашга хизмат қилади.

Табиб амакига ҳамроҳлик қилиб бораётган ровий ўсприннинг теварак-атроф ҳақидаги муфассал тасвири ўқувчини ҳар қанча маҳлиё қилмасин, ҳикояни ўқиш жараёнида кўнгилда бир мунгли, лекин ёруғ муҳаббат қўшиғи унинг қалбига сизиб киради. Табиб кўп йиллар аввал шу ўртадаги бир амалдорнинг хонадонига келиб, қизини кўргангани, қизнинг қалбида яшаш истаги йўқлигига гувоҳ бўлганини ҳикоя қилиб беради. Манзилга етгач, суюғи чиқиб, пайи чўзилган бемор кампирни даволаш жараёнида унинг зиёлинамо гап-сўзлари, чолу кампирнинг ёлғиз турмушлари синчи табиб билан бирга ўқувчини ҳам беихтиёр хушёр торттиради.

Муолажадан кейинги зиёфат, иззат-икромдан сўнг кузатгани чиққан мезбон ҳикоянинг ва ўқувчининг кўнгилидаги тугунни ечиб юборади: кампир ишқ йўлида ота юртдан шу ерларга келиб қолган чечен қизи эди. Улар институтда бирга ўқишган, не-не таваллолар билан ота-онасининг розилигини олиб, қишлоғига олиб келган.

Қиз бир умр институтнинг геолог олимаси сифатида шу тоғли қишлоқда тадқиқот олиб борган. Ёр ишқи билан бегона юртларда умрини ўтказган пошикаста эрига “Ўлсам, юртимга, отамнинг пойига элтиб кўмасиз”, дер экан. “Сиз касалига даво тополмаган ўша қиз менинг ягона қизим эди. Тошкентда ўқиди. Асли чечен бўлган самарқандлик курсдошидан кўп совчи келди. Қайтардим. Ўзимнинг Бойсунимга бераман, дедим. Иккисигаям буюрмади. Ўлди-ю, кетди. Қайнотам айтгич эди, қиз болани биринчи ва қўймай сўраганга бер, шуниси чинбахт, қолгани бадбахт”.

Роберто Арльтнинг бир гапи бор: “Роман очколар билан ютса, ҳикоя нокаутлар билан голиб келади”. “Юрткезар” ҳикояси мана шундай маҳзун нокаут билан хотималанади.

Ҳикояда муаллиф эътибор қаратиши лозим бўлган кичик камчиликлар ҳам йўқ эмас. Баъзи ўринларда қайтариқлар мавжуд. Аммо булар ҳаммаси тузатса бўладиган камчиликлардир. Муҳими, муаллифнинг дарди ва ўз айтар сўзи бор.



**Фаррух ЖАББОРОВ,
ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти
ва фольклори институти
таянч докторанти:**

– “Yoshlik” жуда жумбоқли топшириқ берди: ҳикоя муаллифи кўрсатилмаган, тезда танишиб чиқиб, танимаган ижодкоримга икки оғиз муносабат билдиришим керак. Сўз ҳолига эмас, сўзчи ҳолига боқиб ўқишга, гарчи бундай мутолаа олдиндан қандайдир тасаввур, йўл-йўриқ, руҳий босим берса-да, шунга кўникиб қолганмиз. Кўз ўнгингда соқолли-соқолсиз, шляпали-шляпасиз, чол ёки йигит ва ё жувон адиб(а) турса, ёзганларини муаллифига мослаб қабул қилишинг осон кечаркан. Машхурлардан ҳикмат излайсан, ҳали номи чиқмаганлардан иллат қидирасан, сал менсимайроқ кўз югуртирасан...

Ҳикоядан олган биринчи таассуротим – номаълум қалам-каш газетда унча-мунча йил ишлаб, қаламини роса қайраганини сездим. Тергаб, тергилаб ёзаркан. Қатъий қолиплари бор. Гаплари калта-култа, ортиқча чўзилиб кетмаган. Чандон ахборот тиқиштириб, ўқувчининг бошини қотирмайди. Ким, нима, қаерда, қачон, қандай, нега – журналистиканинг шу олти боқий саволига жавоб берса, бас. Бироқ сийрак тасвирлари ҳам ягона усткурмага келиб уланмагандек туюлади.

Номаълум муаллиф, эҳтимол, кунда-кунора мақола-сақолани боплаб ташлар, лекин ҳикоя-микояни онда-сонда ёзади. Буни матни айтиб турибди: қалам эгаси бадий ижодда бир қарашда тажрибалидек, чуқурроқ назар ташлаганда эса тажрибасиздек таассурот қолдиради. Мунтазамликка эришсанглар, масала ўз-ўзидан ҳал бўлади-қолади, дея бизга устозлар кўп уқтирган.

Бир ЧИМДИМ

Мутолаа асносида “*ҳафта тугал ётдим*”, “*очуви чиқади*”, “*галлайди*” каби сўз ва ибораларга дуч келиб, болаликдаги қадрдонингни кўргандай қувонасан. Лекин бармоқ билан санарли дўсти-ёрининг ёни-ёғи “...деб аташарди”, “мана, кўриб турганингиздек” сингари сийқа, шилқим, кунда-шунда оғайничалишларга тўлиб-тошгани хомуш торттиради одамни.

Асарда тасвирланган макону манзиллардан тусмоллаш мумкинки, бўйсира ёзувчимиз Денов тегарасида униб-ўсган. Шукур Холмирозев адабиётга олиб кирган муҳитдан янги ҳикоялар айтмоққа чоғланган. Узоқ йўлда ўтарчиларнинг қўноғи тўғрисида ёзганда бу, айниқса, сезилади.

“*Шитир-шитир овоз келди, гугурт чақилди ва тошдан терилган бошпана ёриди, деворда чолнинг улкан гавдаси аксланди*”. Ҳикоянинг бошқа жойлари ҳақида бир нима дейишим қийин. Лекин айнан шу воқеликни қаламкаш болалигида ўз кўзи билан кўрганига ишонаман.

Муаллиф табиатан кузатувчиликка мойил, воқеанинг бевосита иштирокчиси эмас, балки четдаги одам – томошагўй, муҳокамачи бўлишни ёқтирадиган йигит чиқар. Ёзувчи феъл-атворининг нуқси асарларига ҳам уриши бор гап. Ижодкор ўзининг ичимдантоп, одамови характери туфайли ҳикоядаги тирик одамлар дарди дунёсидан ўқувчига бир чимдим дард юқтиролмайди.

Гапимиз охирида бир чимдиб айтадиган бўлсак, адабиёт остонасида анча тараддулланиб, бошловчилик пиллапоясида кўп депсиниб қолган – ўттизининг устидаги кечикаётган авлодининг бу “номаълум” вакилига ҳам, бошқа “намоянда”ларига ҳам бир чимдим нимадир етишмайди. Хўш, ўша нимадир нима?! Билганимда, ўзимни ислоҳ қилишдан бошлардим...

Shotutlar qon bo'ldi, uzumlar mayiz...



**Жамолiddин
БАДАЛОВ**

1989 йили туғилган.
Фаргона давлат
университетининг
филология
факультети талабаси.

Бундан ўн йил олдин
Суқилган кўгат
Ерда илдиз отиб,
Ҳосил бергандир.

Бундан ўн йил олдин
Туғилган гўдак
Суяк-эти қотиб,
Ботир бўлгандир.

Бундан ўн йил олдин
Дорилфунунда –
Кунлар узунмиди,
Йилга нисбатан?!

Бундан ўн йил олдин...
Ёмғирли тунда
Беҳад сулув эдинг,
Агар... Эсласанг...

Сўнгги дарахт

Бир дақиқа олмасанг нафас
Ва ўпканга бормаса ҳаво.
Кўзинг иргиб, кўкариб, ноҳос
Типиргилаб қоларсан, аммо...

Даҳшатлиси, соғ ақл билан
Таназзулинг англаган ҳолда.
Ўй сурарсан, илдизим силаб
Бир қўлингда занглаган болта.

Идил

Бунда...
Осмон пастлаб кетгандай...
Булутларга етгудай қўлинг.
Оғир тошлар тушар елкангдан,
Хаёлингга келмайди ўлим.

Гўё қадим замондан бери
овлоқ гўша ёқиб қолган-у
қайноқ қумга бағрини бериб
узун бўлиб ётиб олган сув.

Сен

Сен сира ҳам автобусда юрмайсан.
Одам зиг жойларда йўқлигинг аниқ.
Иссиқ нонга навбат кутиб турмайсан,
Бозорга тушмайсан сават кўтариб.

Четланиб ўтасан хиёбонлардан,
Ҳайвоний эҳтирос сен угун эмас.
Ва тагин багкана риёкорлардан
Нафратни яшириш қўлингдан келмас.

Қонингда мағрурлик азалий, тугма.
Гарги юрсанг ҳамки юпун, оғиққан,
Арзон кафеларда ютмайсан луқма
Минг бир кас оғзига тиққан қошиқдан.

Кўнглингни беҳузур қилади даюс,
Беҳаё кўзларнинг таъқиби зимдан.
Севгинга муносиб йигит йўқ, афсус,
Сенга нолойиқман ҳатто ўзим ҳам.

Таҳририятимизга шеърини машқларини жўнатадиган ёшларимиз кўп. Бир жуфт бўлса-да, шеърлари журнал саҳифаларида чоп этилишини хоҳлайдилар. Аммо, нимаям дердик, ҳали “оби тобига” етмаган машқларни эълон қилиб, ёш нихолга зиён, ўқувчига малол етказгимиз келмайди.

Фаргона вилоятидан келган навбатдаги мактуб эса бирдан эътиборимизни тортди. Аввало, ўта ихчамлиги ва ноодатийлиги, қолаверса, шеърлардаги самимияту янги ифодалари билан. Мактубга ҳам, шеърларга ҳам ортиқча изоҳ, шарҳ бермасдан, эътиборингизга ҳавола қилишни маъқул топдик.

Таҳририятдан

Оний манзара

Кўнгилга қўшиқ ҳам сизмайди гоҳи,
Камига йўл тирбанд, вақт эса тизгиз.
Бир оний лаҳзада тортдинг нигоҳим,
Дераза олдида ўйга толган қиз.

Саҳарлаб шаҳарга ошиққан қанга,
Бегона тақдирлар келар юзма-юз.
Сен эса қўлингни қовуштирганга,
Ўткинги касларга боқардинг маъюс.

Неларни ўйладинг субҳи содиқда?
Ўйган кўзларингда синаркан зиё.
Бу ҳиссиз гавдалар қогоз қолипдай,
Ногор кўриндими пулга ўз дунё?

Эҳтимол, хонангга тўлган бемаза,
Нохуш хаёлларни қувмоқ истадинг?
Шундан парда йиғиқ, оғиқ дераза,
Ёмғирда юзингни ювмоқ истадинг?

Лекин нега сен-ла хаёлим банди,
Бу еусса қаердан – ўзим билмайман.
Шаҳарда адашган боладек гангиб,
Йўлнинг ўртасида нега йиғлайман?!

Мен ҳам бир ўткинги..Сенга етти ёт,
Лекин бу изтироб, бу ёш... галати.
Энди хотирамдан ўгмас умрбод,
Дераза олдида турган ҳолатинг.

Сени кутдим

Энг яхши кунларни яшадим ёлғиз,
Далли туғёнларни жиловда тутдим.
Шотутлар қон бўлди, узумлар майиз...
Сени кутдим.

Ҳушимдан айирди райҳон бўйлари,
Бошимдан гул элаб баҳорлар ўтди.
Кейинни ўйладим, сени ўйладим...
Сени кутдим.

Қизларга қўл бериб кўришсам борми,
Ҳаққингга хиёнат қилгандай худди.
Виждоним қийналди, оғриди жоним,
Сени кутдим.

Тирик жон бормикин ҳолим тушунган?
Кўрмаган инсонни қизгондим, куйдим!
Сени излаб бормоқ имконсиз, шунга,
Сени кутдим.


Биламан, бир куни келарсан йўқлаб,
Келмай иложинг йўқ! Бу азал ҳукми!
Ўшанда энг сўнги кутимни тўплаб,
Ниҳоят айтарман,
Мен сени кутдим.

* * *

Қандай тез ўтди болалик!
Қуёш тўғри кўзимга ботар.
Ялпиз терган қизлар болали,
Шумтакалар бўлибди ота!

Бир маҳаллар бу маҳаллада,
Болакайлар топиб юрардик.
Ташвиш деган гап йўқ каллада,
Кўгаларда ётиб юрардик.

Бу йўллардан ўтганда ҳар гал,
Димогимда райҳонлар иси.
Бирга ўйнаб катта бўлгандай,
Сен ёдимга тушганинг қизиқ.



Abay Qo'nonboyev:

“O'zingga o'zing hisob ber!”

Буюк қозоқ шоири ва мутафаккирининг ҳикматларидан



Яхшиликни билганга қайиш, ношукурга қайишмоқ қадрни ерга урмоқдир.

**Мард кўп сўраса ҳам озга рози бўлади,
номард оз сўрайди, ортиқча берсанг ҳам
рози бўлмайди.**

Ёмон дўст сояга ўхшайди.
Пешонангга кун тугса, қочиб қутула олмайсан,
бошингда булут тўпланса, излаб топа олмайсан.

*Дўсти йўқ билан сирлаш,
дўсти кўп билан сийлаш.
Қайғусиздан узоқ қоч,
қайғулига қучоқ оч.*

Юракнинг маслаҳатига амал қилиб гапирилганда гап ёлғон чиқмайди. Юракнинг айтганига кирмай, нафснинг буюрганини қилсанг, сўзсиз адашасан.

Кўрган нарсангга қизиқаверсанг: ё бировнинг ўринли, ё бировнинг ўринсиз гапига ишониб кетсанг, ёки тўғри келган нарсаларга кўнгил қўяверсанг – феъл-атворингнинг бузилиб кетиши ҳеч гап эмас.

•
Фақат ўзинг учун меҳнат қилсанг, ўз қорни гамида ўтлаган ҳайвонлардан бири бўласан, инсоният равнақи учун меҳнат қилсанг, Аллоҳнинг сеvimли бандаларидан бири бўласан.
 •

Дунё

– улкан уммон.

Вақт

– тўхтамай елаётган шамол. Олдиндаги тўлқинлар – авлодлар, орқадаги тўлқинлар – аждодлар. Уларнинг давомийлигида абадий ҳаёт яшайди.

Тўқ тиланчи – одамнинг шайтони,
 Илмсиз сўфи – мўлтони.

Баҳс – бу ҳам аслида илм ўрганишнинг бир йўли. Бироқ унга ортиқча ҳирс қўйиш ярамайди. Чунки баҳсга ортиқча ҳирс қўйишдан мағрурлик, мақтанчоқлик, хусумат, ёлғончилик, ҳатто арзимаган нарсдан жанжал чиқариш ва бировга мушт кўтариш каби ёмон фазилатлар тузилади.

Агар меҳнатим унсин десанг – ишнинг кўзини топ.

Худога

ҳам, бандасига ҳам хуш келмайдиган, ор-номусни оёқости қиладиган ишлардан ўзини соф тута олмайдиган, беҳуда мақтовларга учадиган, ўзининг қилаётган ишини ўзи сезмайдиган йигитни яхши йигит деб бўладими? Сатқани яхши йигит кетсин у!

Агарда сен ҳам ақлли кишиларнинг сафида бўлгинг келса, ҳар куни бир марта, ё ҳафтада бир марта, ҳеч бўлмаса ойда бир марта ўзингга ўзинг ҳисоб бер!

Иш вақтида айёр, ош вақтида тайёр бўлиб, сиртинг ялтираб, ичинг қалтираб юриб, тирикман дегандан кўра, **Худо юборган ҳалол ўлим минг марта афзал.**

**Аччиқланиб бақирганнинг зиёни йўқ.
 Фазабланиб индамагандан қўрқ.**

Ҳикоя қилинишича, бебош ўғил оиласидан ўз меросини олиб, саёҳатга отланади. Бора-бора ичкиликка, фоний дунё жимжималарига ружу қўяди ва беғубор ёшлигини ҳавога совуриб, охири ночор чўчкабоқарга айланиб қолади. Узоқ йиллик айрилиқ ва қийинчиликлардан силласи қуриган йигитча уйига қайтиб, отасидан кечирим сўрайди. Ота адашган ўғлини кечиради.

XVII асрнинг кўплаб рас-сомлари бу воқеани акс эттираркан, адашган ўғилни гавжум даврада қарта ўйнаб, кўнгилхушлик қилаётган ҳолда тасвирлайди.

1668 йили Рембрант эски қолипларни бутунлай парчалаб, асарни янгича гоё ва ифодалар билан чизишга киришади. Бойлик ва қашшоқлик, шуҳрат ва оғир жудоликларни бошдан кечирган рассом йил ўтиб, суратни ниҳоялайди ва бу иш унинг ижодида туб бурилиш ясайди.



REMBRANT

Adashgan o'g'ilning qaytishi

“Адашган ўғилнинг қайтиши” – бой берилган ёшлик, тавба-тазарру тимсолидир. Рассом ҳикоятдан фарқли ўлароқ, воқеаларни янада жонлантиради. Қоронғулик ичра ёришиб турган уйда қачонлардир бадавлат отасини норизо қилиб кетган ўғил сўқир падари пойига тиз чўкиб тавба қилаётир. Ота эса ўғлини бутун оила кўз ўнгида бағрига босмоқда.

Асар рамзларга бой. Адашган ўғилнинг сочи тақир қилиб олингани даврнинг безори ва қуйи табақа вакилларигагина хос. Жулдур кийимидаги ёқа эса унинг қачонлардир ўзига

тўқ оила фарзанди бўлгани, оёқ кийимининг эски ва илма-тешиклиги, товонларининг кир-чир ва эзилгани – узоқ ва машаққатли йўл, изтироб ва азобли ҳаёт белгиси.

Асарнинг иккинчи бир фалсафий маъноси ҳам борки, кўпчилик буни билмас чиқар. Айтилишича, адашган ўғил – рассомнинг ўзи, уни кечирган ота эса – Худо, ака – виждон, она – меҳр-муҳаббат тимсоли сифатида келади.

“Адашган ўғилнинг қайтиши” да рассомнинг қайсидир маънода Яратганга тавбаси, отанинг шафқати остида эса гуноҳлари афв этилишига бўлган чексиз умид бор...